

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР ҚАДРЛАРИНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
ҚАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК  
йўналиши**

**“САБЗАВОТЧИЛИКДА ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР”**

модули бўйича

**Ў Қ У В – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент 2016**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВLAT АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК**

йўналиши

**“САБЗАВОТЧИЛИКДА ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР”**

модули бўйича

**Ў Қ У В – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент 2016

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:**

**Х.Ч.Бўриев**-“Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик” кафедраси профессори, профессор  
**Ш.И.Асатов**--“Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик” кафедраси профессори  
**С.И.Дўсмуратова**--“Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик” кафедраси профессори  
**О.Қодирхўжаев**- -“Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик” кафедраси доценти  
**С.А.Юнусов**--“Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик” кафедраси доценти.

**Тақризчилар:**

**Dr. Ahn Hee Sung**- Director KOPIA Uzbekistan.

**Dr. Jeong Byoung Ryong**-Professor of Horticulture, and Dean of the College of Agriculture and Life Sciences, Gyeongsang National University.

**Ўқув -услубий мажмуа ТошДАУ Кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ -  
сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	19
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	92
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	123
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....	133
VII. ГЛОССАРИЙ .....	134
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	140

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутивчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим – тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Ушбу дастурда “Сабзавотчиликда инновацион технологиялар” модули бўйича: сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик соҳасидаги янгиликлар ва ривожланиш истиқболлари, сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини етиштиришда инновацион ҳамда ресурстежкамкор технологиялар, замонавий иссиқхоналарнинг турлари, тузилиши, уларда асосий сабзавотларни етиштириш усуллари, экспортбоп ва экологик соф сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини етиштириш технологиялари, уларнинг тури ва навларининг

Республикамиз туманларида кўпайтириш йўллари, илмий асосда агротехник тадбирларни кўллаш баён этилган.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

### **“Сабзавотчиликда инновацион технологиялар” модулининг мақсад ва вазифалари:**

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини қишлоқ хўжалигидаги билимларини такомиллаштириш, фаннинг муаммоларини аниqlаш, таҳлил этиш ва баҳолаш, кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

- экинларнинг келиб чиқиш марказлари, тарқалиши, аҳамияти ва ривожланиш истиқболлари, сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштиришда инновацион ва ресурстежамкор технологиялари; сабзавот, полиз ва картошка экинларини кўпайтириш усуллари, янги навлари, химояланган ер иншоотларининг замонавий турлари ва у иншоотларда сабзавот ва полиз экинлари кўчатларини ҳамда ҳосилини замонавий технологиялар асосида етиштириш технологиялари, сабзавот экинларини парваришлиш ва етиштириш каби технологик жараёнлари бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш.

### **“Сабзавотчиликда инновацион технологиялар” модул бўйича тингловчиларнинг кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Сабзавотчиликда инновацион технологиялар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилиқдаги инновацион технологиялар, соҳанинг бугунги қундаги ҳолати ва истиқболлари, соҳага оид меъёрий хужжатларни; сабзавот, полиз ва картошка экинларининг қимматли озиқалик ва шифобахшлик хусусиятлари;
- сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилиқда мамлакатимизда ва хорижда қўлланиладиган инновацион технологияларни;
- сабзавот-полиз экинлари турларини инновацион технология асосида етиштиришҳамда Республика мінтақалари бўйича жойлаштириш ва ресурстежамкор технологиялар асосида ҳар бир экинга хос етиштириш усуллари, сабзавот ва полиз экинларини кўчатларини замонавий технология асосида етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, улардан юқори ҳосил етиштиришнинг инновацион технологиялари хақида **кўникмаларигаэга бўлиши;**

#### **Тингловчи:**

- экинларни парваришилашда янги ресурстежамкор ва инновацион технологияларни қўллаш;

- замонавий технологиялар асосида сабзавот ва полиз экинлари уруғи ва кўчатларини экишга тайёрлаш;
- сабзавот, полиз ва картошка экинларни эртаги, ўртаги ва кечки навларини инновацион технологиялар асосида етишириш усуллари;
- сабзавот, полиз ва картошка экилган майдонларда мураккаб минерал ва органик ўғитларни қўллаш муддати ва меъёри;
- сабзавот, полиз ва картошкада симликларини ресурстежамкор усулларда суориши муддатлари, меъёри ва усуллари;
- сабзавотчиликда маҳсулот етиширишнинг намунаий технологик хариталаридан фойдаланган ҳолда, талаб этиладиган ишчи кучи, техника воситалари, ўғитлар, уруғлар экиладиган материаллар, қадоқлаш идишлари ва бошқа материалларни ҳисоб-китоб тартиботини билиши;
- сабзавот, полиз ва картошка экинларини ҳосилдорлигини аниқлаш ва ҳосил сифатини бошқариш **малакаларини** эгаллаши;

#### **Тингловчи:**

- сабзавот, полиз ва картошка етиширишга оид агротехник тадбирларни замонавий талаблар асосида ташкил этиш;
- мева-сабзавот, полиз ва картошка экинлари ва узумнинг интенсив нав ва дурагайларини танлай олиш;
- сабзавотлар, картошка ва полиз экинлари ҳосилини бирламчи тўғри ишлов беришни ва уларни сотувга чиқаришни ташкил этиш;
- сабзавот ва полиз экинларидан юқори ҳосил олишнинг, мавсумдан ташқари пайтларда сабзавот маҳсулотларини қўпайтиришнинг инновацион технологиялари бўйича компетенцияларни эгаллаши лозим.

#### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Сабзавотчиликда инновацион технологиялар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

#### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Сабзавотчиликда инновацион технологиялар” модули мазмуни ўқув режадаги “Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар”, “Мевачиликда интенсив технологиялар”, “Узумчиликда янги технологиялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар барқарор ривожланиш учун (кенг маънодаги) таълим нафақат ҳозирги, балки келгуси авлод вакилларининг талабларини қондириш мақсадида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий вазифалари, қулай атроф-муҳит ва мамлакатнинг табиий ресурслари салоҳиятини сақлаб қолиш доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси						
			Жами	Назарий	Амалий	Кўчма машғул			
1.	Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик соҳасидаги янгиликлар ва ривожланиш истиқболлари	4	4	2	2				
2.	Сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларининг озиқалик аҳамияти ва шифобахшлик хусусиятлари.	4	4	2	2				
3.	Экспортбоп ва экологик соф сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини етиштириш технологиялари	4	4	2	2				
4.	Сабзавот маҳсулотларини етиштиришда инновацион ҳамда ресурстежамкор технологиялар	10	8	2	4	2	2		
5.	Замонавий иссиқхоналарнинг турлари, тузилиши, уларда асосий сабзавотларни етиштириш усуллари	8	6	2	2	2	2		
	<b>Жами:</b>	<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>4</b>		

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРМАЗМУНИ**

## **1- мавзу: Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик соҳасидаги янгиликларва ривожланиш истиқболлари**

Сабзавотчиликда инновацион технологиялар курсининг мақсади ва вазифалари. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликни ривожлантиришдаги илм-фаннынг сўнги йилларда бу соҳа бўйича эришган ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, ҳамда эришилган ютуқларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликнинг қишлоқ хўжалигидаги ўрни, ҳозирги ҳолати. Республикаизда бу соҳаларни ривожлантириш борасида, қабул қилинаётган қарорлар ва қонунлар. Сабзавот, полиз ва картошка экинларининг янги турлари ва навларини кўпайтириш ва етиштирилаётган маҳсулотлар салмоғини кескин ошириш чоралари.

## **2- мавзу: Сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини озиқалик аҳамияти ва шифобахшлик хусусиятлари**

Сабзавот, полиз ва картошкаларни истеъмол қилинадиган қисми кимёвий таркиби, озукалик аҳамияти ва шифобахшлик хусусиятлари. Сабзавот, полиз ва картошка экинларини кимёвий таркибини ташқи муҳит омиллари таъсирида ижобий ёки салбий томонга ўзгариши, минерал ва органоминерал ўғитларни қўллаш муддатларини ўсимликларнинг ер остки ва ер устки қисмларига таъсири. Органоминерал ўғитларин қўллашда тупроқ таркибидаги табиий моддаларни ҳисобга олган ҳолда уларга бериш озукабоп қисми таркибини ўзгаришига таъсири. Сабзавот, полиз ва картошка экинларини эртаги, ўртаги ва кечпишарлигини ҳисобга олган ҳолда бериладиган ўғитларни режалаштириш уларни шифобахшлик хусусиятларини янада оширишдаги ўрни. Ҳозирги давр табобати инсон истеъмол қиласидаган таомининг 4/1 қисмини сабзавот ташкил қилишини тавсия этади. Сабзавот, полиз ва картошка экинлари навларини ҳудуд иқлим шароитидан келиб чиқсан ҳолда танлаб экиш уларни аҳамиятини ва шифобахшлик хусусиятини оширади.

## **3-Мавзу: Экспортбоп ва экологик соф сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини етиштириш технологиялари**

Ўзбекистоннинг сабзавотлар, полиз маҳсулотларини экспорт қилиш потенциали. Экспортбоп маҳсулот етиштириш бўйича ҳукумат қарорлари. Сабзавот-полиз, картошка маҳсулотларини экологик тоза ҳолда етиштириш хусусиятлари. Сабзавот, полиз ва картошка таркибида нитратлар микдори. Маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблар. Маҳсулот сифатини бошқариш услублари: суғориш тизими, ўсимликларни озиқлантириш.

#### **4-Мавзу: Сабзавот маҳсулотларини етиштиришда инновацион ҳамда ресурстежамкор технологиялар**

Маҳаллий шароитда яратилган, иссиқ қурғоқчиликка чидамли ҳамда касалликларга чидамли серхосил сабзавот, полиз экинлари навларини экиш. Сабзавотчилик соҳасида томчилатиб суғориш усулини қўллаш.

Сабзавот экинлари касалликлари ва зааркунандаларига қарши уйғунлашган кураш чораларини қўллаш. Сабзавот экинларини касаллик ва зааркунандаларга чидамлилигини ошириш, ҳамда хосилдорлигини оширишда пайвандлаш технологичсини қўллаш. Кичик майдонлардан унумли фойдаланишда ҳамда сифатли маҳсулотлар олишда етиштиришнинг янгича усуllibарини қўллаш.

Майда уруғли сабзавот экинларини экишда мульчалаш. Сабзавот экинларини йил давомида 2-3 марта экиб хосил олиш ва ердан унумли фойдаланишда экиш муддатлари ва усуllibарига эътиборни қаратиш.

#### **5-мавзу: Замонавий иссиқхоналарнинг турлари, тузилиши, уларда асосий сабзавотларни етиштириш усуllibари**

Замонавий иссиқхоналарнинг турлари ва уларни тузилиши, ўлчамлари билан танишиш. Ушбу иссиқхоналарда асосий сабзавот экинлари бўлган помидор ва бодрингларни етиштиришда микроиқлим шароитларини созлаш, уларни кичик ҳажмли гидропон усулда етиштириш технологиясини ўрганиш. Кичик ҳажмли гидропоникада фойдаланиладиган субстратларнинг турлари ва уларни хоссаларини ўрганиш. Иссиқхоналарда помидор ва бодрингни серхосил, касаллик ва зааркунандаларга чидамли бўлган нав ва дурагайларини, нав хусусиятларини ўрганиш.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-Амалий машғулот:**

**Сабзавот экинларининг келиб чиқиш марказлари, ботаник оиласлари билан танишиш.**

Сабзавот экинларининг келиб чиқиш марказлари ва маконлари. Сабзавот экинларини ботаник оиласи ва классификацияси. Сабзавот ва полиз экинларини кам тарқалган турлари билан танишиш. Сабзавот турларининг хўжалик белгилари ва истеъмол қилиш органлари бўйича гурухланиши. Сабзавот экинларини классификацияси бўйичатопшириқ жадвалинитўлдириш.

### **2-амалий машғулот:**

**Сабзавотларни интродукция қилинган янги тур ва навлари билан танишиш ва кўпайтириш усуллари.**

Кам тарқалган сабзавотларнинг янги тур ва навларининг морфо-биологик тузилиши ва кўпайтириш усуллари. Республикаизга ноанъанавий сабзавот экин турларини интродукция қилиш. Сабзавот экинларини кўпайиш усуллари ва ноанъанавий экин турлари бўйича хисобот тайёрланади.

### **3-Амалий машғулот:**

**Ўзбекистон Давлат реестрига киритилган сабзавот экинларининг нав ва дурагайлари тавсифи.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган ва истиқболли сабзавотларнинг нав намуналари хусусиятлари. Мамлакатимизда сабзавот, полиз ва картошка экинлари Генофондини ўрганишда нав намуналарининг аҳамияти.

### **4-Амалий машғулот:**

**Замонавий ҳимояланган ер иншоатлари турлари билан танишиш.**

Ҳимояланган ер иншоатларининг турлари, тузилиши ва хусусиятлари. Замонавий иншоатларда микроиқлини созлаш. Вақтинчалик ҳимояланган ер иншоатларидан фойдаланиш. Илитилган ер ва иссиқхоналарнинг ўлчамлари, қурилиш материаллари ва жойлаштириш бўйича хисобот тайёрлаш.

### **5-Амалий машғулот:**

**Очиқ ва ҳимояланган ерлар учун сабзавот ва полиз қўчатларини етиштириш замонавий усуллари.**

Сабзавот ва полиз экинлари кўчатларини етиштириш усуллари ва услублари. Кўчат етиштиришда тупроқ аралашмасининг таркиби, материаллар ва уруғ сарфи. Замонавий жихозлар ва ускуналар билан танишиш ва уларнинг хусусиятлари. Кўчатлар етиштиришга оид хисоб-китобларни бажариш ва сарф харажатларни аниқлаш.

#### **6-Амалий машғулот:**

#### **Сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштиришда агротехник тадбирлар режасини тузиш.**

Сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштиришда янги агротехнологиялар билан танишиш. Агротехник тадбирларни қўллаш муддатларини ўрганиш. Сабзавот экинларининг асосий турлари бўйича агротехник харитасини тузиш.

#### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (мутахассисликка оид кейс вазиятлар яратиш, ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (кейслар яратиш ҳамда ечими бўйича далиллар ва асосли далиллар тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

#### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.5 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		Мустақил иш – 1.0 балл

#### **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

## “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Бодринг Орзу F1	Помидор Юсупов	Картошка Пикассо
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

## “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга,

билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



### Замонавий химояланган ер иншооатларидан фойдаланиш бўйича SWOT таҳлили

<b>S</b>	Замонавий химояланган ер иншооатларидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Мавсумдан ташқари пайтларда сабзавот махсулотларидан юқори хосил олиш. Йил давомида 2-3 марта ердан унумли фойдаланиб хосил олиш. Ахолини доимо янги махсулот билан таъминланиши.
<b>W</b>	Замонавий химояланган ер иншооатларидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Махсулот таркибидаги айрим витаминаларни очиқ майдонларда етиштирилган махсулотга нисбатан камлиги. Иссиқхоналарда хашорат ва касалликларнинг кўпайиши учун шароит яхшилиги.
<b>O</b>	Замонавий химояланган ер иншооатларидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Юқори хосилдорлиги эвазига юқори даромад олиш. Махсулотларни узоқ масофаларга етказиш имконияти бор. Четга кўп махсулот экспорт қилинади.
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Замонавий химояланган ер иншооатларни қурилиши ва ундан фойдаланишда дастлабки харажатларни юқорилиги. Иссиқликка, қопловчи материалларга ва ишчи кучига талаб юқори. Уруғларга бўлган харажатни юқорилиги.

### Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот

берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯхлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯхларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯхга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурӯх ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурӯхлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

### **Очиқ ва химояланган ерлар учун сабзавот ва полиз кўчатларини етишриши замонавий усуллари**

#### **Кўчат етиштириш усуллари**

Пикировкали	Пикировкасиз	Тувакчаларда
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги

--	--	--	--	--

## Хулоса:

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

### Сабзавот, полиз ва картошка экинларини кўпайтириш усуллари, уруғларнинг морфо-биологик хусусиятлари



#### Тест

- Пиёз ўсимлигининг кўпайиш усуллари?
- А. Уругидан, пиёз бошчасидан, кўчатидан
- В. Туганагидан, уруғидан
- С. илдиз бўлакгидан, кўчатидан



#### Қиёсий таҳлил

- Сабзавот экинларини кўпайтириш усулларини таҳлил қилинг?



#### Тушунча таҳлили

- ўсимтасидан кўпайтиришни изоҳланг...



#### Амалий кўникума

- Сабзавотэкинлари уруғларини ажратиб беринг?

## **Венн Диаграммаси методи**


**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан групҳа аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, қўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### **Сабзавот экинларини келиб чиқиши марказлари ва ботаник оиласлари**

**(Томатдошлар, қовоқдошлар ва соябонгулдошлар) бўйича**



### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликнинг бугунги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари

##### Режа

- 1.1. Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликнинг бугунги аҳволи.
- 1.2. Республикада сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликни ривожлантириш истиқболлари.

**Таянч иборалар:** Фармон, қарорлар чора-тадбирлар, сабзавот турлари, инновация, картошка, полиз экинлари, сувории, сабзавотларни хосилдорлиги, дурагай, кўчат, самарадорлик, фойда, янги технология.

Аҳоли саломатлиги, унинг энергетика, ичимлик суви ва озиқ-овқат таъминоти янги минг йилликдаги энг чуқур ва глобал муаммо ҳисобланади. Бугунги кунда ер шарида қарийб 6,5 млрд. дан ортиқ киши яшамоқда ва ҳар 50 йилда аҳоли икки баробарга ортмоқда. Шу боис инсониятни озиқ-овқфат билан таъминлаш масаласи биринчи ўринга чиқмоқда.

Инсон ҳаётида сабзавотларнинг аҳамияти катта. Улар таркибида турли хилдаги биологик фаол моддалар кўп бўлганлиги учун уларни “саломатлик сарчашмалари” деб ҳам юритилади. Сабзавотлар таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган витаминларни 15 таси мавжуддир, минерал тузлар, ферментлар, фитонцитлар ва бошқа биологик фаол моддаларнинг кўплиги улар инсонларнинг муҳим озиқа моддаси эканлигидан далолат беради. Шунга кўра аҳоли ҳаётини давомийлиги ва меҳнатга лаёқатлилиги сабзавотчиликни ривожланишига боғлиқ бўлади.

Дунё ҳамжамияти томонидан бунинг чуқур эътироф этилгани боис, сабзавот ва полиз ишлаб чиқариш ҳажми йилига ортиб бормоқда. Жаҳонда 2013 йилда 376,4 млн.т. картошка ишлаб чиқарилган.

2011-2013 йиллар бўйича жаҳонда йилига энг кўп картошка ишлаб чиқарувчи биринчи бешликка куйидаги давлатлар кирган: Хитой (85,9 млн.т.), Ҳиндистон (45,0 млн.т.), Россия Федерацияси (29,5 млн.т.), Украина (23,2 млн.т.) АҚШ (19,1 млн.т.). Иккинчи бешликда Германия (10,6 млн.т.) етакчи бўлиб, ундан сўнг Польша (9,09 млн.т.), Бангладеш (8,2 млн.т.), Белоруссия (6,9 млн.т) ва Голландия (6,7 млн.т.). Франция – 6,3 млн.т., Эрон-5,4 млн.т. Канада, Буюк-Британия, Миср, Перу, Алжир ва Покистон даватлари 4 млн.т дан ортиқ картошка ишлаб чиқармоқдалар. **03** Сабзавот ва полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда

етакчи бўлган Хитойда ушбу даврда сабзавот-полиз ишлаб чиқариш ҳажми 128,1 дан 278,3 млн. тоннагача, аҳоли жон бошига нисбатан 111 дан 217 кг гача оширилди. Аҳоли жон бошига ушбу маҳсулотларни етиштириш ҳажми қўйидагича ортган: Италияда – 253 дан 266 кг гача, Францияда 130 дан 135 кг гача, АҚШ ва Канадада 121 дан 133 кг гача. Дунёдаги умумий тенденция шуни кўрсатадики, сабзавот ишлаб чиқариш мунтазам ортмоқда. Сўнги беш йиликда у 20% га ортди.

Сабзавот-полиз маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш муаммоси бутундунёда муҳимдир, аммо у Ўзбекистон учун янада долзарбdir. Чунки республикада аҳолининг ўсиш суръати тез бўлиб (йилига 2,4%), аҳолининг икки баробар ортиши 50 эмас балки 30 йилга тўғри келмоқда. Қишлоқ хўжалиги эса мураккаб тупроқ ва иқлим шароитида фаолият кўрсатади, унинг қишлоқ хўжалик экинлари учун биоиқлим потенциали эса дунёдаги асосий сабзавоткор мамлакатлардан 2-3 баробар пастдир.

Ўзбекистоннинг ҳудуди 444,3 кв.м ёки 44,4 млн га бўлиб, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг асосий тармоғи ҳисобланади. Бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисми қишлоқ хўжалиги улушкига тўғри келмоқда.

Ўзбекистонда қарийб 4,3 миллион гектар суғориладиган майдонлар мавжуд бўлиб, шундан сабзавот ва полиз билан банд майдонлар 243,5 минг гектарни ёки 5,7% ни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг аҳолининг картошкага бўлган талабини ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси республикада картошка етиштиришни қўпайтириш масаласини қўйди.

Биринчи уч йил мобайнида картошка экиладиган майдонларни кенгайтириш, ҳосилдорлик ва ялпи ҳосилни қўпайтириш ишлари олиб борилди. Картошка ишлаб чиқариш 1991 йилда 351,2 минг т. ни ташкил этган бўлса, 1994 йилда 567,1 минг т. га етди.

1995 йилда четдан уруғлик картошка келтирилмади, бу ўз навбатида экиладиган майдонни маълум даражада қисқаришига ва ҳосилдорликни пасайишига сабаб бўлди. Натижада ялпи ҳосил 439,9 минг т. гача камайди. У экиладиган майдоннинг қисқарилишидан қатъий назар, 1996 йилда вирусдан соғломлаштирилган уруғлик картошкани четдан келтириб экилиши ҳосилдорликни ошириб, ялпи ҳосилни 513,6 минг т. га етказди.

1997 йилдан бошлаб картошка ишлаб чиқаришни оғишмай қўпайиши кузатилмоқда. Картошка етиштириладиган майдон деярли кенгаймади. 1997-1998 йилларда 56,7-54,2 минг гектарни ташкил эти. Республикада ишлаб чиқарилган картошка ҳар бир истеъмолчига 31-32 кг дан тўғри келди ва четдан истеъмол картошка келтиришга зарурат қолмади.

Картошка 2000-2002 йиллар мобайнида ўртача 750,9 минг т. дан ишлаб чиқарилди, уни асосий қисмини (563,9 минг т. ёки 75,1%) ерлари кам шўрланган Самарқанд (24,2%), Тошкент (21,8%) ва Фарғона водийсининг уч вилоятида (29,3%) етиштирилди. Суғориб дехқончилик қиласидаги тупроғи тўлиқ шўрланган олти вилоятда ишлаб чиқарилган картошка йилига ўртача 120,9 минг т., ёки 16,1% ни ташкил этиб Қорақалпоғистонда – 1,0, Сирдарёда-1,7, Жиззахда – 1,8, Навоийда –2,2, Хоразмда –3,4 ва Бухорода – 5,8% етиштирилди.

2014 йилда картошка экиладиган майдон 79 минг гектарни, ялпи ҳосил 2452 минг тоннани ташкил этиб, етиштирилган картошка аҳоли жон бошига 79 кг дан тўғри келди. Хўжаликларни юқори сифатли уруғлик билан таъминлаш эришилган ютуқларда асосий омил бўлди. Республикада вирусли ва бошқа касалликлардан соғломлаштирилган элита уруғларни келтириш, уруғчилик хўжаликларида биринчи авлод (репродукция) уруғларни етиштириш ва истеъмолбоп картошка етиштирадиган хўжаликларнинг уруғчилик участкаларида иккинчи авлод уруғлик картошка етиштиришга йўналиш олинган.


Ўзбекистон мустақилликга эришгунича аҳолини талаби Россия ва Белоруссиядан келтирилган картошка ҳисобига қондирилар эди. Мустақилликнинг биринчи йилларида етиштирилган картошка ҳосили аҳоли сон бошига 16 кг дан 23 кг.га кўпайди, лекин бунга етиштириладиган майдонларнинг кенгайтириш ҳисобига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 30 августда «Картошқачиликда бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва республикада картошка етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 301 сонли қарорини қабул қилганидан сўнг, 1997 йилнинг ўзида картошканинг ялпи ҳосили 692 минг тоннани ташкил этиб, картошкани етиштириш аҳоли бош сонига 30 кггача этиб, четдан истеъмолбоп картошка келтиришга чек қўйилди.

Картошканинг уруғлик фондини етиштиришни таъминлаш ва республика ички бозорини ўзимизда етиштирилган картошка билан тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 30 августда “Республика картошқачилигида бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва картошка етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 301-сонли қарорни қабул қилди. Бу қарорга асосан 26 картошка етиштирадиган хўжаликларни ўз таркибида бирлаштирган “Ўзкартошка” фирмаси ташкил этилди. Фирмага қўйидаги масалаларни ҳал этиш вазифаси қўйилди: Республикада уруғчилик базасини ташкил этиш, навни янгилаш мақсадида республика ташқарисидан уруғлик картошка келтириш йўли билан республика хўжаликларининг уруғлик картошкага бўлган эҳтиёжини таъминлаш. қарорда ҳар йили навларни янгилаш учун четдан 25 минг т. уруғлик келтириш, 7 минг га майдонда картошка етиштириб ундан 126 минг т. ҳосил шу жумладан 84 минг т уруғлик олиш назарда тутилган. 1997 йилда

картошка экиладиган майдонни 59,5 минг га, ундан олинадиган ялпи ҳосилни эса 855 минг т. етказиш режалаштирилган.

Фирма фаолияти мамлакатимизда картошка ишлаб чиқаришни кўпайтиришда самарали фойда берди. 1997 йилдан бошлаб картошка ишлаб чиқаришни оғишмай кўпайиши (1-расм).



1-Расм. Ўзбекистонда 2011-2014 йилларда картошкачиликнинг ривожланиши динамикаси.

Картошка ишлаб чиқаришни кўпайиши экиладиган майдонларни кенгайтириш ҳисобига эмас, балки ҳосилдорликни ўсиши ҳисобигадир. Агар, мамлакатимиз мустақилликга эришгунича картошка ҳосилдорлиги 8,5 т/га ни ташкил этган бўлса, сўнгги уч йил мобайнида уни ўртacha ҳосилдорлиги мунтазам равищда кўпайиб 15-16 т/га дан кўп етди,. уруғчилик хўжаликларида эса у 20-25 т/га ташкил қиласяпти. Мамлакат бўйича 2003 йилда ўртacha ҳосилдорлик 17,0 т/га, картошка етиштирадиган асосий вилоятларда эса 18-19 т/га ташкил этди. Бунга, аввало, навларни янгилаб туриш, ёз фаслида экиб етиштириш ҳисобига олинган юқори

сифатли уруғлар ва серҳосил навлардан фойдаланиш ҳамда дехқон ва томорқа хўжалиги эгаларининг қунт билан қилган меҳнатлари ҳисобига эришилди.


Шу билан бир қаторда таъкидлаш жоизки, картошка ишлаб чиқариш сўнги йилларда асосан кичик дехқон хўжаликларига таянмоқда. Мамлакат бўйича етиштирилаётган картошка ялпи ҳосилининг қарийб 80-85% айнан шу хўжаликлар улушкига тўғри келади, буларда эса маҳсулотнинг товар сифатлари бирмунча пастроқdir в бу хўжаликларда картошкани саноат асосида етиштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш имкониятлари мавжуд эмас. Кўл меҳнатининг қўплиги эса бундай ишлаб чиқарилган картошканинг таннархи юқори бўлишига олиб келмоқда.


Аммо қишлоқ хўжалигидаги амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳанузгача ўз амалий натижасини бераётгани йўқ. Буни қўпгина фермер хўжаликларида ҳанузгача сифатсиз уруғ экилаётганлиги, ишлб чиқариш жараёнларининг механизациялаштирилмаганлиги, агротехника элеменларининг ўз вақтида ва сифтли бажарилмаётганлиги билан тушунтирилади.

Бугунги кунда сабзавотларнинг ҳосилдорлиги кичик дехқон хўжаликлари ва томорқаларда сезиларсиз ошиши қузатилди холос. Мамлакат бўйича сабзавот етиштириш ҳажми бугунги кунда (2014) 9286,7 минг тоннани ташкил этмоқда (2-расм).

Сабзавот етиштириладиган майдонлар ҳам ғалладан сўнг такрорий етиштириш ва оралиқ экин сифатида фойдаланиш ҳисобига оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, полиз маҳсулотларини етиштириш деярли дехқон хўжаликлари улушкидалигича қолиб кетмоқда. Полиз етиштириш саноат асосида ташкил этиш эса улардан олинадиган ялпи ҳосилни қўтариш ва малакатнинг полиз маҳсулотлари экспортини йўлга қўйиш имконини бериши мумкин.





2-Расм. Ўзбекистонда 2011-2014 йилларда сабзавотчиликнинг ривожланиши динамикаси.

Мустақилликдан аввалги йилларда ҳосилдорлик паст бўлсада (11,1 т/га), полиз экинлари билан банд майдонлар юқори бўлган (83,2 минг га) ва ялпи ҳосил 914,2 минг т. ни ташкил этган. Бу даврда аҳоли жон бошига полиз мевалари етиштириш 44 кг атрофида бўлган. Мамлакат мустақилигининг дастлабки йилларидан 2003 йилларгача полизчилик иқтисодий самарасиз бўғинга айланиб қолди. Гарчи бу даврда полиз экинлари ҳосилдорлиг бирмунча кўтарилса ҳам, экин майдонлари айрим йилларда ҳатто 30,3 минг гектардан 42,2 минг гектаргача камайтирилди ва бунга боғлиқ равишда ялпи ҳосил ҳам камайиб кетди (361 минг т. дан 587 минг т. гача). Ишлаб чиқарилган полиз миқдори аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланганда 2002 йилда 24 кг гача камайди.

Полиз экинлари ялпи ҳосилининг сезиларли ва барқарор кўтарилиши 2006 йилдан бошланди, бу ҳосилдорликнинг оширилиши билан ҳам изоҳланди. Бироқ 1991 йилги ишлаб чиқариш даражасига 2008 йилдагина эришилди.

2006 йилдан сўнг полиз экинларининг ялпи маҳсулоти йилига 90-140 минг т. атрофида ортиб борди. 2004 йилда полиз экинларининг ялпи ҳосили 1696 минг т. ни ташкил этди. 1991 йилги кўрсаткичга қиёслангандан полиз маҳсулотлари етиштириш ҳажми қарийб 1,8 марта ортди. Аҳоли жон бошига полиз мевалари етиштириш ҳажми 54 кг ни ташкил этди ва бу 1991 йилги кўрсаткичдан 10 кг га юқоридир.

Таъкидлаш жоизки, полиз меваларининг тахминан ярми фермер хўжаликлари далаларида етиширилмоқда. Бинобарин, 2013 йилги 1558 минг т. ҳосилнинг 782 минг т. ёки 50% қисми фермерлар томонидан ишлаб чиқарилди.

Шундай қилиб, бугунги кунда сабзавот, полиз ва картошка ишлаб чиқариш ҳажми мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли шу даражага етказилдики, у соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан белгиланган меъёрга нисбатан аҳоли жон бошига ортиғи билан иишлаб чиқарилмоқда.

Бинобарин, аҳоли жон бошига талаб қилинадиган меъёрга нисбатан ишлаб чиқарилаётган сабзавотлар 2,6 марта (109,2 кг ўрнига 290 кг), картошка – 1,4 марта (54,6 кг ўрнига 79 кг), полиз – в 2,2 марта (24,2 кг ўрнига 54 кг) ортиқдир. Агар транспортда ташиш ва қайта ишлаш саноатини талабини ҳисобга олинса ҳам, етиширилаётган сабзавот, полиз ва картошка аҳоли учун етарлича даражага олиб келинган.

Шунга қарамай, сабзавот, полиз ва картошка етишириш ялпи ҳажмини ошириш зарурати сақланиб турибди. Буни экспорт ҳажмини кенгайтириш имконияти юқори бўлган қайта ишлаш корхоналарининг талабини тўлиқ қондирилмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу боис бугунги кунда сабзавот маҳсулотлари етишириш ҳажмини ошириш бўйича барча имкониятлардан фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 9 январдаги «2015 йилда сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз ва узум ишлаб чиқариш ва фойдаланиш прогноз параметрлари» қарорига мувофиқ 2015 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қўйидагича бўлиши лозимлиги белгиланган: сабзавот 9536 минг т. картошка – 2606 минг т. ва полиз – 1770 минг т.

Узоқ келажак прогнози бўйича эса 2030 йилга бориб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қўйидаги кўрсаткичларга етказилиши лозим: сабзавот – 10,2 млн. т., картошка – 5,3 млн. т, полиз – 2,2 млн. т. (книга – альбом, 2014).

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб хulosса қилишг мумкинки, сабзавотчилик, полизчилик ва картошачилик тармоқларини ривожлантириш учун етарлича заҳиралар мавжуд. Фикримизча, уларнинг асосийлари қўйидагилар ҳисобланади.

*Такрорий экиндан фойдаланиш ҳисобига картошка, сабзавот ва полиз етишириши ҳажмини ошириши.* Ўзбекистонда йилига ёз аввалида бошоқли дон экинларидан қарийб 1 млн. гектар ва эртаги сабзавотлардан ҳам бир неча ўн минглаб гектар ерлар бўшайди. Бундай ерларда картошка, карам, сабзи, ошлавлаги, турп, шолғом, помидор, кўкат сабзавотлар, қишки полиз ва бошқа кўплаб маҳсулотларни муваффақият билан етишириш мумкин.

**Тарвуз ва қовун етишириши учун лалми ерларни ўзлаштириши.** Бугунги кунда лалми ерларда 3-4 минг гектар майдонларда полиз етиширилмоқда. Ушбу майдонларни 30-40 минг гектаргача ошириш имкониятлари мавжуд.

**Сабзавот ва полиз экинларининг сифатли уруғларини етказиб берувчи тизим фаолиятини тиклаш.** Илмий тадқиқот муассасаларида сабзавот ва полиз экинларининг сифатли уруғларини етишириб беришни кучайтириш, ихтисослашган уруғчилик хўжаликларида элита ва супер элита уруғлар етиширишини давлат томонидан назорат қилинишини таъминлаш лозим, яъни уруғ етиширишнинг экиш, парваришлаш, йиғиб олиш ва сақлашгача бўлган барча жабхаларида апробацияни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Мамлакат ҳудудига Давлат синови ва карантин назоратидан ўтмаган, Давлат реестрига киритилмаган уруғларнинг кириб келишини жиддий назорат остига олиш лозим.

**Мамлакат ичida ўз навларимизни чиқариш ва уни очиқ далада етишириши учун татбиқ этиши ишларини кучайтириши зарур.** Бунинг учун илмий тадқиқот муассасаларида тоза тизмалардан фойдаланиш асосида янги, муҳитнинг стресс омилларига чидамли ва ҳосилдор навларни чиқариш ишларини рағбатлантириш керак.

**Сабзавот экинлари ассортиментини кенгайтириши.** Маълумки, бугунги кунда инсониятга маълум 1200 тур сабзаволардан мамлакатимизда 40, кенгроқ майдонларда эса атиги 20 тур етиширилмоқда. Булар орасида 80-85 % майдон бор йўғи 5 та экин билан банд қилинмоқда: помидор (39-40%), пиёз (19-20%), сабзи (10-11%), бодринг (7-8%) ва карам (6-7%). Мамлакатимизга янгидан-янги ноанъанавий сабзавот маҳсулотларини интродукция қилишга эътиборни кучайтириш зарур. Бу эса аҳоли овқатланиш сифатини янада ошириш, уларнинг меҳнатга лаёқатлилик даражаси ва саломатлигини яхшилашда муҳим омилдир.

**Товар маҳсулотлар етишириши ҳажмини асосан ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил этиши орқали кенгайтириши.** Бу эса механизация воситаларидан янада кенг фойдаланишга йўл очади, тармоқни жадаллаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қиласди.

**Ишлаб чиқариш жараёнларида механизациядан фойдаланиши даражасин ошириши.** Республикада фақатгина экиш ва қатор ораларига ишлов бериш механизациялаштирилган холос. Аксарият сабзавотларни йиғиб олиш ва уларга бирламчи ишлов бериш кўл меҳнатига таянганлигича қолмоқда. Бу жараёнларда мини техникаларнинг роли жуда ҳам пастдир.

**Суғоришнинг прогрессив технологияларидан кенг фойдаланиши.** Сабзавотчилик ва картошкачиликда ҳанузгача эгатлаб ер устки суғориш қўлланилмоқда. Томчилиб суғоришнинг ролини тармоқда кучайтириш лозим. Бу са сувни тежаш ва етиширилаётган маҳсулот сифатини ошириш имконини беради.

**Эртаги маҳсулот етишириши ҳажмини ошириши.** Эртаги маҳсулот етишириш бўйича хорижий давлатлар Ўзбекистон билан рақобатлаша олмайди. Бу эса Ўзбекистоннинг эртаги сабзавот маҳсулотларини МДҲ ва бошқа хорижий давлатларга кенг миқёсда экспорт қилиш имкониятларини очиб беради

**Ҳимояланган жой сабзавотчилигини янада ривожлантириши.** Бу тизим мавсумдан ташқари вақтларда ҳам янги сабзавотлар билан таъминлаш, шунингдек экспорт салоҳиятини оширишга кенг имкониятлар очиб беради. Бунинг учун мавжуд иссиқхона хўжаликларини қайта реконструкция қилиш, уларга янги прогрессив технологияларни олиб кириш талаб этилади.

**Сабзавот ва полиз маҳсулотларини тайёрлаш, бирламчи ишлов бериши ва транспортда ташиши тизимини таомиллаштириши.** Аксарият сабзавотлар кичик деҳқон хўжаликлида етиширилаётганлиги боис, уларни тўплаш, бирламчи ишлов бериш ва қадоқлаш бўйича марказлашган тайёрлов иссиқхона комбинатларини ва транспортда ташиш субъектларини жорий қилиш лозим, уч томонлама шартнома асосида иш ташкил этилиши лозим: ишлаб чиқарувчи – тайёрловч (экспортер) – транспортда ташувчи. Бу битим маҳсулотларнинг қўплаб исроф бўлишини олдини олиш, маҳсулотни истеъмолчиларга сифатли етказиб бериш имкониятларини беради

**Сабзавот маҳсулотларини кичик омборхоналарда сақлаш ҳажмини ошириши.** Бунинг учун фермер хўжаликлари шароитида кичик омборхоналрни барпо этиш, мавжуд омборларн реконструкция қилиш талаб этилади. Уларда сақлашнинг янги технологияларидан кенг фойдаланиш тақозо этилади (бошқариладиган газ муҳити, музлатиш, янги қадоқлаш идишлари ва х.к.). буларнинг барчаси маҳсулотни сифатли сақлаш ва экспорт ҳажмини ошириш имконини беради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишда бошқа тармоқарга хос имкониятлар ҳам мавжуд. Булар сұғхориши сувларини тежаш ва сифатли етказиб бериш тизимлари, касаллик ва зааркунандаларга қарши курашишнинг уйғунлаштирилган тизимлари, биологик ўғитлардан кенг фойдаланиш, тупроққа ишлов беришни камайтириш, агроэкотизимга ташқи таъсирларни минимумга тушириш ва бошқалардир.

Ўзбекистонда картошккачилик ва сабзавотчиликни ривожлантиришда илмий тадқиқотларнинг аҳамияти ҳам юқридир.

Юқорида билдирилган фикрлар ушбу тармоқларда илмий тадқиқотлар олиб бориш йўналишлари ва муаммоларини аниқ белгилашга асос бўлади.

- Селекция ва уруғчилик йўналишида илмий тадқиқотлар роилини ошириш, унда биотехнологиялар, ген муҳандислиги, дурагай авлодларни тезкор қўпайтириш, адаптив селекция учун мутагенездан кенг фойдаланиш ва бошқаларни ўз ичига олиши керак ;

- Нав хилма-хиллигини таъминлаш, бунда юқори ҳосилдор, мухитнинг стресс омилларига чидамли, маҳсулот таркибида нитратлар ва пестицидларнинг қолдиқ миқдорини кам тўпловчи навлар ва дурагайлар улушини оширишга эътиборни кучатириш зарур.

Бундан ташқари, республика учун ультра тезпишар картошка ва сабзавот маҳсулотлари навларига эҳтиёж юқоридир. Бундай навлар ўртаги навлар ҳосили чиққунча аҳолини сифатли ва янги маҳсулотлар билан мўл миқдорда таъминлаш имконини беради. Улар такорий экинда ҳам қисқа муддат ичida қўшимча масҳулот етишириб олиш имкоини беради.

Сабзавотларни баҳорги эмас, балки энг эрта ва такорий экинда етиширишни кучайтириш ердан оқилона фойдаланиш имкониятларини беради.

Бирламчи уруғчилик тизимини фаоллаштириш ва тадқиқ қилиш бугунги кун зарурати эканлигича қолмоқда.

Таъм ва товар сифатлари юқори бўлган, биокимёвий таркиби бой ноанъанавий сабзавотларни интродукция қилиш орқали мамлакат сабзавот ассортиментини ошириш талаб этилади.

Агротехник ишланмалар ҳам навга хосланиб ишлаб чиқилса, сабзавот экинларини теиштириш самарадорлиги янада ортади. Бу ҳолда мамлакатимиз навлари ҳам юқори агротехникада хорижий дурагайлардан қолишмаган ҳолда юқори сифатли мўл ҳосил бериши мумкин.

**Кичик ва йирик хўжаликларда сабзавот ва полиз етишириш технологияларини такомиллаштириш, уларда механизациялаштириш тартибларини кучайтиришга эътибор бериш лозим. Кичик хўжаликлар учун кичик габаритли мини технологиялардан фойдаланиш бўйича ишланмалар тадқиқ қилиш зарур<sup>1</sup>**

## ЖАДВАЛ 1<sup>2</sup>

### АҚШДА САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ СТАТИСТИКАСИ:

#### АСОСИЙ САБЗАВОТЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ҲОЛАТИ, 2004

<u>Олинганҳосил (Акрада)</u>		<u>Ишлаб чиқариш</u>		<u>Қиймати</u>		
<b>Қатор</b>	Штат	% жами ҳисобида	Сҳтат	% жами ҳисобида	Штат	% жами ҳисобида
<b>1</b>	Калифорния	43.4	Калифорния	48.8	Калифорния	52.9

<sup>1</sup>Maureen Gilmer. Growing Vegetables in Drought, Desert & Dry Times: The Complete Guide to Organic Gardening without Wasting Water. List Price: Sasquatch Books. USA. 2015

<sup>2</sup> Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition. D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

<b>2</b>	Флорида	9.5	Флорида	9.1	Флорида	11.8
<b>3</b>	Жоржия	7.0	Жоржия	8.4	Аризона	8.7
<b>4</b>	Аризона	6.7	Аризона	4.5	Жоржия	3.9
<b>5</b>	Ню Ёрк	4.0	Texac	3.7	Texac	3.5

**ЭКИНЛАР ҚИЙМАТИ ОРҚАЛИ КЕЛТИРИЛГАН АҚШДА САБЗАВОТЛАРИНИ  
ЕТИШТИРИШДА МУХИМ ЎРИН ЭГАЛЛОВЧИ ШТАТЛАР, 2004**

<b>ЭКИН</b>	<b>БИРИНЧИ</b>	<b>ИККИНЧИ</b>	<b>УЧИНЧИ</b>
<b>АРТИШОК</b>	Калифорния	—	—
<b>АСПАРАГУС</b>	Калифорния	Вашингтон	Мичиган
<b>ЛОВИЯ</b>	Флорида	Калифорния	Жоржия
<b>БРОККОЛИ</b>	Калифорния	Аризона	—
<b>КАРАМ</b>	Калифорния	Техас	Нью Ёрк
<b>КЕНТОЛУПА ҚОВУНИ</b>	Калифорния	Аризона	Техас
<b>САБЗИ</b>	Калифорния	Техас	Мичиган
<b>ГУЛКАРАМ</b>	Калифорния	Аризона	Нью Ёрк
<b>СЕЛЬДЕРЕЙ</b>	Калифорния	Миссиган	—
<b>БОДРИНГ</b>	Флорида	Жоржия	Калифорния
<b>САРИМСОҚ</b>	Калифорния	Орегон	Невада
<b>ОБИ НОВВОТ ҚОВУНИ</b>	Калифорния	Аризона	Техас
<b>ЛАТУК САЛАТИ,</b>	Калифорния	Аризона	Колорадо
<b>ЛАТУК САЛАТИ, БАРГИ</b>	Калифорния	Аризона	—
<b>ЛАТУК САЛАТИ ТУРИ</b>	Калифорния	Аризона	—
<b>ҚҮЗИҚОРИН</b>	Пенсильвания	Калифорния	Флорида
<b>ПИЁЗ</b>	Калифорния	Техас	Орегон
<b>ШИРИН ҚАЛАМПИР</b>	Калифорния	Флорида	Нью-Жерси
<b>АЧЧИҚ ҚАЛАМПИРИ</b>	Калифорния	Нью-Мексика	Техас
<b>ҚОВОҚ</b>	Нью Ёрк	Пенсильвания	Калифорния
<b>ШОВУЛ</b>	Калифорния	Аризона	Техас
<b>ҚОВОҚЧА</b>	Калифорния	Флорида	Нью Ёрк
<b>ҚУЛУПНОЙ</b>	Калифорния	Флорида	Схимолий Каролина
<b>МАККАЖҮХОРИ</b>	Калифорния	Флорида	Нью Ёрк
<b>ПОМИДОР</b>	Калифорния	Флорида	Техас

<sup>3</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

**АҚШДА САБЗАВОТЛАРИДАН ОЛИНГАН ҲОСИЛ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА  
ҚИЙМАТИНИНГ ЎРТАЧА ҲИСОБИ, 2002-2004**

ЭКИН	МАЙДОН (АКРХИСОБИДА)	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ (1000СВТ)	ҚИЙМАТ (1000\$)
АРТИШОК	7,633	925	71,716
АСПАРАГУС	58,833	1,086	176,870
ЛОВИЯ	94,733	5,840	277,141
БРОККОЛИ	133,300	19,520	119,995
КАРАМ	75,460	23,967	316,398
КЕНТОЛУПА ҚОВУНИ	88,583	21,608	356,867
САБЗИ	85,400	26,577	518,266
ГУЛКАРАМ	40,533	6,612	218,110
СЕЛЬДЕРЕЙ	27,300	18,932	260,904
БОДРИНГ	55,357	10,005	202,636
САРИМСОҚ	33,133	5,705	151,452
ОБИ НОВВОТ ҚОВУНИ	23,100	5,133	93,235
ЛАТУК САЛАТИ,	185,400	78,785	1,282,088
ЛАТУК САЛАТИ, БАРГИ	55,100	13,461	422,747
ЛАТУК САЛАТИ ТУРИ	72,000	22,649	534,087
ҚЎЗИҚОРИН	165,153	74,702	870,217
ПИЁЗ	54,167	16,196	511,813
ШИРИН ҚАЛАМПИРИ	29,700	4,223	110,460
АЧЧИҚ ҚАЛАМПИРИ	41,657	8,878	90,867
ҚОВОҚ	36,393	5,543	203,619
ШОВУЛ	51,867	8,078	207,571
ҚОВОҚЧА	49,200	20,847	1,336,008
ҚУЛУПНОЙ	246,243	28,031	559,580
МАККАЖЎХОРИ	125,707	37,094	1,309,213
ПОМИДОР			

<sup>4</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

## АҚШДА САБЗАВОТЛАРИНИНГ ЎРТАЧА ҲОСИЛДОРЛИГИ, 2002-2004

Экинлар	Ҳосил (СВТ/АКР)
Артишок	122
Сарсабил	31
Ловия	62
Брокколи	146
Карам	317
Мушкли қовун	244
Сабзи	311
Гулкарам	163
Селдерей	693
Бодринг	181
Саримсоқ	172
Обиноввот қовуни	223
Латук салати, боши	371
Латук салати, барги	244
Латук салати тури	315
Пиёз	452
Ширин қалампир	299
Чили қалампир	142
Қовоқ	211
Шовул	152
Қовоқча	156
Қулупнай	423
Маккажӯхори	114

<sup>5</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

**ЖАДВАЛ 5<sup>6</sup>**

**АҚШДАГИ ЕТАКЧИ САБЗАВОТ ЕТИШТИРУВЧИ ШТАТЛАРИ, 2004**

<i>Қатор</i>	<i>Олинган ҳосил (акрада)</i>		<i>Ишлаб чиқарши</i>		<i>Қиймати</i>	
	Штат	% жами хисобда	Штат	% жами хисобда	Штат	% жами хисобда
<b>1</b>	Калифорния	24.1	Калифорния	67.8	Калифорния	51.2
<b>2</b>	Миннесота	16.0	Вашингтон	6.3	Висконсин	7.0
<b>3</b>	Висконсин	15.0	Висконсин	5.7	Миннесота	6.9
<b>4</b>	Вашингтон	11.0	Миннесота	5.7	Вашингтон	6.8
<b>5</b>	Орегон	5.0	Орегон	2.4	Мичиган	4.1

**ЖАДВАЛ 6<sup>7</sup>**

**АҚШДАГИ САБЗАВОТЛАР ЕТИШТИРИШДАН ОЛИНГАН ҲОСИЛ (АКРАДА), ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ ВА ҚИЙМАТИНИНГ ЎРТАЧА ҲИСОБИ,**

**2002-2004**

Экин	Майдон (акр)	Маҳсулот (тонна)	Қиймат (1000\$)
Ловия, лима	46,267	59,757	25,854
Ловия, тугмача	196,600	781,630	122,141
Сабзи	15,770	426,300	32,081
Бодринг	116,700	616,907	168,149
Нўхат, яшил	215,833	402,540	101,186
Шовул	12,640	118,140	13,354
Ширинжўхори	416,500	3,100,640	217,495
Помидор	302,247	11,252,313	658,516

<sup>6</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

<sup>7</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

**ЖАДВАЛ 7<sup>8</sup>**

**АҚШДА САБЗАВОТЛАР ЕТИШТИРИШДАГИ ҲОСИЛДОРЛИГИНИНГ ЎРТАЧА  
ҚИЙМАТИ, 2002-2004**

Экин	Ҳосил (тонна/акр)
Ловия, лима	1.29
Ловия, тұгмача	3.97
Сабзи	27.02
Бодринг	5.07
Нұхат, яшил	1.86
Шовул	9.44
Ширинжүхори	7.44
Помидор	37.20

**ЖАДВАЛ 9<sup>9</sup>**

**АҚШДА КАРТОШКА ВА ШИРИН КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ СТАТИСТИКАСИ:  
ОЛИНГАН ҲОСИЛ МАЙДОНИ (АКРАДА), ҲОСИЛДОРЛИК, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА  
ҚИЙМАТ ЎРТАЧА ҲИСОБИ, 2002-2004**

Экин	Майдон (акра)	Ҳосил (ц/акра)	Ишлаб чиқариш (1000 ц)	Қиймат (1000\$)
Картошка	1,227,533	373	457,449	2,765,300
Ширин картошка	89,400	168	15,029	269,176

**ЖАДВАЛ 10<sup>10</sup>.**

**ЭКИН ҚИЙМАТИ ОРҚАЛИ КЕЛТИРИЛГАН КАРТОШКА ВА ШИРИН КАРТОШКА  
ЕТИШТИРИШДА АҚШНИНГ МУХИМ ЎРИН ЭГАЛЛОВЧИ ШТАТЛАРИ, 2003**

Қатор	Картошка	Ширин картошка
1	Айдаҳо	Шимолий Калифорния
2	Вашингтон	Калифорния
3	Калифорния	Луизиана

**ЖАДВАЛ 11<sup>11</sup>**

<sup>8</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

<sup>9</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

<sup>10</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

**АҚШДА КАРТОШКА ЭКИНИНИНГ УТИЛИЗАЦИЯСИ ЎРТАЧА ХИСОБИ,**

**2001-2003**

МИҚДОР		
Рўйхат	1000ц	% Жами хисобда
A. Савдо	413,227	91
1. Улушлар жадвали	129,936	29
2. Жараён	256,808	57
a. Чипс	52,825	12
b. Дегидрация	46,845	10
c. Музлатилган француз балиқ гўштлари	126,033	28
d. Бошқ амузлатилган маҳсулотлар	25,473	6
e. Консерваланган картошкалар	4,651	1
f. Крахмал ва ун	981	<1
3. Бошқа савдолар	26,483	6
a. Қорамол озукаси	2,848	<1
b. Уруғ	23,634	5
B. Рўй бермаган савдолар	37,992	8
1. Фермада ишлатиладиган уруғлар	5,516	1
2. Қисқартириш	32,476	7
Умумий ишлаб чиқариш	451,219	

<sup>11</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

**ЖАДВАЛ 13<sup>12</sup>.**

**2004 ЙИЛИДАГИ АҚШДА САБЗОВОТЛАРНИНГ ИСТЕЙМОЛ УЧУН  
МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ**

	Суммаси			
Сабзовотлар	Янгилигидә	Қайта ишланган	Музлатилган	Жами
Артишок	-	-	-	0.7
Спаржа	1.1	0.2	0.10	1.4
Ловия	-	-	-	6.7
Ловия синоп	2.1	3.5	1.9	7.4
Брокколи	5.8	-	2.4	8.2
Карам	7.9	1.1	-	9.0
Канталупа қовуни	11.0	-	-	11.0
Сабзи	8.4	1.5	1.7	11.5
Гулкарар	1.7	-	0.5	2.2
Сельдерей	6.2	-	-	6.2
Брюквa	6.3	4.9	-	11.2
Бақлажон	-	-	-	0.7
Эндивий	0.2	-	-	0.3
Чеснок	-	-	-	2.8
Қовун	2.2	-	-	2.2
Бош салат	21.3	-	-	21.3
Барг салат	10.0	-	-	10.0
Қузықорин	2.6	1.6	-	4.2
Пиёз	19.3	-	-	20.8 <sup>2</sup>
Күк нұхат	-	1.3	1.9	3.3
Нұхат	-	-	-	0.6
Ширин қалампир	7.2	-	-	7.2
Аччиқ қалампир	-	5.7	-	5.7
Картошка	45.6	33-8 <sup>2</sup>	56.6	136.0
Исмолоқ	-	-	-	1.8
Қулупнай	5.4	-	1.7	7.1
Ширин жүхори	9.7	8.8	9.5	27.8
Батат	-	-	-	4.3
Помидор	19.1	69.8	-	88.9
Тарвуз	14.0	-	-	14.0
Қолған сабзавот	-	-	-	12.1

**ЖАДВАЛ 14<sup>13</sup>.**

---

<sup>12</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

## **КАРТОШКА, БАТАТ, ЛОВИЯ, НҮХОТ, АҚШДА АСОСИЙ ИСТЕММОЛГА ЙҰНАЛТИРИЛГАН САБЗОВОТ**

**Сумма (Лб)**

Давр	Картошка	Батат	Ловия	Нүхат
1947-1949 ўртача хисобида	114	13	6.7	0.6
1957-1959 ўртача хисобида	107	8	7.7	0.6
1965	108	6	6.6	0.4
1970	118	6	5.9	0.3
1975	122	5	6.5	0.4
1980	116	5	5.4	0.4
1985	122	5	7.1	0.5
1990	128	5	6.4	0.5
1995	139	4	7.4	0.5
2000	139	4	7.6	0.9
2004	136	4	6.7	0.6

Қисқа маълумот сабзовотлар истемол ва вазифа хисоботи ТВС-233 ( 1584) сабзавотлар ва соҳа усталари ТВС-260(1993) Сазавотлар ва соҳа усталари ТВС-265 (1995) ва Сазавотлари ва Қовун истиқболари ВГС-307 (УСДА иқтисодий илмий хизмат күрсатиши 2005) [http://wwwers.ysda.gov/publications/vgs/Фебос/vgs\\_307/pdf](http://wwwers.ysda.gov/publications/vgs/Фебос/vgs_307/pdf)

<sup>13</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

**2004 ЙИЛДА САБЗОВОТ ЕТИШТИРИШ БҮЙИЧА МУХИМ ДАВЛАТЛАР**

Үсімлик	1-чи	2-чи	3-чи
Артишок	Италия	Испания	Аргентина
Аспарагус	Хитой	Перу	АҚШ
Дон сноп	АҚШ	Франция	Мексика
Карам	Хитой	Индия	Россия
Канталупа қовуни	Хитой	Турция	АҚШ
Сабзи	Хитой	АҚШ	Россия
Гулкарам	Хитой	Индия	Истамбул
Бодринг	Хитой	Турция	Эрон
Чеснок	Хитой	Индия	Жанубий Корея
Карам	Хитой	АҚШ	Испания
Күзиқорин	Хитой	АҚШ	Нидерландия
Окра	Индия	Нигерия	Покистон
Пиёз	Хитой	Индия	АҚШ
Күк пиёз	Индия	Хитой	АҚШ
Шириң қалампир	Хитой	Мексика	Турция
Картошка	Хитой	Россия	Индия
Қовоқ	Хитой	Индия	Украина
Исмалоқ	Хитой	АҚШ	Япония
Құлпуной	АҚШ	Испания	Франция
Шириң жухори	АҚШ	Нигерия	Нигерия
Батат	Хитой	Уганда	Нигерия
Помидор	Хитой	АҚШ	Турция
Тарвуз	Хитой	Турция	Эрон
Хаммаси	Хитой	Индия	АҚШ

<sup>14</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

**2001-2003 ЙИЛЛАРДА ДУНЁДА ЎРТАЧА САБЗАВОТЛАРИНИ  
ЕТИШТИРИШ**

Мамлакатлар	Етиштирилган махсулот (млн т )	%
Хитой	8.988.1	48.9
Индия	1.697.3	6.2
АҚШ	823.6	4.5
Туркия	552.5	3.0
Россия	326.0	1.7
Италия	325.5	1.7
ва бошқалар	5.622.5	31.0
Дунёда	18.351.3	100.0

Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни янада чукурлаштириши талаб этади. Бунда асосий эътибор, агротехник ишланмалар, янги юқори ҳосилдор ва муҳитнинг стресс омилларига чидамли нав ва дурагайларни кенг татбиқ этиш, ташқи муҳитга зарар келтирувчи пестицидлар ва тупроққа ишлов бериш тизимларининг улушкини камайтириш, бунда биологик ўғитлардан фойдаланиш ва ўсимликлар касалликлари ҳамда зааркунандаларга қарши уйғунлашган ҳимоя усусларини кенгш қўллашга эътибор бериш ва бошқаларга эътибор бериш тақозо этилади.

**Назорат саволлари.**

---

<sup>15</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc.  
ISBN: 978-0-471-73828-2

1. Қайси давлатларда картошка энг кўп ишлаб чиқилади?
2. Республикада сабзавот, полиз ва картошкани ўртacha ҳосилдорлиги қанча?
3. Сабзавот, полиз ва картошка ҳосилдорлигини ошириш йўлларини кўрсатинг?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Каримов И.А.”Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини муҳим захиралари” мавзусидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси 6-7 июн 2014.
2. В.И.Зуев., Х.Ч.Бўриев., О.Кодирхўжаев., Б.А.Азимов. Кartoшкачилик. Дарслик. 2016. 24 б.т.
3. [Maureen Gilmer. Growing Vegetables in Drought, Desert & Dry Times: The Complete Guide to Organic Gardening without Wasting Water.](#) List Price: Sasquatch Books. USA. 2015.

**2-мавзу: Сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини озиқалик аҳамияти ва шифобаҳшлиқ хусусиятлари.**

**Режа**

1. Сабзавот, полиз ва картошка экинларини истимол қилинадиган қисмини истимолдаги аҳамияти.
2. Сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини биокимёвий тиркиби.
3. Сабзавот, полиз ва картошка экинлари маҳсулотларини инсон организими талаб этадиган витаминалар билан таминлашдаги ўрни ва шивобаҳшилик хусусиятлари.

Ҳозирги фан ва техниканинг жадал ривожланиши ҳамда ҳаётий талаблар жуда тез ўзгараётган бир пайтда ишлаб чиқаришга жиддийроқ ёндашишни талаб этади. Шунинг учун ҳаётий талаб ва мавжуд муаммолар ечимиға мос

**Таянч иборалар:** нав, витаминалар, шифобаҳшилик хусусиятлари, меъёр, крахмал, оқсил, клетчатка, карбон сувлар, азотсиз экстратив моддалар, фитонцидлар, эфирли мойлар.

Холда ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ишлаб чиқаришни замон талаблари даражасида ташкил этиш эса кенг дунёқараш ҳамда чукур билимни ва бу ўз навбатида инновацион ёндошишни талаб этади. Шунингдек, инновация ҳаётий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда технологияларни янгиси билан алмаштириш, илмий-техника ютуқларини татбиқ этиш, янги яратилган усуллар асосида меҳнатни енгиллаштириш, ишни илғор технологиялар асосида ташкил этиш билан тавсифланади.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг Мева-сабзавотчилик ва полизчилик соҳасида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва инновация фаолиятини янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳаларида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3709-сонли фармони, 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сонли “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва фойдаланиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 ноябрдаги “Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш инновацион хамкорликни амалга оширишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 47-сонли баёни ва ушбу баён бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2015 йил 12 ноябрдаги 448-сонли буйруғи ҳамда 2016 йил 9 январдаги 9-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион корпоратив хамкорлик холатини ўрганиш тўғрисида” ги буйруқлар асос бўла олади.

Республикамиизда 2014 йили 5-6 июн кунлари БМТ нинг бутун дунё озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишлиланган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг мухим захиралари”, *мавзусида ҳалқаро конференция* бўлиб ўтди. Бунда Президентимиз мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик соҳаларининг ютуқлари, вазифалари ва истиқболлари хақида жуда сермазмун нутқ сўзлади. Бу анжуманда озиқ – овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қўпайтиришда Ўзбекистон тажрибалари ва бу борада амалга оширилаётган ишларнинг ижобий жихатлари хамда самарадорлиги, дунё хамжамияти билан мухокама қилинди. Бунда Президентимиз “Бизнинг ҳисобитобларимиз бўйича 2020 йилда мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етишиширишни 2014 йилга нисбатан камида 2,3 марта қўпайтиришни мўлжалляпмиз” деб таъкидладилар.

2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сонли “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва фойдаланиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарорида эса Мамлакатимиз қайта ишлаш корхоналарини хом ашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини қўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етишириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш мақсадлари белгилаб берилди. Бу қарорда “жорий йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида 2016 йилги хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар тузиш учун Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркасини ўтказиш;

Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркаларини ўтказиш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган майдонни ташкил этиш ва унинг базасида ҳар йили октябрь ойида келгуси йил учун экспорт шартномалари тузишни ташкил қилиш мақсадида хорижий компанияларнинг фаол иштироқида ярмарка тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.” деб таъкидланган. Бу қарор фермер хўжаликлари ва соҳа мутахассисларига жуда катта маъсулият юклайди.

Инсон ҳаётининг давомилиги ва ишлаш қобилияти истемол қиласидаги таомининг қувват бериш даражасига ва унинг сифатига боғлиқ дунё бўйича бир инсонни сутка давомида оладиган қувват миқдори 3100к/кал бўлишилиги аниқланган. қайси мамлакатда сутка мабойнида 3000-3500 к/кал қувватга эга бўлган таом истемол қиласа ҳаётининг давомилиги 75-80 йил, 2500-3000 к/калда 70-75 йил, 2000-2500 к/калда 60-70 йил ва 2000 к/калдан паст бўлса 42-50 йил давом этар экан (Гордеев А.Б. 2000 йил.)

Тупроқ РНни ўлчаш анализлардан бири хисобланади, ҳамда тупроқ эритмасини кислотали ёки ишқорийлигини ўлчайди. Ўсимликлар тупроқнинг РНга ўта таъсирсан чунки ўсимликларни ўсиши учун озуқани ўзлаштириши унга ижобий таъсир кўрсатади, кўпгина сабзавотлар РН 6,5- 7,0 бўлишини талаб қилади бу у учун нейтрал мухит бўлиб қулай хисобланади. Тупроқ РН қишлоқ –хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан ўсиши мумкин. Биринчидан тупроқ РН шуни кўрсатадики ундан соғлом маҳсулот олишни кўпайтиради. Магний етарли бўлганида оҳакдан фойдаланадилар ( $Mg CO_4$  кислотали мухит хосил бўлганда) агар pH кислотали мухит бўлса шунга мос равишда калций яъни оҳакли ишқорий мухити пасаяди. Гумус таркибидаги калций захираси pH кислоталлигини камайтириш учун етарли эмас. Бу 3-жадвалда кўрсатилган.<sup>16</sup>

## Жадвал17<sup>17</sup>

### pH ни Са га боғлиқлиги

pH	Са мг/кг	Мг	Махсулот
6,5 кам	600 кам	90 кам	
6,3 кам	600 кам	150 юқори	
6,5 кам	1000 юқори	150 юқори	
6,5 кам	600 кам	90 кам	
6,5 кам	600 кам	150 юқори	

Инсон қуватни чорва маҳсулоти ва ўсимликлардан таёrlанган таомлардан олади. сабзавотлар маҳсулотларини қуват бериш даражаси чорва ва дон маҳсулотларини нисбатан паст. Аммо сабзавотлар инсон арганизми учун зарур бўладиган витаминалар, макро ва микро элементлар, фитонситлар ва инсонни қариши ҳамда кўп ҳасталикларини олдини оладиган ва имунитетини оширадиган биологик фаол моддаларнинг манбайи хисобланади. Шу сабабли йил мабойнида сабзавотларни истемол қилиш сағлом овқатланиш асосини ташкил этади. Шу сабабли ўрта ёшдаги инсон йил мабойнида 45 кг картошка, 113 кг сабзавот ва 98 кг полиз маҳсулотларини истемол қилиниши мутасади ташкилотлар томонидан тавсия этилган. Памидордан 25кг, пиёз, сабзи ва карамдан 18кгдан, бодринг ва ош лавлагидан 5.5кг, чучук қалампир ва дукакли сабзавотлардан 2-2.6кгдан истемол қилиши керак. бунга асосий сабаб сабзавот, полиз ва картошка экинлари маҳсулотлари таркибида инсон арганизми учун зарур бўладиган биологик фаол моддаларнинг мавжудлигидадир.

**Сабзавотларнинг кимёвий хусусияти шундан иборатки,** улар таркибида сув кўп, озиқ моддалари (оқсил, ёғ ва углеводлар) эса кам бўлади. Калорияси

<sup>16</sup> Vegetable Growing Manual –Published March 2012 by the northern Territory Department of Resources

<sup>17</sup> Vegetable Growing Manual –Published March 2012 by the northern Territory Department of Resources

юқори эмас. аммо улар одам организми учун зарур бўлган витаминалар, минерал тузлар ва ферментларга ғоят бойдир.

Сабзавот махсулотлари қуруқ моддасининг асосий қисмини углеводлар-крахмал, қанд, клитчатка ва пектинли моддалар ташкил этади. Крахмал захири озиқ модда хизматини ўтайди ва у картошка туганакларида 25 % га қадар тўпланади. Крахмал амилаза / диастаза / ферменти таъсирида парчаланиб қандга айланади. Қишки қовун навлари сақланиб қўйилганда шираси ортиб қолишининг сабаби хам улар таркибидаги крахмалнинг қандга айланishiдадир.

### Жадвал 18

Янги сабзавотнинг кимёвий таркиби ва калорияси (тўйимли қисмининг вазнига нисбатан % ҳисобида)

Ўсимликлар	Сув лар	Оқсил	Углеводлар		Клетч атка	Кул	100г махсу лот калор ия си	Ейим ли қисми махсуло тга нисба тан, %
			Уму мий мик дор	Шу жумл а дан қанд				
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Тарвуз	89,5	0,5	9,2	8,0	0,5	0,3	40	52
Бақлажон	92,5	1,0	4,5	3,2	1,5	0,5	23	95
Сабзавот-нўхот	81,0	6,5	11,0	4,2	1,0	0,5	72	90
Қовун	89,0	0,6	9,0	7,0	0,8	0,6	39	64
Оддий карам	90,0	1,8	5,4	2,0	1,6	1,2	30	80
Картошка	75,0	2,0	21,0	1,5	1,0	1,0	94	75
Бош пиёз	86,0	0,3	12,5	11,2	0,7	0,5	52	84
Сабзи	88,5	1,5	8,0	6,5	1,2	0,8	39	80
Бодринг	95,0	0,8	3,0	1,5	0,7	0,5	16	95
Чучук қизил қалампир	91,0	1,3	5,7	4,2	1,4	0,6	29	75
Редис	93,5	1,2	4,1	1,5	0,5	0,7	22	75
Турп	88,6	1,9	7,0	1,5	1,5	1,0	36	70
Шолғом	90,5	1,5	5,9	3,0	1,4	0,7	30	75
Салат	95,0	1,5	2,2	0,1	0,5	0,8	15	72
Лавлаги	86,0	1,3	10,8	8,0	0,9	1,0	50	80
Помидор	93,5	0,6	4,2	3,5	0,8	0,4	22	85
Ошқовоқ	92,0	0,5	6,2	5,0	0,7	0,6	27	70
Укроп	84,7	2,5	7,5	-	3,5	1,8	41	74
Ловия	90,0	4,0	4,3	1,0	1,0	0,7	34	90
Саримсоқ	70,0	6,5	21,2	-	0,8	1,5	114	78

Исмалоқ	91,1	2,9	2,3	0,1	1,0	2,6	21	74
Шовул	88,5	2,6	5,3	2,3	1,6	1,4	34	76

Қанд – қовун, сабзи , нүхот, пиёз ва лавлагида сахароза; карам, бодринг, ошқовоқ ва тарвузда глюкоза кўп.

Клетчатка – одам танаси уни жуда суст ўзлаштиради. Бироқ ,клетчатка ичакларни қитиқлантириши туфайли овқатнинг яхши хазм бўлишига ёрдам беради.

Азотли моддалар асосан оқсиллиардан иборат. Сабзавотда азотли моддалар жуда кам -0,4 – 2,5 % атрофидадир. Саримсоқ ва дуккакли сабзавот ўсимликларининг кўк барглари, мевалари таркибида 6-7 % га қадар азотли моддалар бўлади. Исмалоқ таркибида 2,9 % азотли моддалар бор.

Ёғлар сабзавотлар таркибида жуда кам микдорда /0,1-0,4 % /, асосан уларнинг уруғларида бўлади. Қовоқдошларга мансуб ўсимлик уруғи ёғларга (25-50 %) айниқса бой.

Биринчидан pH талабга жавоб берадиган бўлиши учун тупроқдаги Ca миқдорини созлаб туриш керак бўлади. Ўсимликлар яхши ўсиб ривожланиши ва сифатли ўсиши учун улар етарли даражада калцийни ўзида сақлаши керак.

Са керакли миқдорда Mg қабул қилиши учун ҳам керакдир у тўғри пропоционол. Фермер хўжаликларини энг муҳим муоммоларидан бири шуки улар суғорища ер ости сувларидан тўйинтириб суғориш оҳакни миқдорини ошиши, Mgни ошишига олиб келади. Са нинг Mgга нисбати 3 :1; 5: 1 бўлгани маъкул. Кўпчилик тупроқларни анализ қилганда бу нисбат 0,5 :1; 2:1 эканлиги маълум бўлади, кўриб турганингиздек Ca миқдори Mgдан анча кам уни нейтраллаш учун Са солиш тупроқдаги Ca даражасини нормаллаштиради. Тупроқдаги Mg кўп бўлиши бошқа катионларни ўзлаштирилишига салбий таъсир қиласи рух калий.

-Агар Ca : Mg га нисбати 2 :1 дан паст бўлса тупроқда калций даражаси нормал деганда унинг етишмовчилиги кузатилади.

- Ca:Mg га нисбати 20:1 бўлса Mg етишмовчилиги кузатилади.

-Умуман олганда Ca: Mg га нисбати минимум олганда 3 :1 ; 5:1 бўлгани яхши. Са бошқа катионларни балансини ўзгаришига ўз хиссасини қўшади. Тупроқни катионларни ўзида ушлаб қолиш ва ўсимликлар қабул қила олдиган ҳолатига ўтишида қимматли манбаи ҳисобланади.

Соз ва органик ўғитга бой тупроқларда катионларни ўзида сақлаш юқори даражада бўлади. 100гр да 20 мл эквалент бўлса бундай тупроқларда уларнинг алмашинуви ҳам юқори бўлади. Чириндиси кам бўлган тупроқларда кўрсатгич анча паст бўлади, 5мл эквалентларда 100гр бу анча паст кўрсатгич. Бундай тупроқлардаги катионлар суғорища ва кучли ёғингарчиликда осон йўқотилади<sup>18</sup>

Органик кислоталар. Сабзавот махсулотлари таркибида лимон кислота, олма кислота, шавель кислоталар бор.Кислоталар сабзавот махсулотларининг таъм

<sup>18</sup> Vegetable Growing Manual –Published March 2012 by the northern Territory Department of Resources

сифатларини яхши ўзлаштиришга ёрдам беради. Отқулөк, ровоч ўсимликларидағи оксалат кислотасини ортиқча истеъмол қилиш заарлидир.

Эфир мойлар. Күпчилик сабзавот маҳсулотлари / пиёз, саримсоқ, укроп, сельдерей, петрушка/ да бўлиб, аксар ҳолларда у ҳимоя вазифасини бажаради, ошқовоқ шираси гижани ажратиб чиқариш хусусиятига эга. Бу хусусият овқат ҳазм бўлишини кучайтиради. Пиёз ва саримсоқдаги эфир мойлар жуда кучли фитонцид хоссасига эга. Улар касал туғдирувчи микроорганизмларни ўлдирад ва одамни кўпгина юқумли касалликлардан ҳимоя қиласиди.

Минерал тузлар. Нон, гўшт ва ёғларда минерал моддалар жуда кам. Сабзавотлар таркибида 50 дан ортиқ кимёвий элементлар бўлиб, инсон организмидаги физиологик жараёнларни кучайтиради. Кальций, фосфор ва марганец суюк хужайраси таркибига кириб, юрак фаолиятини фаоллаштиради. Қоннинг ивишини яхшилаш учун кальций зарур. Қон гемоглобинида темир кўп. Мия ишини фосфор яхшилайди. Калий ва натрий организмда нордон-ишқорий мувозанатни меъерида сақлаб туришда қатнашади. Магний асаб тизимининг босиқлигини таъминлашда қатнашади, томирларни кенгайтиради, сафро ажралишини кучайтиради. Қон айланиш жараёнида миснинг ахамияти жуда катта.

Гўшт, балиқ ва нон маҳсулотларидағи минерал моддалар ҳазм бўлаётганида нордонлик хусусиятига эга бўлган бирикма ҳосил қиласиди. Сабзавотлар эса физиологик ишқорий тузга эга бўлиб, организмга керакли нормал модда алмашув жараёнидаги нордон ва ишқорий нисбатларни ҳамда қанддаги ишқорий реакцияни ушлаб туради.

Ишқорий тузлар, айниқса исмалоқда, бодрингда, илдизмеваларда, шолғом, карамда, ловияда, салат ва картошкада кўп бўлади. Исмалоқ, картошка, маккажўхори ва петрушканинг барги калийга бойдир. Петрушка баргida, маккажўхори ва кўк нўхотда фосфор кўп. Қовун, исмалоқ қовоқ ва шовулда-темир, исмалоқда йод кўп.

Тегишли ўғитларни солиб, сабзавотлардаги минерал моддалар миқдорини кўпайтириш мумкин.

Витаминлар. Кимёвий таркиби турлича бўлган органик бирикмалар бўлмиш витаминлар катта аҳамиятга эга.

Улар организмда катализатор хизматини ўтайди ва шу туфайли моддалар алмашувидаги муҳим вазифани бажаради.

Витамин С ёки аскорбин кислота/ $C_6H_8O_6$ / организмни цинга ва камқонликдан сақлайди, углеводлар алмашувини кўчайтиради, атеросклерознинг ривожланишини тўхтатади. Янгилигич аистеъмол қилинадиган сабзавотлар витамин С нинг асосий

манбай ҳисобланади. Улар қайнатилганда витамин С парчаланади. Сабзавотларни сақлаш вақтида таркибидаги витамин С миқдори анча камайиб кетади.

Уруғни униб схиққанидан кейин уни жадал ривожланиши учун зарур бўладиган бошқа мухим ва уни алмаштириб ёки кейинга қолдириб бўлмайди. Эррозияга учраган ҳайдалма қатламдаги чириндиси ювилиб кетган тупроқларда уларни аввалги унимдорлигини тиклашга ва ўсимлик ўсиши учун шароит яратади. Бундай ерларда оз – оздан тез- тез суғориш ва ўсимликлар илдиз системасини ривожлантириб олиш мухим ҳисобланади, кейинчалик илдиз системасидан узокрода ўғитларни солиб суғориш яхши самара беради (тўғридан тўғри илдизга ўғит беришнинг уни кўпайтириш мумкин).

### **Тупроқ она жинси**

Қумли қизил тупроқларнинг она жинси чириндига камбағал бўлади. Тупроқ pH эса 5,0- 5,0 атрофида бўлиб кўпчилик моддалар элементларнинг миқдори жуда кам миқдорда бўлаи. Бундай тупроқларда Ca Мгдан бошқа моддалар кам учрайди. Шуни айтиш кераки Ca, Mg ҳам паст кўрсатгичда бўлади. Кучли кислотали тупроқларда темир алюминий юқори даражада бўлиб улар фосфорни эрувчанлигини камайтиради ва ўсимликлар ўзлаштиришини сусайтиради. Бундай тупроқларни охаклаш билан уларни pH нетраллаштириш фосфор фиксациясини оширади pH 6-7 бўлганда фосфор миқдори жуда юқори бўлади бу эса фосфорни тупроқда фиксацияланишига яхши имкон беради. Асосий ўғитлаш натижасида тупроқ қовушқоқлиги ортади агар ўсимликларни ўстириш плёнка остида амалга оширилса плёнка тортишдан олдин тупроқни 2-3 см остига ўғит солиш керак, ўғитлар кг/га ўлчанади ва  $m^2$ га қанча ўғит солинганлиги ҳам ҳисоблаш мумкин. Шуни айтиш кераки бу ўғитлар тупроқ қатламларига бир хил тарқалмайди. Дарвин вилояти тупроқларида лой ва органик моддалар жуда кам шу сабабли тупроқни кам сақлаш қобиляти паст, захира умумий қоидаларга мувофиқ бўлса бу ерларда хосил этиштириш учун катта малакага эга бўлган ва жавобгарликни ўзига оладиган мутахассислар керак бўлади.

### **Жадвал -19**

#### **Дарвин вилоятида қумли тупроқларда сабзавот етиштириш учун асосий ўғитлашни ўтказиш**

		H (кг)	P(кг)	X(кг)	Ca(кг)
Озуқа моддаларнинг умумий миқдори		70	120	60	1095
НПК 14-14-12	500 Кг/га	70	70	60	
Фосфорни озуқавий турлари 0,8-8,0	570 Кг/га		50		950

Қишлоқ хұжалик охакғи 30%	2000 Кг/га					600
Гипс20% Се	2000 кг					400

Күрсатилған меърлар фақат тупроқ остига солиши учун тупроқ қатламларида түлиқ тарқалмайды. Бу жуда мухим чунки тупроқ pH ўзгартириши мумкин. pH кислоталигини ортаслиги учун бунга құшилған тарзда. Кам миқдорда киришиш керак бўлади.<sup>19</sup>

<sup>19</sup> Vegetable Growing Manual –Published March 2012 by the northern Temitory Derfrtment of Resources

## ЖАДВАЛ 20<sup>20</sup>

### БАРРА ИСТЕММОЛГА ЯРОҚЛИ САБЗАВОТЛАРНИ ҚИСИМЛАРИНИ ТАРКИБИ

Миқдори/ 100 г озуқа бирлиги

Сабзавотлар	Сув (%)	Энергия (ккал)	Оқсил (гр)	Ёғ (гр)	Углевод (гр)	Тола (гр)	Са (мг)	П (мг)	Фе (мг)	На (мг)	К (мг)
Артишок	85	47	3.3	0.2	10.5	5.4	44	90	1.3	94	370
Аспарагус	93	20	2.2	0.1	3.9	2.1	24	52	2.1	2	202
Ловия	90	31	1.8	0.1	7.1	3.4	37	38	1.0	6	209
Лима	70	113	6.8	0.9	20.2	4.9	34	136	3.1	8	467
Лавлаги барги	91	22	2.2	0.1	4.3	3.7	117	41	2.6	2.26	762
Лавлаги	88	43	1.6	0.2	9.6	2.8	16	40	0.8	78	325
Брокколи	89	34	2.8	0.4	6.6	2.6	47	66	0.7	33	316
Брокколи рааб	93	22	3.2	0.5	2.9	2.7	108	73	2.1	33	196
Брюссел	86	43	4.3	0.3	9.0	3.8	42	69	1.4	25	389
Оддий карам	92	24	1.4	0.1	5.6	2.3	47	23	0.6	18	246
Қизил карам	90	31	1.4	0.6	7.4	2.1	45	30	0.8	27	243
Савой карам	91	27	2.0	0.1	6.1	3.1	35	42	0.4	28	230
Сабзи	88	41	0.9	0.2	9.6	2.8	33	35	0.3	69	320
Гул карам	92	25	2.0	0.1	5.3	2.5	22	44	0.4	30	303
Селдерей илдизи	89	42	1.5	0.3	9.2	1.8	43	115	0.7	100	300
Селдерей	95	14	0.7	0.2	3.0	1.6	40	24	0.2	80	260
Чаёт	95	17	0.8	0,1	3,9	1,7	17	18	0,3	2	125

<sup>20</sup> Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc. ISBN: 978-0-471-73828-2

Цикорий	95	17	0,9	0,1	4,0	3,1	28	26	0,2	2	211
Хитой карам	95	13	1,5	0,2	2,2	1,0	105	37	0,8	65	252
Саллерас	91	30	2,5	0,4	5,7	3,6	145	10	0,2	20	169
Бодринг	95	15	0,7	0,1	3,6	0,5	16	24	0,3	2	147
Бақлажон	92	24	1,0	0,2	5,7	3,4	9	25	0,2	2	230
Эндивий	94	17	1,3	0,2	3,4	3,1	52	28	0,8	22	314
Саримсоқ пиёз	59	149	6,4	0,5	33,1	2,1	181	153	1,7	17	401
Карам	84	50	3,3	0,7	10,0	2,0	135	56	1,7	43	447
Кольраби	91	27	1,7	0,1	6,2	3,6	24	46	0,4	20	350
Порей пиёзи	83	61	1,5	0,3	14,1	1,8	59	35	2,1	20	180
Салат бош	96	13	1,4	0,2	2,3	1,1	35	33	1,2	5	238
Салат	96	14	0,9	0,1	3,0	1,2	18	20	0,4	10	141
Салат барг	94	18	1,3	0,3	3,5	0,7	68	25	1,4	9	264
Қизил салат	96	16	1,3	0,2	2,3	0,9	33	28	1,2	25	187
Барг салат	+5	17	1,2	0,3	3,3	2,1	33	30	1,0	8	247
Канталупа қовуни	90	34	0,8	0,2	8,2	0,9	9	15	0,2	16	267
Касаба қовуни	92	28	1,1	0,1	6,6	0,9	11	5	0,2	9	182
Хондиви қовуни	90	36	0,5	0,1	9,1	0,8	6	11	0,2	18	228
Қўзи қорин	92	22	3,1	0,3	3,2	1,2	3	85	0,5	4	314
Хантал	91	26	2,7	0,2	4,9	3,3	103	43	1,5	25	354
Арпабодён	90	31	2,0	0,1	7,0	3,2	81	63	0,8	8	303
Кўк пиёз	90	32	1,8	0,2	7,3	2,6	72	37	1,5	16	276
Пиёз	89	42	0,9	0,1	10,1	1,4	22	27	0,2	3	144
Петрушка	88	36	3,0	0,8	6,3	3,3	138	58	6,2	56	554

## ИСТЕЙМОЛГА ЯРОҚЛИ БАРРА САБЗАВОТЛАРНИ ҚИСМЛАРИНИ ТАРКИБИ

Миқори/ 100 г озуқа бирлиги

Сабзавотлар	Сув (%)	Энергия (ккал)	Оқсил (гр)	ЁF (гр)	Углевод (гр)	Тола (гр)	Са (мг)	П (мг)	Фе (мг)	На (мг)	К (мг)
Паттисон	80	75	1,2	0,3	18,0	4,9	36	71	0,6	10	375
Нұхот дүккак пүстлоғи билан	89	42	2,8	0,2	7,6	2,6	43	53	2,1	4	200
Күк нұхат	79	81	5,4	0,4	14,5	5,1	25	108	1,5	5	244
Чили қалампири	88	40	2,0	0,2	9,5	1,5	18	46	1,2	7	340
Шириң қалампир	94	20	0,9	0,2	4,6	1,7	10	20	0,3	3	175
Картошка	79	77	2,0	0,1	17,5	2,2	12	57	0,8	6	421
Қовоқ	92	26	1,0	0,1	6,5	0,5	21	44	0,8	1	340
Редиска	93	23	1,4	0,3	4,5	0,9	19	40	0,6	22	302
Ровоч	95	16	0,7	0,1	3,4	1,6	25	20	0,3	39	233
Салсифий	77	82	3,3	0,2	18,6	3,3	60	75	0,7	20	380
Шаллот	80	72	2,5	0,1	16,8	—	37	60	1,2	12	334
Жанубий нұхоти	77	90	3,0	0,4	18,9	5,0	126	53	1,1	4	431
Исмалок	91	23	2,9	0,4	3,6	2,2	99	49	2,7	79	558
Қовоқча (сариқ)	88	40	0,8	0,1	10,4	1,5	33	36	0,7	3	347
Қовоқча	86	45	1,0	0,1	11,7	2,0	48	33	0,7	4	352
Қовоқча (ҳаббарл)	88	40	2,0	0,5	8,7	---	14	21	0,4	7	320

<sup>21</sup> Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc. ISBN: 978-0-471-73828-2

Қовоқча (зеоллоп)	94	18	1,2	0,2	3,8	---	19	36	0,4	1	182
Қовоқча (ёз)	95	16	1,2	0,2	3,4	1,1	15	38	0,4	2	262
Қовоқча (цуккини)	97	16	1,2	0,2	3,4	1,1	15	38	0,4	10	262
Қулупнай	91	32	0,7	0,3	7,77	2,0	16	24	0,4	1	153
Ширин нүхат	76	86	3,2	1,2	19,0	2,7	2	89	0,5	15	270
Батат	77	86	1,6	0,2	20,1	3,0	30	47	0,6	55	337
Шведсарский (Чард)	93	19	1,8	0,2	3,7	1,6	51	46	1,8	213	379
Тора	71	112	1,5	0,2	26,5	4,1	43	84	0,6	11	591
Кўк помидор	93	23	1,2	0,2	5,1	1,1	13	28	0,5	13	204
Пишган помидор	95	18	0,9	0,2	3,9	1,2	10	24	0,3	5	237
Шолғом барги	90	32	1,5	0,3	7,1	3,2	190	42	1,1	40	296
Шолғом	92	28	0,9	0,1	6,4	1,8	30	27	0,3	67	191
Тарвуз	92	30	0,6	0,2	7,6	0,4	7	10	0,2	1	112

## БАРРА САБЗАВОТЛАРНИНГ ТАРКИБИДАГИ ВИТАМИНЛАР

Миқдори 100 г озука бирлиги

Сабзавотлар	Витамин А(ИУ)	Тиамин (мг)	Пибофловин (мг)	Никотин (мг)	Аскарбинка(мг)	Витамин Б <sub>6</sub> (мг)
Артишок	0	0,07	0,07	1,05	11,7	0,12
Аспарагус	756	0,14	0,14	0,98	5,6	0,09
Ловия	690	0,08	0,11	0,75	16,3	0,07
Лима	303	0,22	0,0,221	1,47	23,4	0,2
Лавлаги барги	6,326	0,1	0,04	0,4	30	0,11
Лавлаги	33	0,03	0,12	0,33	4,9	0,07
Брокколи	660	0,07	0,13	0,64	89,2	0,18
Брокколи рааб	2,622	0,16	0,09	1,2	20,2	0,17
Бруссел	754	0,14	0,04	0,75	85	0,22
Оддий карам	171	0,05	0,09	0,3	32,2	0,1
Қизил карам	1,116	0,06	0,07	0,42	57	0,21
Савой карам	1,0	0,07	0,03	0,3	31	0,19
Сабзи	12,036	0,07	0,06	1	2,9	0,14
Гул карам	13	0,06	0,06	0,53	46,4	0,22
Сельдерей илдизи	0	0,05	0,06	0,7	8	0,17
Сельдерей	449	0,02	0,06	0,32	3,1	0,07

<sup>22</sup> Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc. ISBN: 978-0-471-73828-2

Чаёт	0	0,03	0,03	0,47	7,7	0,08
Цкорий	29	0,6	0,03	0,16	2,8	0,04
Хитой карам	4,468	0,04	0,07	0,5	45	0,19
Пекин	6.668	0,05	0,13	0,74	35,3	0,17
Бодринг	105	0,03	0,03	0,10	2,8	0,04
Бақлажон	27	0,04	0,04	0,65	2,2	0,08
Эндингий	2.167	0,08	0,08	0,40	6,5	0,02
Саримсоқ пиёз	0	0,20	0,11	0,70	31,2	1,2
Карам	15.376	0,11	0,13	1,00	120	0,27
Кольраби	36	0,05	0,02	0,40	62	0,15
Порий пиёзи	1.667	0,06	0,03	0,40	12	0,23
Салат бош	3.312	0,06	0,06	0,40	3,7	0,08
Салат	502	0,04	0,03	0,12	2,8	0,04
Салат барг	7.405	0,07	0,08	0,38	18	0,09
Қизил салат барг	7.492	0,06	0,08	0,32	3,7	0,1
Ромен салат	5.807	0,10	0,10	0,31	24	0,07
Қовун	3.382	0,04	0,02	0,73	36,7	0,07
Касаба қовуни	0	0,02	0,03	0,23	21,8	0,16
Хонейдев қовуни	40	0,08	0,02	0,60	24,8	0,06
Құзи қорин	0	0,09	0,42	3.85	2,4	0,12
Хантал	10.500	0,08	0,11	0,80	70	0,18
Арпабодён	375	0,20	0,06	1,00	21,1	0,22
Қўқ пиёз	997	0,06	0,08	0,53	18,8	0,06
Пиёз	2	0,05	0,03	0,08	6,4	0,15

Петрушка	8.424	0.09	0.10	1.31	133	0,09
Пастернак	0	0.09	0.05	0.70	17	0,09
Нұхат дүккак пүстлөғи билан	1.087	0.15	0.08	0.60	60	0,16
Күк нұхат	640	0.27	0.13	2.09	40	0,17
Чили қалампири аччик	1.179	0.09	0.09	0.95	242,5	0,28
Ширин қалампир	370	0.06	0.03	0.48	80,4	0,22
Редиска	27	0.02	0.03	0.26	8.0	0.06
Ревен	7	0.01	0.04	0.25	14.8	0.07
Салсифий	102	0.02	0.03	0.30	8.0	0.02
Шаллот	2	0.09	0.04	0.70	25.0	0.10
Жанубий нұхати	0	0.08	0.22	0.50	8.0	0,28
Шпенот	12	0.06	0.02	0.2	25.0	0.35
Кабочка (сарық)	0	0.11	0.15	1.45	8.0	0.07
Кабочка	9.377	0.08	0.19	0.72	8.0	0.20
Кабочка (ҳаббарл)	367	0.14	0.01	0.70	2.5	0.15
Кабочка (зсоллоп)	10.630	0.10	0.02	1.20	28.1	0.15
Кабочка (ёз)	1.367	0.07	0.04	0.50	11.0	0.15
Кабочка (зусчини)	110	0.07	0.3	0.60	21.0	0.11
Қулупнай	200	0.05	0.14	0.49	11.0	0.22
Ширин	200	0.05	0.14	0.49	18.0	0.22
Батат	12	0.02	0.02	0.39	17.0	0.05
Күк помидор	6.116	0.04	0.09	0.40	6.8	0.10

Витамин А /C<sub>2</sub>OH<sub>29</sub>OH/. Овқатда бу витамин етишмаса одамнинг ўсиши секинлашади, кўзнинг касалланишига олиб келади. Сабзи, ошқовоқ, исмалоқ, петрушкада кўп бўлган каротин провитамин А хизматини ўтайди. Бу витамин гулкарамда, дуккакли ўсимликларда, исмалоқ ва картошкада бўлади.

Витамин В2 ёки рибофлавин /C<sub>12</sub>H<sub>20</sub> N<sub>4</sub>O<sub>6</sub>/ кўк нўхот, ловия ва исмалоқларда кўп. Организмда бу витаминнинг етишмаслиги ўсишнинг сусайишига, кўзнинг хиралашувига, тери касалликларига, асаб хасталикларига сабаб бўлади.

### **Жадвал 23**

#### **Сабзавотлар ва картошка таркибидағи витаминлар**

Экин турлари	100 гр.хом сабзавот таркибида, мг.			
	Витамин С (аскорбин кислота)	Провитамин А (каротин)	Витамин В1 (тиамин)	Витамин В2 (рибофлавин)
Тарвуз	8	1.00	0.03	0.04
Бақлажон	4	0.02	0.03	0.01
Қовин	25	0.40	0.02	0.02
Оддий карам	45	0.04	0.15	0.05
Картошка	10	0.02	0.12	0.01
Кабачки (қовоқча)	10	0.03	0.01	0.02
Бош пиёз	6	Изи	0.10	0.02
Сарик сабзи	5	1.55	0.04	0.02
Бодринг	8	0.08	0.05	0.04
Чучик қалампир	200	4.60	0.06	0.01
Петрушка(барги)	14	10.00	0.01	0.05
Пастернак (барги)	40	7.20	0.11	0.06
Турп	15	0.02	0.10	0.03
Редис	30	Изи	0.10	0.01
Шолғом	14	0.04	0.02	0.03
Ровач(каламчаси)	12	0.12	.....	.....
Салат	10	0.90	0.08	0.06
Сельдерей (илдизмиваси)	16	0.08	0.06	0.03
Лавлаги	8	0.01	0.01	0.01
Помидор	30	1.40	0.10	0.04
Ошқовоқ	4	5.00	0.02	0.06

Укроп	135	6.50	0.14	0.04
Исмалок	28	4.00	0.08	0.22
Шовил	26	2.50	0.19	0.01
Саримсок	10	изи	0.19	0.03

Витамин РР ёки никотин кислота / C<sub>6</sub>H<sub>5</sub>O<sub>2</sub>N/ картошка, гулкарам, кўк нўхот, қалампир, бақлажон таркибида бор. Организмда бу витамин этишмаслиги пеллагра касаллигини келтириб чиқаради.

Фолат кислотаси суяк илигидаги кўмиклардаги эритроцитларнинг пайдо бўлишини бошқаради, В гуруҳидаги витамин-холин буйрак ва жигарнинг нормал ишлашини таъминлайди, Р витамини майда қон томирлари деворини мустаҳкамлигини ва эгилувчанлигини оширади.

Карам, ширин қалампир, петрушка барги ва ерқалампирда аскорбин кислотаси, петрушка баргидаги, сабзида, қизил қалампирда ва шовулда каратин: маккажўхори, картошка, шивит, петрушка барги, гулкарам ва шолғом карам, кўк нўхот, дуккакли ўсимликларда, сарсабил, (спаржа) ва шпинатда –тиамин; кўк нўхот, ловия, дуккаклиларда-рибофлавин; баргли ва савой карамида, кўк нўхотда, картошкада, дуккаклиларда, маккажўхорида ва сарсабилда-никотин кислотаси; шпинатда фолат кислотаси; карам ва шпинатда-холин; қизил қалампирда витамин Р кўп миқдорда бўлади.

Янги сабзавотларни йил давомида мунтазам истеъмол қилиш инсоннинг иш қобилиятини ва соғлигини сақлашга ёрдам беради. Инсон бир кечада кундузда 1-2 мг фолат кислотаси, 2-3,5 мг дан А, В1 ва В2 витаминалари, 15-25 мг РР витаминини 50-120 мг С витаминидан истеъмол қилишлари зарур.

Организмда катализатор ролини ўйнайдиган маҳсус оқсиллар-ферментлар сабзавотларда бор. Масалан, картошка туганакларида амилаза, турп, ерқалампир ва сельдерейда пероксидаза мавжуд.

Сабзавотларда инсон организмига зарур бўлган минерал бирикмалар – темир, фосфор, калий, кальций, натрий, мадний тузлари ва йод бор. Исмолоқ, салат, петрушка барги, памидор ва бодринг темир моддасига бой. Баргкарам ва гулкарам, исмолоқ, сельдерей баргидаги кальций, пастернак, карам, кўк нўхат ва пиёзда фосфор кўп.

Минерал тузларнинг муҳим ахамияти шундаке, улар чорва маҳсулотларидан тайёрланган овқатларни истеъмол қилиш натижасида инсон танасида тўпланадиган кислоталарни нейтраллаштиради, истеъмол қилинган овқатнинг яхши хазм бўлишига ёрдам беради (Vegetable growing manual. Published March. 2012 by the Northern Territory Department of Resources. Plant Industries, Primary Industry Division Department of Resources).

## **Сабзавотларнинг озиқалик ва шифобахшлик хусусиятлари.**

Сабзавотларда асосий озиқа моддаларидан: оқсил, ёғ ва углеводлар мавжуд. Дуккакли ўсимликлардан ловия, нўхот-оқсилга, кртошка, маккажўхори ва ошлавлаги – углеводларга, қалампир, пастернак ва ширин маккажўхори-ёғларга ғоят бой. Ловиянинг кўк дони, брюссель ва пикин карамлари таркибида лизин ва бошқа экзоген (ташқи) аминокислоталар миқдорининг кўплиги билан қадрлидир. Лекин сабзавотларнинг қадри фақат мазаси ва озиқалигига эмас, балки ҳужайраларида балласт моддаларнинг мавжудлигига ҳамда, улар озиқ-овқат калориясини тартибга солиб турадилар.

Сабзавотлар калорияси юқори ширали озиқа маҳсулоти ҳисобланади. Уларнинг таркибидаги 70 % дан 95%гача бўлган сув эса ўша калорияни пасайтириб туради. Катта ёшли одам бир кеча-қундузда овқат билан 3-4 минг ккал ёки бир йилда 1 млн ккал олиши керак. Бир килограмм янги кўк нўхот, ширин маккажўхорини ва картошканинг қувват бериш қобилияти 750-940 ккал, тарвуз, қовун, карам, пиёз ва редискадан бошқа илдиз-мевалиларники-300 – 500 ккал, бодринг, бодринг, помидор, редис қалампир, бақлажон, ровоч, исмалоқ, салат ва қовоқники-150-270ккал, бўлгани ҳолда нон ва қўй гўштиники-2000ккал, ёғларники эса 8800 ккални ташкил қиласди.

Кўпгина сабзавот маҳсулотлари фақат овқат сифатида эмас, балки доривор сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Улар юрак-қон томирларини, овқат ҳазм қилиш йўли касалликларини, кўз касалликларини даволашда витамин манбаи сифатида қўлланилади.

**Оқбош карам.** Бу карам таркибида қанд, оқсил, клетчатка миқдорининг кўплиги билан ажралиб туради. Уларнинг баргига лимонли органик кислота бўлиб, у организмга ижобий таъсир кўрсатади. Карамда минерал тузлар, айникса калий ҳаммасидан кўп. Улар мушаклариниг қисқариши ва кўпгина ферментларининг ҳаракат учун хизмат қиласди. Организмдаги сув ва натрий тузларини чиқаришда калий ёрдам қиласди. Юрак хасталиги учраган беморлар учун карамнинг аҳамияти айникса каттадир.

Карам витаминларга бой ўсимлик. Витамин Сга бўлган кеча – кундузлик талабни қондириш учун 100-150г карам истеъмол қилиш кифоя. Оқбош карамда B1 ,B2,E,K,P витаминлари бор. В витаминлар гурухига кирувчи инозит аскарбин кислотасига ўхшаб атеросклирознинг олдини олиш қобилиятига эга. Склерознинг довоси бўлган ҳолин моддаси карамда, балиқ ва гўштдагига нисбатан уч баравар кўпdir.

Халқ табобатида карам уйқусизликка, бош оғриғи ва қалқон безларининг катталashiшига қарши қўлланилади. Карамнинг янги барглари пасодли яраларга, ошқозон, ўн икки бармоқ ичак яраларига, шишган, куйган

урулган жойларга қўйилади. Тузланган карам сувидан витамин кўп бўлганлиги сабабли соғликни мустаҳкамлаш учун, жигар оғригандан, бавосилга қарши ичиш тавсия этилади. Уруғини қайнатиб, сувидан бўғин оғриқларини даволашда, гижжани ҳайдашда ва сийишни кучайтишида фойдаланилади.

**Гулкарам.** Озуқалиги жиҳатдан энг фойдали сабзавот экинларидан бири гулкарам ҳисобланади. Унда оқбош карамга нисбатан қуруқ модда, минерал тузлар, айниқса фосфор, калий, кальций, темир, магний моддалари кўп. Гулкарам В<sub>3</sub>, С, РР витаминларига бой бўлиб, инсон организмини заарли мутаген моддаларидан ҳимоя қилиди. Гулкарамдан турли таомлар тайёрланади. Ундан концерва тайёрлаш ҳам мумкин.

**Бодринг.** Бодрингнинг озуқалик ахамияти баланд эмас. Лекин унда лаззат, маза берувчи, шунингдек овқатни ҳазм қилдирадиган, безлар фаолиятини кучайтирадиган хусусият бор. Бодрингдаги фермент, табиат бўйича инсулинга яқин бўлганлиги сабабли пархез маҳсулоти сифатида кўлланилади. Мевасида шундай ферментлар борки, улар витамин С ни пайдо бўлишини кучайтиради ва В витамини ўзлаштиришга кўмаклашади. Булардан ташқари бодринг йоднинг яхши манбаидир.

**Қовоқ.** Қовоқ ғоят фойдали озиқадир. Унинг этида фосфор кислотаси, калий, кальций, магний бор. Темир миқдори бўйича қовоқ сабзавотлар ичидан чемпион ҳисобланади. Улар В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, С, Е, РР витаминлари ва А провитамингабой полизздир. Шунингдек қовоқда модда алмашув жараёнини тезлатишга ёрдам қилувчи Т витамини борлиги аниқланган.

Қовоқ уруғида Е витамини ва цинк тузлари кўп. У гижжа ҳайдайдиган маҳсулот. Уруғининг мағзи ёнғоқ мағзи билан рақобатлашади.

**Қовун.** Қовун таркибида 17-20 фоизгача енгил сингадиган қанд моддаси бор. Унда минерал моддалардан, айниқса, темир кўп. Унинг миқдори қовоқ, бодринг, помидор, сабзи ва бошқа сабзавотларга нисбатан қовунда кўпроқ. Шунингдек, у В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, С, Е, РР витаминлари ва А провитамингабой.

Қовун буйрак, сапро йўллари ва юрак-томир касалланганда жуда фойдали. Сурункасига истеъмол қилиб турилса подаграни йўқотади, танадаги модда алмашувини, кайфиятни яхшилайди. Майин ҳужайралари ошқозон, ичак йўллари фаолиятини фаоллаштиради. Халқ табобатида қовун бавосилга қарши, сил касаллиги, бот касаллиги, қон камайганда истеъмол қилинадиган, иситма туширадиган восита сифатида кўлланилади.

**Тарвуз.** Тарвуз серсув, ширин, ҳужайралари майин маҳсулотдир. Иссиқ кунда чанқоқни яхши босади. Унда С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, К, РР витаминлари, пектин моддаси, лимон ва олма кислоталари, енгил эрийдиган қанд мўл. Бошқа сабзавотларга нисбатан унда В<sub>9</sub> витамини анча кўп. Жигар оғригандан,

атеросклерозда, қон камайганда, ичак йўли касалланиб, юришмаганда истеъмол қилинса тарвузнинг фойдаси катта бўлади. Қон айланиши етарли бўлмаганда ва модда алмашуви бузилганда тарвузни сурункасига истеъмол қилиш тавсия этилади.

**Помидор.** Кенг тарқалган ва кўп истеъмол қилинадиган бу сабзавотда хом оқсил, крахмал, пектин эритилган (суюқ) шаклда лимон ва олма, камроқ микдорда ўавел ва қаҳрабо кислоталари мавжуд. У темир, фосфор, калий, кальций, магний, натрий тузларига бой. Унда томатин-аччиқ модда бор. Таркибида йод ва ароматли моддалар бўлганлиги учун у фитонцид хусусиятига эга. Пишган пайтида қанд, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>3</sub>, С, К, РР витаминларига бой бўлади.

Помидорнинг янги меваларини қон босими ошганда, стенокардияда миокард инфарктидан кейин тавсия қилинади. Меваси ва шарбати гастритда, жигар касал бўлганда, ошқозон кислотаси камайганда, беҳолликда, хотира сусайганда истеъмол қилиш тавсия этилади<sup>23</sup>.

**Картошкани озиқавий қиймати ва кимёвий таркиби.** Картошка инсон учун муҳим озиқ-овқатлардан бўлиб чорвани ҳам озиқлантирилади. Жаҳонда инсон озиқ-ланиб қувват оладиган бўғдой, маккажўхори, гуруч ва арпадан сўнг картошка бешинчи ўринда турадиган қувват манбасидир. Шу сабабли уни халқда ардоқлаб “иккинчи нон” деб атайдилар. Картошка ишлаб чиқариш саноатининг қатор тармоқлари учун муҳим хом-ашё ҳисобланади. 100 г. картошка 301,5 кДж ёки 72 ккал қувват бериш манбасидир.

Картошка кўпчилик мамлакатларда майдон бирлигидан энг кўп қуруқ модда, қувват (энергия) ва оқсил олишни таъминлайдиган ўсимлик ҳисобланади. Масалан, Нидерландияда гектардан энг кўп қувват бирлиги ишлаб чиқариш қанд лавлагига тўғри келса, картошкадан эса унга нисбатан бироз камроқдир. Аммо улар буғдой ва сабзавот нўхатга нисбатан арzonроқдир.

Картошка гектар бирлигидан оқсил бериши жиҳатидан дон дуккаклилардан сўнг иккинчи ўринда туради. Картошка ҳосилдорлиги гектардан 13,6 т бўлса, ундан олинадиган оқсил 273 кг ни ташкил этади.

Картошка етиштиришни кўпайтириш аҳолини озиқ-овқат ва шу жумладан оқсил билан таъминлашда салмоқли ҳисса қўшиш мумкин.

Турли мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш ташкилотлари картошка истеъмол қилиш меъёрини турлича тавсия этадилар.

Иссиқсевар сабзавотлар ва мевали ўсимликлар кам етиштириладиган, аммо картошка яхши ўсадиган мўтадил иқлими мамлакатларда картошкадан

<sup>23</sup>Vegetable Growing Manual –Published March 2012 by the northem Temitory Derfrtment of Resources

йилига 120-150 кг истеъмол қилиш тавсия этилади. Мева-сабзавотларнинг кўп турлари етиштириладиган жанубий минтақаларда (регионларда) картошка истеъмол қилиш меъёри нисбатан кам тавсия этилади. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш мутасадди ташкилотлари аҳоли сон бошига йил мобайнида 45 кгдан картошка истеъмол қилишни тавсия этади.


Картошка туганаги таркибида крахмал, оқсили, оқсилсиз азотли бирикмалар, эрувчан углеводлар, минерал моддалар ва липоидлар (ёғсимон моддалар) каби озиқабоп моддалар мажмуасининг мавжудлиги уни юқори озиқали қийматга эга бўлишини таъминлайди. Картошка туганаги таркибида уни озиқали ва мазаси сифатига таъсир этадиган пектинлар, витаминлар, алколоидлар ва бошқа бирикмалар оз миқдорда мавжуддир.

Туганакнинг кимёвий таркиби ўзгарувчан бўлиб, унга нав, етилиш даражаси, тупроқ, иқлим шароити, бериладиган ўғит миқдори ва уни таркиби, тупроқ намлиги ва бошқа омиллар таъсир этади. Масалан, туганак таркибидаги сув миқдори 65 дан 85 фоизгача, қуруқ модда эса 13 дан 37 фоизгача ўзгаради (21 жадвал, 2 расм).

#### **Жадвал 24**

Картошка туганаги таркибидаги озиқа моддалар миқдори, хом вазнига  
нисбатан % да

Моддалар	Ўртacha миқдори	Ўзгариш даражаси
қуруқ модда	23,7	13,1-36,8
Крахмал	17,5	8,0-29,4
Эрувчан углеводлар	0,5	0,0-8,0
Хом клетчатка	0,7	0,2-3,5
Хом протеин	2,0	0,7-4,6
Хом ёғ	0,1	0,004-1,0
Кул	1,1	0,4-1,9



*Зрасм.. Туганакнинг кимёвий таркиби.*

Крахмал туганак қуруқ моддасининг 80 фоизини ташкил этиб, уни озиқали қийматини – пиширганда эзилиши ва яхши пишишини таъминлаш билан бирга, техник қайта ишлашда хом ашё сифатида фойдаланишга хос хусусиятларини белгилайди. Картошка крахмал доначалари бошқа ўсимликларнига нисбатан йирикроқ ( $0,05$  дан  $0,1$  мк гача) бўлиб  $65^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилганда осон елимлашади ва ёпишқоқлиги ошади.

Крахмал инсон ошқозон-ичак йўлларида осон ҳазм бўлади. Пиширилган туганак таркибидаги крахмални 90 фоизга яқини ҳазм бўлади. У юқори каллория (1 г мк 4 ккал) бериши ва инсон организмида 1 г крахмал парчаланганида  $16,75$  кДж қувват ҳосил қилиши билан бошқа моддалардан фарқ қиласи. 1 кг картошка 700-830 ккал қувват бериш хусусиятга эга. Крахмал таркибини  $50$ - $100$  мг% фосфор ташкил этади ва унда оз миқдорда липидлар ва бошқа бирикмалар ҳам бор.

Картошка туганаги таркибida турли хилдаги витаминалар: (100г хом массасига нисбатан г да) РР- $0,04$ - $2,0$ , В<sub>1</sub>- $0,05$ - $0,12$ , В<sub>2</sub>- $0,01$ , В<sub>6</sub>- $0,08$ - $0,22$ , Р- $1,3$  пантотен кислотаси,  $0,2$ - $0,3$  каротин (провитамин А)- $0,05$  ва оз миқдорда К,И,Д,Е витаминалари мавжуд. Туганак таркибida витамин С миқдори  $10$ - $30$  мг фоизни ташкил этади ва айрим ҳолларда  $50$  мг га етади. Айниқса этилмаган ёш туганаклар витамин С га бой бўлади.

Нағматак, қорақат, ширин қалампир мевалари ва кўкат сабзавотларнинг баргларида витамин С қўплигига шубха йўқ. Аммо, бу мевалар ва сабзавотлардан бир кунда қанча истеъмол қиласизу ва картошкадан қанчалигини таққослайдиган бўлсак, картошка инсон озиқаси рационида, қандай ўрин эгаллаши яққол маълум бўлади. Инсон 300 г. картошка истеъмол қилса сутка мобайнида талаб қилинадиган витамин С миқдорини

учдан икки қисмини, витамин В<sub>1</sub>ни 17,5% ва витамин В<sub>2</sub> ни 5% билан организмни таъминлайди. Туганакларнинг қишиги сақланишида таркибидаги витаминлар 2-3 марта камаяди. Пўсти артиб пиширилган картошка витамин С ни 25%, артилмаганида эса 20% йўқотади. В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, РР витаминлари ва пантотен кислота миқдори карам, сабзи, бодринг, олма ва кўпчилик сабзавотлар ҳамда меваларга нисбатан картошкада кўп.

Картошка бўйича Европа ассоциацияси таом ва масаллиқлар тайёрлашга яроқли картошка хилларини қуийдаги классификацияга бўлишни таклиф этган:

- ◆ А – салатбоп (эти қаттиқ, эзилиб кетмайди);
- ◆ В – бироз эзиладиган, турли хилдаги таомлар тайёрлашга яроқли (бироз қумоқли, эти ўртacha қаттиқ);
- ◆ С - қумоқ-қумоқ (қумоқлиги ўртacha даражада, эти сезиларли даражада юмшоқ, пиширганда эзилади);
- ◆ Д – жуда қумоқ-қумоқ (тўлиқ эзилади, қумоқлиги юқори ва эти юмшоқ).

А хили асосан консервалаш ва қайнатиб истеъмол қилишда ишлатилади (консерваланганидан салат ҳам тайёрланади); В ва С хиллари чисплар, френч-фри ва пюре тайёрлашга ажратилган; Д- хилидан фақат пюре (бўтқа) тайёрланади. Ғарбий Европа мамлакатлари кулинариясида картошкани В хилидан, бошқа мамлакатлар халқи асосан В ва шу билан бирга С ҳамда Д – хилларидан фойдаланадилар.

**Картошкани шифобахшилик ҳусусиятлари.** Қадим замонлардаги атоқли шифокор Гиппократ “Бизни таомларимиз шифобахш дори-дармон воситаси бўлиши керак, бизни шифобахш воситамиз таомдир” деб таъкидлаган. Бу талабга картошка тўлиқ жавоб беради. У ҳақиқатдан ҳам таом ҳам дори-дармондир. Картошка қимматли озиқа бўлиши билан бирга, таркибида витаминлар, минерал тузлар, органик кислоталар ва бошқа биологик актив моддаларни мавжудлиги унга шифобахшилик ҳусусиятини беради. Америкали олимларнинг фикрича фақат картошка ва сут пархезида яшайдиган инсонлар организмини, уларга зарур бўладиган барча озиқа моддалар билан таъминлар экан. Картошкани ҳар бир оила харид қилиб олиши мумкин бўлган маҳсулотлиги уни дориворлик воситасини кўрсатувчи яна бир омилдир.

Картошка таркибида холин ва ацетилхолин моддаларини бўлиши инсон организмидан захар ҳайдашни кучайтириб, мускулларни тортишиб қолишини бартараф қиласиди. Инсон буйрак хасталиги-нефрит ва қон босимини ошиши- гипертоник билан касалланганида пархез қилишни тавсия

етилади, яъни кун мобайнида уч-беш марта (200-300 г.) пўсти билан тузсиз пиширилган картошка истеъмол қиласидар.

Картошка таркибидаги калий тузи, юрак мускулларида алмашув жараёнларини нейтраллаш ва уни фаолиятини меъёрига келтиришда, юрак ҳамда буйрак хасталигини ва сув тўпланишини олдини олишда – асосий восита вазифасини бажаради. Калий бирикмалари инсон организмидан сув ва ош тузи эритмасини чиқиб кетишини тезлатиб, қон босимини пасайишига ёрдам қиласидар. Бунинг учун крахмали кам картошка навларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Оғир жисмоний меҳнат қилиб қўп терлайдиган инсонлар учун картошкани аҳамияти каттадир. Терлаш билан қўп минерал тузлар йўқотилади. Картошка эса уларга йўқотилган тузларни ўрнини тиклаш ва юракни зўриқиб ишлашидан сақлайди. Картошка минераллари таркибида ишқорий элементлар юқоридир, шунинг учун у инсон организмидан нордон-ишқорий мувозанатни меъёрида бўлишига ёрдам қиласидар.

Картошка туганагидан янги тайёрланган шарбатни шамоллаш, хавфли шишларни, спазмали касалликни, кесилган жойларни даволашда ва организмни бақувватлаштиришда, захар хайдашда ишлатилади ва шу билан бирга юқори кислотали меъда шилимшиқ, меъда ва ўникки бармоқли ичақда ҳосил бўладиган яраларга таъсир қилувчи дори сифатида фойдаланилади. Шарбат, ошқозон безлари фаолиятини секинлаштириб, оғриқни камайтиради, меъда ва ингичка ичак шилимшиқ қатламидаги яраларни йўқотишда асосий восита сифатида фойдаланилади. Бунда шарбат аввал  $\frac{1}{4}$ , сўнг  $\frac{3}{4}$  стакан кунига 3-4 марта овқатланишдан 30-40 минут олдин ичилади ва сўнгги марта ухлашдан олдин 20 кун мобайнида ичилиши керак. У меъда қайнаш, бош оғриганда ва қон босимини тушуришда ёрдам беради. Бунинг учун ундан ҳар куни ярим стакандан 2-3 марта ичиш керак.

АҚШда ҳар куни шарбатдан 50 мл дан 3-4 марта ичиб подаграни даволайдилар. Туганак шарбати ошқозон ости бези фермент ажратиш фаолиятини кучайтириб, организмдаги қанд миқдорини камайтиради. Шунинг билан бирга қанд диабет хасталигига олдин  $\frac{1}{4}$  стакан сўнг бир стакан шарбат 1:1 нисбатда сувга қўшиб ичилади.

Йўтал, томоқ бўғилиши, шамоллаш ва юқори ҳаво йўллари касалланганида қайнатилган картошка буғидан нафас олиш билан даволанади. Картошка туганаги пўсти билан сувда қайнатиб пишганидан сўнг, бош ва картошка пиширилган идиш устига қалин сочиқ ёпиб 10-15 минут мобайнида картошка буғидан энгашган ҳолда нафас олинади. Пўсти

билан пиширилган картошкага эзилиб күкрак ва елкага қиздирувчи (компресс) воситаси сифатида қўлланилади. Картошка этида С ва Р витаминалари, крахмал ва фитонцидлар бўлганлиги учун уни куйган тери трофик яра, юзга тошадиган хуснбузар, қадоқларни, кучли дермантизм, экзема, терини йиринглаши ва ультрабинафша нури билан заарланган жойларни даволашда қўлланилади. Бунинг учун қирғичдан ўтказилган картошкани марли орасига олиб, заарланган тери устига қўйиб боғланади, шу ҳолда 2-3 соат сақланиши керак. қирғичдан ўтказилган картошкага асал қўшиб ҳам боғлаш мумкин.

Теридаги тузалмаётган яралар устига картошкани юпқа қилиб кесиб қўйиб даволаш мумкин. Тўғри ичакдаги шамоллашни ҳамда ички ёрилишларини даволаш учун хом картошкадан қаламча қилиб (свеча шаклида) қўйилади. қайнатиб пиширилган картошка бироз эзилиб, матодан тайёрланган халтачаларга солиб, қиздирувчи восита сифатида, эзилган картошкага бироз қаймоқ қўшиб юзга ниқоб сифатида қўйиб, офтоб урган тери даволанади. Инсон захарланган вақтда картошка крахмалидан тайёрланган кисел ичиб уни олди олинади. Нохушликни олдини олиш учун крахмалдан клизма ўрнида, куйган терини битишини тезлатиш учун уни юзига сепилади, ундан суртиладиган мой (маз) сифатида ҳам фойдаланилади.

Картошка таркибидаги клетчатка ва пектин моддалари толачалари таомни меъёрида ҳазм бўлишида катта аҳамиятга эга. Организмдан ортиқча холестеринни, оғир металларни радионуклеидларни, нитрат ва нитритларни, клетчатка ва пектин моддалари ўзига сўриб олиб организмдан чиқиб кетишини таъминлаш билан бирга ичак тизимида микроорганизмлар ҳосил қиласидиган заҳарли моддаларни нейтраллайди. Клетчатка инсон организмини соғлом муҳитда бўлишини таъминлаш билан бирга ўт қопидан заҳарли ўтни меъёрида ажратишини ҳамда ичак микрофлорасини меъёрида сақланиши ёрдам қиласи. У организмда модда алмашинувини меъёрида ўтишига ёрдам қиласи. Шундай қилиб, клетчатка толачалари артеросклероз ва ундан келиб чиқадиган касалликлар, шунингдек ўт қопидаги тошни катталashiшини олдини олишда, диабет ва шунга ўхшаш хасталикларни даволашда катта аҳамиятга эга. Сутка мобайнида 25-30 г. картошка истеъмол қилиш юқорида баён этилганларни олдини олишда ёрдам қиласи.

Картошка клетчаткаси жуда майин бўлиб, овқат ҳазм қилиш йўлларидаги шилимшиқ пардаларга зарар етказмайди, шунинг учун сувда пиширилган ёки қирғичдан ўтказилган картошкани ошқозон ичак касалликлари қўзғаган вақтда истеъмол қилиш тавсия этилади. Картошка таркибида органик кислоталарнинг мавжуд бўлиши таомни ҳазм бўлиш жараёнига ижобий таъсир этади. Соғлиқ учун хавфли бўлган ишларда ишлайдиган шахсларнинг ишлаб чиқаришда захарланиши ва касалланишини

олдини олиш учун улар рационларига картошкани қўшиш мақсадга мувофиқдир. қирғичдан ўтказилган картошка массаси оёқ тагига қўйиб, ёки шу картошка массасини тоғора ёки полиэтилен халтага солиб, унга оёқни тўпиқгача ботириб бир неча соат давомида ушлаб турилса, товондаги касаллик қадоқдан халос бўлинади. Танани совук урган ерни сезиш хусусияти тиклангандан сўнг тузсиз пиширилган картошка иссиқ бўтқаси 30-35 мин. мобайнида заарланган жойга қўйилади.

Картошка ичак касалликларида (энтеритлар, ичак шамоллаши, энтроколит) рационидан чиқарилади ва сийдик йўлида тошларни йиғилиши, диабет ва семириш хасталикларида картошка истеъмол қилиш чегараланади.

### **Назорат саволлари**

1. Қайси сабзавотлар таркибида эфир мойлари кўп?
2. Қадим замонларида сил касалигини даволашда қайси сабзавот мевасидан фойдаланилган?
3. АҚШда подагра ҳасталигини даволашда қайси сабзавот шарбатидан фойдаланадилар?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Vegetable Growing Manual –Published March 2012 by the northem Temitory Derfrtment of Resources.
2. В.И.Зуев., Р.Ф.Мавлянова., С.И., Дустмуратова., Х.Ч.Бўриев. Овощи это пища и лекарство. Учебное пособие. Ташкент 2016.
2. В.И.Зуев., Х.Ч.Бўриев., О.Коадирхаджаев., Б.А.Азимов. Картошкачилик дарслиги. Тошкент 2016.
3. В.И.Зуев., Т.Э.Останакулов., О.Қодирхўжаев., С.Нарзиева. Сабзавотчилик. дарслик Тошкент 2010

### **З-мавзу: Экспортбоп ва экологик соф сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини етиштириш технологиялари**

#### **Режа**

- 3.1. Ўзбекистоннинг сабзавотлар, полиз маҳсулотларини экспорт қилиш потенциали. Экспортбоп маҳсулот етиштириш бўйича ҳукумат қарорлари.
- 3.2. Сабзавот-полиз, картошка маҳсулотларини экологик тоза ҳолда етиштириш хусусиятлари. Сабзавот, полиз ва картошка таркибида нитратлар миқдори.
- 3.3. Маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблар. Маҳсулот сифатини бошқариш услублари: суғориш тизими, ўсимликларни озиқлантириш.
- 3.1. Бозор иқтисодиёти шароитида Республикаизда сабзавотчиликни ривожлантириш хозирги босқичининг фарқли хусусияти рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни барқарор ўстиришдан иборат.

**Таянч иборалар:** Сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, экспорт, экологик соф маҳсулот, нитратлар, ўзитлаш.

Бунга тупроқ-иқлим шароитларидан янада унумли фойдаланиш ва ўсимликларнинг биологик ресурсларини тўлиқ сафарбар қилиш орқали эришиш мумкин.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан қабул қилинган инқирозга қарши дастурида асосий масалалардан бири маҳсулотларни етиштиришни кўпайтириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига эришиш белгиланган.

Президентимиз И.А.Каримов “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги ҳалқаро конференцияда сўзлаган нутқида: “Бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича, 2020 йилда мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2014 йилга нисбатан камида 2,3 марта кўпайтиришни мўлжалляяпмиз” – деб таъкидлаб, соҳа ходимлари олдига улкан вазифаларни белгилаб бердилар.

Мана шу Ҳалқаро анжумандада мамлакатимиз Президенти томонидан яна куйидаги маълумотлар келтирилди.

«Инсон саломатлиги, унинг узоқ ва баракали умр кўриши тўғри мутаносиб рацион асосида овқатланишни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ экани, мева ва сабзавотлар унинг энг муҳим таркибий қисми бўлиши лозимлиги ҳеч кимга сир эмас» - деб таъкидлаганлар.

Айтиш жоизки, аҳоли сони кўпайгани сари, мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини етишириш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

И.А.Каримов ўз нутқларида мамлакатимизнинг маҳсулот етказиб берадиган корхоналари халқаро кўргазма ва ихтисослаштирилган ярмаркаларда фаол иштирок этаётгани, Ўзбекистон дунёning 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилаётгани тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, **карам** ва бошқа кўплаб мева ва **сабзавот маҳсулотларини** экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига кирганини кўрсатиб ўтдилар.(4 расм).



4 расм..

Бу борада FAO ташкилотининг маълумотларини келтирамиз .

Жаҳонда глобаллашув жараёни кетаётган бир даврда Ўзбекистон ўз истиқлол йўлида давом этар экан, давлатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрель, ПҚ-2520-сон “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорида бир қанча амалий тадбирлар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимиз қайта ишлаш корхоналарини хом ашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева

ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш мақсад қилиб олинган. Бу ишларни амалга ошириш учун жорий йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида 2016 йилги ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар тузиш учун Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркасини ўтказиш режалаштирилмоқда;

Хукуматимиз томонидан Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркаларини ўтказиш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган майдонни ташкил этиш ва унинг базасида ҳар йили октябрь ойида келгуси йил учун экспорт шартномалари тузишни ташкил қилиш мақсадида хорижий компанияларнинг фаол иштирокида ярмарка тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун қулай шароитлар (қулай иқлим шароитлари, ишчи кучи, қайта ишлаш корхоналарининг мавжудлиги). Шунингдек, сабзавот, полиз маҳсулотларини янгилигича ва қайта ишланган маҳсулот сифатида экспорт қилиш потенциали юқори.

Сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Ўтган асрнинг 90-йилларида сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштиришга мўлжалланган ер майдонлари қисқаргани сабабли ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайган эди. Бугунги кунда экинлар ҳосилдорлиги ошиши, дехқончилик маданиятининг юксалиши, ихтисослашган фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ва ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажмлари йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалик ходимлари олдига қўйилган долзарб вазифалардан бири – аҳолини йил давомида узлуксиз равища сифатли сабзавот-полиз ва картошка маҳсулотлари билан таъминлаш, ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришидан иборат.

1. Сўнгги 10 йилликларда атроф-муҳитнинг турли экотоксикантлар билан ифлосланиши кузатилмоқда. Кимёвий экотоксикантлар ичida оғир металлар (фтор, хром, алюмин, симоб ва б.) ва радионуклиидларнинг таъсири юқори ҳисобланади. Тупроқ таркибида сақланган ушбу унсурлар ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади, инсон организмига тушганида эса, ўзининг токсикологик хусусиятларини намоён этади. Ташқи муҳитнинг кимёвий моддалар билан ифлосланиши – нафақат биосфера таркибининг бузилишига, балки етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан сабзавотлар сифатининг пасайишига олиб келади.

Тупроқдаги оғир металлар қолдиқларини камайтириш нихоятда мушкул, уларнинг ўсимликка ўтишини чеклаш эса – муаммо бўлиб саналади. Сабзавотларда тўпланадиган оғир металлар миқдорини камайтиришнинг радикал ва энг самарали усули – бу селекциядир. Бу ўринда сабзавоткорлар муҳитнинг техноген ифлосланиш жойларида (йўл чеккалари, заводлар ёнида ва ш.ў.) навларни тўғри танлаш ишларига алоҳида эътиборни қаратишлари лозим.

Инсон организми учун хавф соловчи моддаларга шунингдек, экинларни ўстириш жараёнида азотли ўғитларни нотўғри қўллаш ҳамда бошқа ноқулай шароитларда ўсимликларда тўпланадиган токсик аминокислоталар, нитратлар, нитритлар ҳам киради.

Нитратлар ва нитритлар канцероген хусусиятларга эга бўлиб, инсон организмидаги нитрозоамин канцероген моддасининг пайдо бўлишига олиб келади. Нитратлар ва нитритларнинг заҳарли таъсирига айниқса, болалар ва катта ёшдаги ҳамда юрак қон томир, нафас олиш тизими касалликларига учраган инсонлар берилувчан бўлади. Бир қанча хорижий давлатларда азотли минерал ўғитлар қўлланилган сабзавотларни ёш болаларнинг озиқланишида ишлатилмайди.

Ўсимликлар ва ҳаво таркибида нитратлар ҳар доим учрайди, ва нитратлардан холи ўсимликлар, озиқа сабзавотлар бўлмайди. Бунда алоҳида эътиборни қаратиш лозим бўлган жиҳати шундан иборатки, озиқа ўсимликларида тўпланган нитратлар миқдори инсон саломатлиги учун хавф туғдирмаслиги лозим.

Шу сабабдан, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш учун сабзавотлар сифати устидан қатъий тизимли назорат ўрнатилиши лозим. Олимлар томонидан аниқланишича, 70 кг вазнга эга бўлган инсоннинг саломатлиги учун хавф туғдирадиган миқдори 700 мг. ҳисобланади. Нитратларнинг токсик дозаси катта ёшдаги инсонлар учун ҳар бир кг тана вазнига 10 мг, ёш болалар учун эса –4-5 мг ташкил этади.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, турли ҳил сабзавот-полиз экинларининг нитратларин тўплаш хусусиятлари турлича бўлади. Бу нарса 20 та омилга боғлиқдир, шуларнинг деярли ярмини бошқариш мумкин. Сабзавот тури ва навининг биологик хусусиятлари, тупроқ унумдорлиги даражаси, тупроқ ва ҳаво ҳарорати, ёруғликнинг интенсивлиги ва давомийлиги, этиштириш технологияларининг хусусиятлари шулар жумласига киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ифлосланган тупроқларда юқори ва сифатли маҳсулот олишни таъминлайдиган сабзавот турлари ва навларини

танлаб экиш муҳимдир. Олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга асосан, мамлакатимизда бундай ўсимликларни етиширишнинг истиқболлари мавжуд.

3. Чет эл тажрибаларини ўрганишлар шуни кўрсатдики қайси экинни етиширишни белгилаш учун қуидагиларни инобатга олиш лозим;

1.Махсулотнинг бозордаги нархи:

2.Ишлаб чиқариш баҳоси:

3.Ишлаб чиқаришнинг афзалик томонлари:

4.Махсулотнинг товарбоплиги ва рақобатбардошлиги:

5.Махсулот ишлаб чиқариш учун техниканинг мавжудлиги:

6.Хосилнинг етилиш муддати:

7. Экин турининг муайян худудга мослашиши.

Махсулотни етишириш худудини аниқлаш учун баязи бир омилларни инобатга олиш керак: тупроқ тури,суғориш хавзаларининг яқинлиги ва сув сифати,хосилни сақлаш учун совуқхоналар,қадоқлаш аппаратлари мавжудлиги,ишли кучи,транспортда ташиш имкониятлари хамда сақлаш даврида махсулот сифатини назорат қилиш имкониятлари хисобга олинади.Бунда бошқа махсулот ишлаб чиқарувчилари билан яқин жойлашиш мақсадга мувофиқ. Чунки техника ва кервкли ускуналардан биргалиқда фойдаланиш имкони бўлади. Лекин бир хил экин турини етиширишда ёнма ён жойлашганда буларда бир хил касаллик ва зааркунандалар зарар етказиши мумкин<sup>24</sup>

Етиширилган маҳсулотлар бир қанча талабларга жавоб бермоғи лозим:

- Юқори маҳсулдорлик
- Тезпишарлик
- Касаллик ва зааркунандаларга чидамлилик .
- Иссикқа чидамлилик
- Қурғоқчиликка чидамлилик
- Сақлашга яроқлилик
- Транспортабеллик
- Юқори товарбоплик ва технологик сифатлари
- Экологик жиҳатдан хавфсизлик
- Рақобатбардошлиқ

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти ривожланаётган шароитда, рақобат кучаяётган пайтда, истеъмолчининг маҳсулот сифатига ва нарҳларига бўлган талаби юқори бўлган даврда сабзавот, полиз ва картошка экинларининг маҳсулдор, касалликларга

<sup>24</sup>Vegetable Growing Manual. Published March 2012 by the Northern Territory Department of Resources

чиdamли навларини яратиш, уруғчилигини ташкил этиш ва ихтисослашган фермер хўжаликларига тадбиқ этиш муҳим ахамиятга эга.

Янги навлар тўйимлилиги, қимматли технологик сифатлари ҳамда ташқи муҳит шароитларига экологик жиҳатдан мосланувчан бўлиши зарур. Сабзавот экинларини этиштиришнинг инновацион технологияларини жорий этиш орқали ҳосилдорликни ошириш, этиштирилаётган маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш кўзда тутилган.

### **Назорат саволлари**

1. Сабзавот экинлари турлари бўйича нетратлар тўплаш хусусияти қай даражада?
2. Полиз меваларининг қайси қисмида нетратлар кўп сакланади?
3. Етиштирилагн маҳсулот таркибида петсидцитлар қолидқларини камайтириш учун қандай тадбирлар амалга оширилади?

### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Vegetable growing manual.Published March.2012 by the Nothern Territory Department of Resources.Plant Industries, Primary Industry Division Department of Resources.(on-line) ISBN 978-0-9872563-0-0.
3. В.И.Зуев., Р.Ф.Мавлянова., С.И. Дусмуратова., Х.Ч.Бўриев. Овощи это пища и лекарство. Учебное пособие. Ташкент. 2016. 216 с.
4. В.И.Зуев., Х.Ч.Бўриев., О.Кодирхўжаев., Б.А.Азимов. Картошкачилик. Дарслик. 2016. 24 б.т.

## **4-мавзу: Сабзавот маҳсулотларини етиштиришда инновацион хамда ресурстежамкор технологиялар (асосий сабзавот турлари бўйича)**

### **Режа**

1. Сабзавотчилик соҳасида инновацион ютуқлар.
2. Сабзавот экинларини етиштиришдаресурстежамкор технологиялар.
3. Ресурстежамкор технологияларни қўллаш самарадорлиги.

**Таянч иборалар:** Ресурстежамкор, инновация, томчилитиб сугории, сабзавотларни пайвандлаш, мульчалаш, хосилдорлик, дурагай, кўчат, самарадорлик, фойда, янги технология, сим бағаз

Аҳолини сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, ерлардан унумли фойдаланиш ва етиштиришни янги технологияларини қўллаш хамда жаҳонда содир бўлаётган озиқ-овқат хавфсизлигини олдини олишда сабзавот маҳсулотларини кўпайтириш хозирги кун талаби. Республикаизда хозирги даврда етиштирилаётган мева-сабзавот ва узум хамда картошка маҳсулотлари йил сайин ортиб бормоқда. 2014 йилда бу экинларнинг маҳсулотини умумий хажми 14 млн. 800 минг тоннани ташкил этди. Шу билан бирга химояланган ер сабзавотчилиги хам кун сайин жадал ривожланмоқда. Бутун дунёда аҳолини озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.



5 расм..

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари шундан далолат берадики, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда бир киши учун тавсия этилган кундалик 400 грамм ўрнига жуда кам миқдорда – бор-йўғи 150-200 грамм мева ва сабзавот истеъмол қилинмоқда.

Халқаро диетологларнинг тавсиясига кўра, инсон истеъмол қиласидаги озиқ-овқатнинг камида 50 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этиши зарур.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги 2014 йил 5-6 июндаги Халқаро конференциянинг очилиш маросимида нутқида “2004-2013-йилларда сабзавот етиштириш доллар ҳисобида 7,7 баробар, мева

етиштириш 5,1 карра, полиз маҳсулотлари 7,8-марта, узум 8,7 баробар ўси. Бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича, 2020-йилда мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2014-йилга нисбатан камида 2,3-марта кўпайтиришни мўлжалляяпмиз” деб таъкидладилар. Бу сўзлар заминида соҳани ривожлантириш, имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, маҳсулотни кўпайтириш режалаштирилган



*б расм..*

Хозирги кунда Республикаизда ресурстежамкор технологияларни қўллаш, ердан унумли фойдаланиш хамда маҳсулот сифатини яхшилаш борасида бир қанча ишлар олиб борилмоқда.

#### **Сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштиришда ресурсстежамкор технологиялар қўйидагича:**

- Маҳаллий шароитда яратилган, иссиқ қурғоқчиликка чидамли хамда касалликларга чидамли серхосил сабзавот, полиз экинлари навларини экиш.
- Сабзавотчилик соҳасида томчилатиб сугориш усулини қўллаш, яъни сувни тежаш юқори тежамкор технологиялардан биридир.
- Сабзавот экинлари касалликлари ва зааркунандаларига қарши уйғунлашган кураш чораларини қўллаш. Бу экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайди.
- Сабзавот экинларини касаллик ва зааркунандаларга чидамлилигини ошириш, хамда хосилдорлигини оширишда пайвандлаш технологичсини қўллаш.

- Кичик майдонлардан унумли фойдаланишда хамда сифатли маҳсулотлар олишда етиширишнинг янгича усуллари (очик майдонларда помидор ва бодринг экинларини сим бағазларда етишириш) ни қўллаш.
- Майда уруғли сабзавот экинларини (сабзи, пиёз, ош лавлаги, редиска, кўкат сабзавотлар) экишда мульчалаш, яъни эгат устига чириган гўнг, шоли қипиғи, вермикулит, перлит, торф ва бошқа материаллар билан мульчалаш самаралидир. Бунда уруғларни унувчанлиги юқори бўлади хамда сув парланишининг камайиши хисобига сув 15-20% га тежалади ва ҳосил 20-25 кун олдин етилиб, ҳосилдорлик 20-25% кўпаяди.
- Сабзавот экинларини йил давомида 2-3 марта экиб ҳосил олиш ва ердан унумли фойдаланишда экиш муддатлари ва усулларига эътиборни қаратиш.

Республикамизда маҳаллий шароитда яратилган, иссиқ қурғоқчиликка чидамли хамда касалликларга чидамли серҳосил сабзавот, полиз экинлари навларини экиш зарур.

Сабзавот экинларининг янги  $F_1$  дурагай ва навларини яратишида курғоқчиликка ва иссиқча чидамли маҳаллий селекцияни ривожлантириш керак. Сабзавот экинларининг нав сифати жихатидан юқори бўлган ва биринчи тоифали уруғларниэкиш тавсия этилади.

Сабзавот экинларини уруғчилигини йўлга қўйишида янги технологияларни қўллаш, қўл меҳнатини камайтириш мухимдир. Сабзавот экинларини уруғлик учун экишда унумдор органик моддаларга бой, ер ости сувлари юза жойлашган, енгил қумоқ тупроқлар танлаб олинади.

Уруғларни механик ва биологик ифлосланишини олдини олиш учун очик майдонларда 500 м фазовий изоляция бўлиши лозим. Сабзавот экинларининг нав тозалигини сақлаб бориш учун вегетация даври давомида камида 3 марта гуллашдан олдин, кўк меваси пайдо бўлганда ва уруғлик мевалари етилганда нав тозалаш ишлари ўтказилади.

Ўсимликларни яхши чангланиши учун уруғлик экинлар билан банд бўлган майдонларнинг хар 2 гектар ер майдонига 5 тадан ари уяси қўйиш тавсия этилади.

Сабзавот экинлари уруғлик меваларини йиғиб олиш хамда уруғларини ажратиб олишда механизациядан фойдаланиш қўл меҳнатини камайтиради. Масалан қовоқдош сабзавот экинларини уруғини СОМ-2, ИБК-5 маркали машиналарда ажратиб олинади, бодрингдан гектарига 150-200 кг уруғ олинади. 1 тонна қовоқча меваларидан чиқадиган уруғ 10- 15 кг, патиссонда эса 13-15 кг ни ташкил қиласади. Қовоқча уруғларининг ҳосилдорлиги эса 100-120 кг бўлади.



7 расм..

Уруғлар намлиги 13-14% га келгунча офтобда кейин эса 35-40<sup>0</sup>C хароратдаги қуригичларда намлиги 7-8 % бўгунча қуритилиши тавсия этилади.

**Сабзавот экинларини суғоришнинг самарали усулини қўллаш, яъни сувни тежаш юқори тежамкор технологиялардан биридир.**

Экинларни суғориша сув тежовчи истиқболли усуллари:

1. Ёмғирлатиб суғориш (далага сув бериш миқдори 20-25% гача камаяди, эгат олинмайди);
2. Ер остидан суғориш (далага сув бериш миқдори 25-30%гача камаяди, эгат олинмайди);
3. Томчилатиб суғориш (далага сув бериш миқдори одатдагидан 35-65%гача камаяди, эгат олинмайди);

Тупроқ ичидан суғориш- сувини турли хил намлатгичлар ёрдамида ўсимлик илдиз қатламига узатиш демакдир. Бунда, тупроқнинг фаол қатламида ҳавога тўйиниш яхшиланади ва бутун ўсув даври давомида тупроқнинг мақбул намлиги сақлаб турилади

Сабзавот экинларини томчилатиб суғориша одатдаги усулга қараганда сув сарфи жуда кам ва ўсимлик илдизининг нафас олиши ва сувдан қулай ва доимо тўлиқ фойдаланиши тамиланади. Бунда сабзавотларни томчилатиб суғориш хисобига хосилдорлиги ортганлигини бир қанча олимлар тасдиқлаган. Масалан: очик майдонларда помидорни хосили гектарига 130-140 тоннча, химояланган жойларда эса 500 тоннагача ортганлиги аниқланган. Картошка хосилдорлиги эса 45 тоннани ташкил этган.

**Томчилатиб суғоришнинг ўзига хослиги:**

- Илдизларида майда попук илдизлар кўпаяди.
- Сув ва озиқ моддаларни илдизга етказиб бериш осонлашади.

- Ўсимликнинг сув ва озиқ моддаларни тупроқдан ўзлаштириши осонлашади.

Сабзавот экинлари касалликлари ва зааркунандаларига қарши уйғунлашган кураш чораларини қўллаш хозирги кун талаби. Чунки дунё бўйича экологик тоза махсулотлар етишириш хамда жаҳон экспортида бу мухим кўрсаткич хисобланади. Бунда сабзавот экинларини етиширишда хамда касалликларини олдини олишда биологик усуллардан фойдаланиш керак. Зааркунанда ва хашоратларга қарши курашишда эса уйғунлашган яъни энтомофаглардан, турли хилдаги феремон тутқич хамда хар хил клейлардан фойдаланиш кўзда тутилади. Сабзавотларни экологик тоза махсулотини ишлаб чиқариш кимёвий, захарли препаратларни қўлламаслик хамда етиширишда турли хилдаги ўсишни бошқарувчи моддаларни меъёридан ортиқ қўллаш тавсия этилмайди. Сабзавот экинларини касаллик ва зааркунандаларига қарши курашишда профилактик усулга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки касалликни ёки хашоратларни заарини олдини олиш уларга қарши курашишни янада осонлаштиради.

Хозрги кунда сабзавотчилик соҳасида ривожланган давлатларда уйғунлашган курашишда янгича усуллар (хар хил нурли ёритгичлар, лампалар, клейли тутқичлар) ни қўллаш тавсия этилмоқда.

### **Суғоришни бошқариш.**

Сабзавот экинларини тугри суғоришни бошқариш ҳосилни муваффақиятли ва дароматли бўлишидаги асосий омилdir. Этарли даромадли бўлмаган суғориш стресс чақиради ва кейинчалик ўсимлик ёмон ўсади ва ҳосилдорлик камаяди. Ортиқча суғориш эса илдиз ва пояни касалланишга олиб келиш мумкин хамда уғитларни ўсимлик илдизида ишқорланишга олиб келади. Самарали ва кераклича бўлган суғориш вақтни ва сармояни тежайди ва ҳосилдорликни оширади.

Агар уғитлар суғориладиган сувда қўлланилса уни пухта назорат килиш керак, уғитларни этказиб бериш ва моддаларни илдиз ҳудудидан ювиб чиқармаслик учун уғитларни тупроққа киритилгандан кейин озуқа моддалари сув билан бирга тупроққа сингади ва сер харакатчан озуқа моддалари азот ва калий кўп суғоришда тез ишқорланади.

### **Суғоришни тўғри бошқариш омиллари:**

- Тизимни лойиҳалаштириш
- Суғориша қишлоқ хўжалик экинларини мос келадиганини режалаштириш.

- Тупроқни намлигини мониторинглаш, қишлоқ хўжалик экинларига ва тупроқдаги сувнинг хусусиятига тўғри келадиган ҳажмни ва қўлланиш даражасини таъминлаш.

Трубани диаметри ва узунлигини тўғри танлаш асосий, суб- асосий ва ёнбошидан сувни кераклича труба охиригача этказиб бериш учун жуда ҳам мухим.

Бу маълумотни насосни ўтказиш қобиляти ва филтрлашга талабни маслахатчи ёки маҳаллий сугориладиган сувни этказиб берувчидан олиш мумкин.

Сугориладиган сувга автоматик назорат қилувчи қурилма қўйиш тавсия этилади, бу эса сугориши ўтказиб юборилмаганлигини ёки эсдан чиқмаганлигини кафолатлайди.

Лойихалаштириш тизимининг кейинги қадами бу кузда экилган экинларга мос келадиган қўлланишни энг тўғри усулинини аниқлашдан иборат. Тизим аниқ ишлаш қобилятига эга бўлиши керак, унда томчили жўмрак, битталик дриппер ёки сув пуркагич ишлатишдан қатъий назар сувни йўқотмасдан экиннинг талабларини максимал даражада қониктириши керак. Илдиз худуди нам бўлиши жуда ҳам мухим. Алоҳида қумлик тупроқларда битталик дриппер билан ўсимлик негизида бунга эришиш мумкин эмас. Кўп дрипперлар ёки томчили жўмрак пластик мулчалангандан ёки пичан мульча билан боғланганда ҳаракатни кўпроқ ёнбош сувга намланган майдонга етказади.

Мини –сув пуркагичлар катта оралиқда боғлаб қўйилган қишлоқ хўжалик экинлари алоҳида (2-3м) учун самаралидир, масалан мофа ва ойимқовоқ, лекин яқин зич экилган ўсимликлар учун, қовун, пепо қовоқ, катта ош қовоқ (патисон, кабачка, бақлажон) ёки акрага ўхшаганлар учун доимий нам майдон бўлиши керак эгат бўйича ишлатиб сугориш керак.

### **Сугориши режалаштириш**

Ўсимлик учун қачон ва қанча сув кераклигини аниқлайди. Асосий мақсад ўсимликни керакли миқдорда сув билан таъминлашдир, бу эса хосилдорликнинг пасайиши ёки сифатини бузилиши чақирадиган стрессдан мустосно этади. Бу ечимлар экинни сувга эҳтиёжини, тупроқ сувни ушлаб туриш хусусиятини ва илдиз худудининг хажмини (бу тупроқдаги сув миқдорининг экиннинг илдиз худудига мос келиши ) асослайди.

Сабзавотларни сугоришда асосий ҳамда бошланғич даврда кам миқдорда қўллаш, яъни ўсимлик ҳали кичкиналигида ва ўсимликнинг ўсиши илдиз тизимининг ўсишига қараб секин аста кўпайтиришдир. Режалаштиришнинг тўғрилигини аниқлашнинг энг яхши усули бу тупроқдаги намликтининг миқдорини назорат қилишдир. Графиклар ҳам

ўсимликнинг коефициентига буғланишнинг мослашганлиги нисбатига асос бўлиши мумкин.

Кучли қуруқ шамоллар ўсимликнинг сувга эҳтиёжи учун драматик таъсир қилиши мумкин, чунки ўсимликлар барглари орқали жуда ҳам сувни тез йўқотади. Самарали химоя қиладиган узун ўрмонлар бу муаммони камайтиради, лекин жуда иссиқ пайтларда, шамоллар вақтида қўшимча сув керак бўлади. 9-жадвал намуна сифатида қўйидагилар учун ишлатилиши мумкин, сув кўп талаб қиладиган сабзавотларни суғоришни режалаштириш усҳун Дарвин атрофидаги оддий кумли тупроқ тажрибасига асосланган ҳолда пластик мулчалаш ва томчи суғоришни (3,5 л/мн/соат) ишлатиб ўсимликларни ўстириш ва сувга бўлган талабини қондириш билан хосилдорликни оширишга эришилади.

Жадвал 25

Дарвин вилоятидаги сабзавот экинлари учун Маҳаллий суғориш графикаси наъмунаси.

хафта	Эрталаб 10даги суғориш	Тушлиқдаги суғориш	Кундузи Здаги суғориш	Бир кундаги суғориш сувнинг умумий миқдори
1-2	15мин		15мин	30мин
3-4	15мин	15мин	30мин	60мин
5-6	30мин	30мин	60мин	120мин
7-8	30мин	60мин	60мин	150мин
9-10	60мин	60мин	60мин	180мин

Бир қунга керак бўладиган сувнинг умумий миқдори камида икки марта ишлатиш учун бўлинган бўлиши керак, сувнинг кўп миқдори куннинг энг иссиқ вақтида қўйилган бўлиши керак, (кундузги соат 1дан 4гача) ўсимликларга суғориш жуда ҳам керак бўлади.

Тупроқдаги сувнинг миқдори ўзингизни тупроқ турингизга боғлиқ. Лойи қўпроқ бўлган тупроқ ёки органик моддалардан ташкил топган тупроқ сувни кумли тупроқقا нисбатан қўпроқ сақлайди. Органик моддаларни миқдорини қўпайтириб бериб, ҳар йили яшил ўғитларни (органик моддалар) киритиши ёрдамида сизнинг тупроғингиздаги сувнинг миқдорини секин-аста қўпайтириш мумкин.

Пластик мулчалашда кўпчилик сабзавот илдизлари (70-80% умумий илдизлардан) биринчи 0-20см чукурлиқда кузатилган. Бу шуни курсатадики

сабзавот экинларини суғорганда 20 см дан чуқурроқقا кеган сув эхтимол илдиз худудидан кетиб йўқолади.

### **Тупроқни намлигини назорат қилиш**

Сувни керагини ортиқ ёки кам қуйилганини билиш учун экиннинг илдиз худудидаги сув миқдорини ўзгаришини назорат қилиш керак. Бунинг учун ўсимликнинг илдизигача ери қазиб намликни қўл билан текшириш ёки оқаётган сувни кўз билан назорат қилиш жуда осондир. Бошқа томондан эса буни қийин ва қиммат назорат қиласидиган қурилма орқали яъни сихимдаги синовсҳилардан (зандирование) иборат бўлган ҳамда тупроқдаги сувнинг миқдорини ўлчайдиган ва сақлайдиган қурилмадир. Улар одатда жуда ҳам қиммат турадиган катта майдонга экиладиган экинларга ишлатилади (масалан канталупа ) сабзавот экинлари экилган тупроқни намлигини жуда оддий усул билан назорат қилиш бу тензиометрдан фойдаланишдир.

Тензиометр бу сув тўлдирадиган пластик найча бўлиб унда кўп тешикли қалпоқчалар бўлади тешикчалар тупроқ томонга қараган ва орқа томони герметик ёпиқ бўлган бўлади. Керамик қалпоқча тупроқ ичкарисига киритилади, у ерда тупроқнинг намлигини назорат қилинади. Сув ичкарига бемалол керамик қалпоқча орқали киритиш мумкин. Тупроқ куриши билан сув найчадан атрофидаги тупроққа сизиб чиқади. Найчанинг тепа қисми герметик бўлгани учун сув тензиометрдаги керамик қалпоқчага чиқиши билан сўрилиш кузатилади ва буни ўлчаш мумкин бўлади. Тупроқда намлик ортиб кетса, сув тупроқдан тензиометрга тешикчали идиш орқали харакат қиласи бунинг оқибатида сўрилишини камайтиради. Шунинг учун сўрилишнинг миқдори, тупроқдаги намлик хажмининг индикатори кўринишида бўлади. Тензиометр тупроқдан ўсимлик илдизи усҳун сувни тортиб олиш қанчалик қийинлигини улчайди. Индикаторнинг баланд кўрсатгичлари, ўсимликнинг куруқ тупроқдан ўзига сув тортишини қийинчиликларини кўрсатиб беради. Сотувда тензиометрларнинг 2 хили бор.Биринчи модел (масалан Ирромет  $P$  ёки Жет – филл  $P$ ) тупроқнинг тортилишини ўлчайдиган ўлчовчи асбоб бўлиб у найчанинг тепасига қотирилган бўлади. Иккинчи модел (Соил Спес  $P$ ) учун учида игнаси бор кўчма электрон индикатор керак бўлади, у найчанинг тепасида жойлашган резина тиқинни тешади ва вакуумни ўлчаш имкониятига эга бўлади. Ўлчовчи асбобдаги сўрилиш кўрсаткичлари одатда кило-паскалда (кПа) берилади, улар тензиометрдаги босим билан атмосферадаги босимнинг фарқини кўрсатади. Тензиометрлар одатда суғоришнинг назорати самарали бўлиши учун жуфт қилиб жойлаштирилади, бири 20 см чуқурликда илдизларнинг максимал жойлашган худудида ва иккинчиси 40 см чуқурликдаги илдиз худудида жойлаштирилади. Кичкина тензиометр тупроқнинг намлигини

холатини илдизнинг фаол худудида ўлчайди. Кичкина тензиометр 20-25 кПа кўрсатса демак илдиз атрофидаги тупроқ қурийди ва уни суғориш керак бўлади. Агар график кўрсаткичлар вақт даврининг устида жойлашса, унда бўлажак суғоришни олдиндан айтиш ва режалаштириш мумкин. Чуқурроқдаги тензиометр сувни чуқурликка кирганини кўрсатади ва суғоришни тўхтатиш керак бўлади, шунинг учун кўрсаткич 15 кПа га тушиб кетса суғоришни тўхтатиш зарур. Агар суғоришни давом эттирсак намликтининг микдори илдиз худудидан чуқурроқга киради ва озуқа моддаларини ишқорланишига олиб келиши мумкин. Тензиометрлар жуда хам фойдали бўлади. Агар унинг кўрсаткичлари доимий ёзиб борилса. Ўртача катталиқдаги ферма учун кунига 30 дақиқа суғоришни мониторинг қилиш кифоя. Ўстирилаётган сабзавотлардаги сувнинг сифати тушунчаси ва тензиометрларни ишлатиш орқали тажриба ортирилади.<sup>25</sup>

**Сабзавот экинларини касаллик ва зааркунандаларга чидамлилигини ошириш, хамда хосилдорлигини оширишда пайвандлаш технологиясини қўллаш.**

Пайвандлаш бир ўсимлик қаламчаси ёки куртагини (пайвандуст) иккинчи ўз илдизида (пайвандтаг) ўсадиган ўсимликда ўстиришдан иборат. МДҲ давлатларида қаламча пайвандлашни мевачиликда қўлланилса, лекин Ғарбий Европа давлатларида эса бу усул сабзавотчиликда хам кенг қўлланилиб келинмоқда.

Сабзавот экинларини қишлоқ хўжалик зааркунандалари ва касалликларидан мониторинглаш экин экилаётганда жуда хам мухим. Инвазия (паразитлар билан касалланиш) одатда қишлоқ хўжалик экинларининг кичик майдонидан ёки ён атрофидаги ёввойи ўтлардан бошланади. Агар уни тез пайқамаса улар жуда тарқалиб кетишади. Экинларни тасодифий 1 ёки 2 хафта ичидаги (хар бир қаторда 2 ёки 3 жойда) назорат қилиш сабзавотчилар учун паразитлар билан заарланганлигини олдиндан огохлантиради, бу эса назоратни осон ва арzonроқ қиласи. Лекин сабзавотчилар нимани қидиришни олдиндан билишлари керак.

Баъзи бир хашоратлар зааркунанда бўлишади, уларнинг баъзи бирлари зааркунанда бошқалари эса фойдали, чунки улар бошқа хашоратларга хужум қилишади. Хашоратни ёки касалликни тўғри аниқлашда самарали курашиш учун катта ахамиятга эга, чунки баъзи инсиктецидлар (хашоратларни йўқ қиласиган восита) ва фунгицидлар фақат муаян хашоратлар ва касалликлар билан курашади. Тўғри танланмаган кимёвий моддалар сепилгандага самарасиз бўлиши мумкин, натижада вақт ва сармоя

<sup>25</sup> Vegetable Growing Manual –Published March 2012 by the northem Temitory Derfrtment of Resources

юқотилади. Энтомолог ва Фитопатологлар хашорат ва ўсимлик касалликлари билан тўғри топишади ва энг самарали курашиш воситаларини тавсия қилишади.

Бу усул агротехникани ишлатади, бу эса хашорат ва касалликларни камайишига олиб келади. Қуйида масалалар келтирилган.

- Экин экиш айланаси ва экиш вақти зааркунанда ва касалликларни энг кўпайган вақтига тўғри келмайдиган мухим омилдир.
- Шудгорланган ердаги экинларга ишлов бериш ва тупроқ тузилишини яхшилаш учун органик моддарларни аралаштириш ва нематода популяциясини камайтиради.

Ўстирилган бутазорларни яхши дренажга (қуритишга) ишлатиш, бу замбуруғли *Pythium* sp га ўхшаган касалликларни олдини олишдир.

Хосил йифилгандан сўнг эски экинларни йўқотиш ва бегона ўтлар билан курашиш, зааркунандаларни тўхтатиш учун, касалликлар ва мозаик вируслар сақлаш ва кўпайтириш.

Касаллик ёки вирусларга чидамли навларни ишлатиш ёки Фузариумга ўхшаган илдизпоя, районнинг чидамли нави (Нуфор  $\Phi_1$ ) бактериал вилтга (ёввойи малай бақлажони) илдизпояси чидамли, помидорга ва Фузариум га (сигирнинг темир нўхоти) чидамли илдизпоя, дукаклиларга.

Зааркунандаларни яни мева пашшалари ва термитларга ўхшаган кўлга тушириш ва йўқ қилиш учун хўрак ва тузоқ тизими.

- Сабзавот экинларига кетадиган аниқ сув миқдори ва озуқа моддалари кўлланмаси билан таминлаш. Суғоришни кўпайиб кетиши бактериал ва замбуруғли касалликларни чақириши мумкин ва азотнинг керагидан ортиқчаси ўсимликни зааркунанда ва касалликларга чалинишига олиб келади.

### Кимёвий назорат

Бу ўсимликларни химоя қилишнинг оддий ва самарали усулларидан бири бўлиб улар қўйдаги тартибга эга пестицидлар, фунгицидлар ва улар тўғридан тўғри таъсир қиласи.

Булар ўсимликларни касаллик зааркунандалар билан заарланишини олдини олиш ва заарланганда уларга қориш воситалар хисобланади. Зааркунандалар ва касаллик қўзғатувчилари кимёвий воситаларга чидамлилиги ошиб борганилиги туфайли бир турга иод воситани ха деб кўллаш унинг таъсир доираси пасайиб кетади. Шу сабабли кимёвий воситаларни ҳар хил гурухларидан фойдаланиш кўп фойда беради. Химявий воситаларининг таркибига кирувчи воситалар таъсир доираси кенг ва шу билан маҳсулотни сақлаб қолишини таминлаши керак. Таъсир доираси кенг

бўлган пестицидлардан тез –тез фойдаланиш фойдали хашоратларни қирилиб кетишига сабаб бўлади. Агар техник восита сепилаётган кимёвий фосфатни томчиларини катта кичиклигини аниқ бўлса кам миқдордаги кимёвий воситаларни ўзи кифоя бўлади.

Бунда аниқ мақсадга эришиш ва зааркунандаларга ва касалликлардан бир йўла қўтилиш имкониятини беради. Сепилган кимёвий восита барг оғизчаларидан ичкарига киради ва ўз таъсирини кўрсатади. Техник воситани спирал шаклда бўладиган ҳамда томчиларни қолибларни бошқарадиган тиқини энг мухим қисимларидан бири хисобланади ва бунга энг яхшисидан фойдалангани маълум. Умуман кимёвий воситаларни эрта тонгда ёки кечки салқинда иложи борича шамол тезлиги паст бўлганда чанглатувчи арилар ва бошқа фойдали хашоратларни харакати камайганда (учиб кетганда) кўллангани маъқул. Касаллик ва зааркунандаларга қарши курашда ҳар бир ўтказилган тадбир кундаликда ёзиб борилиши керак. Бу қайдномалар қилинган ишларни сизга эслатиб туради ва яна нима ишлар қилиш туғрисида фикр юритишга имкон беради.

Бу маълумотлар қўйдагилардан иборат.

- Үсимлик тури ва ёши
- Касаллик ёки зааркунандани номи ва касалланиш ёки заарланиш даражаси
  - Кимёвий восита номи ва ишлатиш меъёри
  - Сепилган санаси ва соати
  - Касаллик ва даражасига қарши кураш натижалари мувоффақиятлари.

Аҳолини ўсишига кимёвий воситаларни токсин зарари мавжуд (фойдаланувчилар, истеъмолчилар ва атроф мухитга) шундай энон кимёвий воситалар зарари тўғрисида уни ёрлиги кўрсатилган бўлиши шарт. Ўқитишлиар ва сертификатлари бўлишидан қатъий назар кимёвий воситалардан фойдаланиш фермерларга катта масулят ва аниқликни юклайди

### **Биологик химоя (назорат)**

Биологик кураш чоралари зааркунанда ва касаллики қўзғатувчи патоген микроорганизмларни миқдори хавф соладиган даражада этмасидан олдин профилактика ва даставвал амалга оширилади. Бунда потоген микраорганизмлар ташқи мухитда ва шу билан үсимликлар билан кириб келган бўлиши мумкин. Биологик кураш бу энг мухим таркибий қисмидан биридир. Умуман қарши кураш чоралари ичida эътиборга сазавор жихати шундаги биологик кураш натижасида фойдали хашоратларга зарар етмайди ва атроф мухит токсин заарланмайди. Қишлоқ хўжалик амалиёти шуни кўрсатадики сидерат ўғитлаш ва плёнка остида етиштириш микроорганизмлари хилма- хиллигини оширади тупроқдаги ва немотода,

резантонияни, сопрофит замбуруғларини камайтиради. Кимёвий ўғитлаш гербицидлар ва пестецидлар тупрөндеги хилма- хил фойдали микроорганизмларни камайтиради баъзи бир парозитлар зааркунандалардан фойдаланиш мумкин. Хонқизи, паразит пашша, арилар пардақанотлилардан фойдаланилади.

Австралия биологик химоя ассоциацияси биохимоя маҳсулотларини ишлардаги алоқаларини таъминлаб беради.

Биопестицидларга замбуруғ, бактерия, вирус, энтомофоглар киради. Улар баъзи специфик зааркунанда хашоратларга қарши курашда энг яхши таъсир кўрсатувчи восита хисобланади.

*Bacillus thuringiensis* оиласига мансуб бактериялар хашоратлар, лихинкасини озиқланиш системасини ишдан чиқаради ва захарлайди. Хашоратларни личинкасини йўқотишда бу самарадорли усул хисобланади/ Инфекция хашоратни хазм системасига овқатланиш орқали киради, кўпаяди ва уни нобуд қиласи.

### **Интеграциялашган қарши кураш чоралари**

ИПМ ишлар маҳсулотлари зааркунанда ва касалликлар заарланганлик даражасига қараб яхши таъсир кўрсатади ва специфик яъни танлаб таъсир кўрсатиш хусусиятларига эга бўлиб бунда фойдали хашоратларга зарар етмайди ИПМ нинг омадли дастури аниқ мақсадли ва тўлиқ химоялашдан иборат.

### **Фойдаланилган кимёвий воситалар ва уларнинг қолдиқлари.**

#### **Ёрлиқни ўқиши**

Қишлоқ хўжалик кимёвий воситалари зааркунанда, касалликларга қарши курашда фойдаланилади ва маҳсулотни химоя қиласи. Шунга қарамай кимёвий воситалардан нотўғри фойдаланиш ёмон хосил олишга, сифаиз маҳсулот этиширишга ва соғлиқга зарар этишига олиб келади.

Маҳсулотларни текширишна тижасида кимёвий воситаларни қолдиғи топилади ва улар қўйдагиларга таъсир этиш мумкин.

- Кимёвий воситани, тўғридан -тўғри таъсири
- Кимёвий воситани хосилга таъсири
- Кимёвий воситани тўғридан –тўғри бўлган таъсири M: аерозол холда
- Атроф мухитни заарланиши (M: хосил, тупроқ, кимёвий қолдиқ билан заарланиши).

Агар сиз кимёвий воситалардан фойдалангансангиз шуни унутманки унинг қолдиқлари охир оқибат маҳсулотларди ёки маҳсулот сиртига қолади. Маҳсулот ёрлиғида шуни кўрсатиш кераки кимёвий воситалардан фойдаланиш ҳақида маълумот берилса Фермер улардан тўғри фойдаланишига ва муаммо тўғдирмаслигига имкон бўлади.

- Түғри қўллаш усҳун қўлланма
- Тавсия этилган қўллаш методи
- Кўчат экиш ва муаммоларнилпрни эсҳими ёрлиқда кўрсатиш керак
- Таъсир давомийлиги
- Атроф мухитга таъсир этувчи миқдор ва шамолга муносабати

Таъсир давомийлиги билиш жуда мухим бўлиб у ёрлиқда келтирилган бўлиши керак. Қишлоқ хўжалиги кимёвий воситаларини минимумда қўллаш таъсия этилади. Таъсир давомийлигига қараб қишлоқ хўжалик кимёвий воситаларини тавсия этилган нормасини (минимум) қўлланганда интервални тўғри белгилаш кўчатларга қўлланган кимёвий восита сўнги қўллангандаги таъсирини хисобга олиб хосил йиғиш режалаштирилади. Буни хисобга олиш кимёвий воситаларни қолдифини пасайишига ва уларни токсик заарларини камайишига олиб келади. Қишлоқ хўжалик кимёвий воситаларини заарини камайтириш ва нетраллаш қишлоқ хўжалик барра маҳсулотларини озиқ овқатда моддалар алмашинуви бўйисча бўладиган миқдорда бўлиши инсон ва чорва ҳайвонлари ҳаёти учун мухим қишлоқ хўжалик ва ветеренария кимёвий воситалардан шимолий тереторияда қишлоқ хўжалик ва ветеренария кимёси томонидан назорат қилинади<sup>26</sup>

Сабзавот экинларини пайвандлашнинг қўп афзалликлари бўлиб, улардан ўсимлик касаллик ва зааркунандаларга чидамлилиги ортади, эрта пишиб этилади, хосилдорлик ортади, чунки пайвантагнинг илдизи бақувватлиги кўп озиқ моддаларни етказиб беради.

Пайвандтаг сифатида ноқулай иқлим шароитларига чидамли навлар ва турлардан фойдаланилади. Пайвандлашда пайвандуст ҳамда пайвандтагларни тўқималари бир-бирига тўғри келиши улар яхши, тез тутиб кетишини таъминлайди. Пайвандтаг ўзининг илдиз қисми орқали пайвандустни озиқа моддалари билан таъминласа, ўз навбатида пайвандуст фотосинтез жараёнида баргларда хосил бўлган органик моддаларни ўсимликларни барча аъзоларига тақсимлайди.

Пайвандлаш усули орқали бир ўсимлиқда икки, уч турдаги ёки навлардан иборат ўсимликларни ўстириш мумкин. Одатда ёш ўсимликни катта ёшдаги ўсимликтаги пайванд қилинади. Борди-ю ўсимликлар бир ҳил ёшда бўлса пайвандтагни таъсирини ошириш мақсадида пайвандустни баргларини чилпиб ташланади. Шундай қилиб, бир-бири билан чатишиб қолмайдиган чидамли ўсимлик ёки дурагайларни олиш мумкин бўлади. Пайвандтаг сифатида ташқи мухит шароитларига чидамли бўлган навлар танланади. Помидорни қимматли навларини ноқулай бўлган иқлим

<sup>26</sup> Vegetable Growing Manual –Published March 2012 by the northem Temitory Derfritment of Resources

шароитларига мослашадиган илдиз чириш касаллиги билан заарланмайдиган помидорни ёввойи шакллариға пайванд қилинади<sup>27</sup>

Пайвандлашни мувафақиятли ўтказишни асосий шароитларидан бири пайвандуст ва пайвандтагнинг тўқималарини бир-бирига мослиги бўлиб, уларни тез ва яхши тутиб кетишини таъминлаб беради. Пайвандтаг ўзининг илдиз системаси орқали пайвандустни озиқа элементлари билан таъминлайди, пайвандуст эса ўз навбатида фотосинтез жараёнида барча ўсимликни баргларда синтезлашган органик моддалар билан озиқлантиради. Шундай қилиб, пайванд таг ва пайвандуст бир-бирига ижобий равища таъсири кўрсатади. Пайвандтагни таъсири натижасида пайвандустни ўсиш ҳамда ривожланиши жадаллашиб, маҳсулот сифати ҳамда ҳосилдорлиги ортади<sup>28</sup>

Сабзавотларни ресурстежамкор технологияларидан яна бири бу - кичик майдонлардан унумли фойдаланишда ҳамда сифатли маҳсулотлар олишда етиштиришнинг янгича усуллари (очиқ майдонларда помидор ва бодринг экинларини сим бағазларда етиштириш) ни қўллаш. Бунда Сабзавот экинларидан помидор ва бодрингдан юқори ҳосил ва сифатли маҳсулот олишда уни очиқ майдонларда сим бағазда етиштириш технологияси Республикаизда кўп қўлланилмаган. Сим бағазда етиштиришда одатдаги етиштириш усулига қараганда гектардаги кўчатлар сони ортади, ўсимликлар орасидаги хаво алмашиниш жараёни яхшиланади, юқори намгарчиликни олди олинади, мева сифати яхшиланади ва тупроқда касаллик қўзғатувчилар, касалликлар камаяди. Ўсимлик ёруғлик ва қуёш энергиясидан тўлиқ фойдаланади. Бундан ташқари ўсимликка шакл бериш, майдондан тўлиқ фойдаланиш ва ҳосилни териб олиш қулайликлари ортади ва бу ўз навбатида ҳосилдорликни ортишига олиб келади.

Сим бағазни барпо қилишда ёғоч ва темир бетон устунлардан фойдаланилади. Республикаизда бу усулда сабзавотларни очиқ майдонларда етиштириш, фермер ва томорқа хўжаликларида сабзавотдан юқори ва сифатли маҳсулот олиш гаровидир. Хозирги кунда кичик майдонлардан оқилона ва интенсив фойдаланишда сим бағазларда сабзавотларни ўстириш, ҳосилдорликни ошириш ва ердан унумли фойдаланишда муҳим технология хисобланади. Ахоли томорқа хўжаликларида сабзавот маҳсулотини кўпайтириш ва улардан яхши, сифатли ҳосил олишда бу усулни қўллаш самаралидир.

<sup>27</sup>[[http://urozhayna-gryadka.narod.ru/privivka\\_ovoshey.htm](http://urozhayna-gryadka.narod.ru/privivka_ovoshey.htm)][<http://blogdachnika.ru>].

<sup>28</sup>[Vegetable growing manual. Published March.2012 by the Nothern Territory Department of Resources.Plant Industries, Primary Industry Division Department of Resources].

**Майда уруғли сабзавот экинларини (сабзи, пиёз, ош лавлаги, редиска, күкат сабзавотлар)** экишда мульчалаш, яни эгат устига чириган гүнг, шоли қипиғи, вермикулит, перлит, торф ва бошқа материаллар билан мульчалаш самаралидир. Сабзавот экинларини уруғлар экилгандан сўнг бу материаллар қопланса тупроқ харорати, тупроқ намлиги ва уруғларни унувчанлигига жуда катта таъсир этади. Эртаки муддатларда экилган сабзавотлардан энг эрта хосил олишда бу усуллардан фойдаланиш ва қўллаш хосилдорликни ортишига олиб келади. Бунда уруғларни унувчанлиги юқори бўлади, тупроқда қатқалоқ хосил бўлмайди. Нихолларнинг ўсиб ривожланиши тезлашади. Бундан ташқари тупроқ намлигияъни сувнинг парланишининг камаяди. Сабзавот экинларини экишда мульчалаш хисобига сув 15-20% га тежалади, уруғларни унувчанлиги ортади ва қўчатлар сони тўлиқ бўлади. Бу албатта ўсимлик ҳосилига таъсир этади, яни 20-25 кун олдин пишиб етилади, ҳосилдорлик эса 20-25% га кўпаяди.

Ўғитлаш бу ўсимликларни озуқага бўлган талабига кўра етарли даражада озиқлантиради. Ўғитлашни қўргина ижобий томонлари мавжуд улар:

-бу техника ёрдамида ердаги реаллуси ўсимликларга озуқа моддаларни кам- камдан тез- тез бериш натижасида бир текис озуқлантиришга эришилади;

-бу ўсимликларни бутин ўсув даврида озуқа моддаларига бўлган талабини қондириб улардан ўз вақтида фойдаланишга имкон беради;

-бу эса ўсимликларни илдиз системасидан озуқа моддаларни эритма холида сўриб олишини яхшилайди;

-Суғориш натижасида озуқа элементлари сувда эрийди эриган озуқани илдиз секин даражада қабул қила олади.

Ўғитлаш жараёни нормал суғориш цикли жорий қилинганда кузатилади суғориш цикли ёки умумий суғориш қўйдагилардан такиб топган:

- майдонга сувни критиш;
- шимиши (ўтказувчанлиги);
- ортиқча сувларни оқизиб юбориш.

### **Сувни шимилиши**

Бу даврда сув тупроқни юқори қатламидан пастки қатламларига капилярлар орқали ўтиши натижасида ундаги элементларни эришига олиб келади. Бу маълумотлар қўргина тажрибалар орқали қўлга киритилган бўлиб бунда фосфор перманганат осон эриб жойдан жойга оқиб кўчиб туради ва ўсимликлар осон ўзлаштиради.

Үғит солинганидан кейин суғориш натижасида үғитли инексия эргашимилади ва үғитни қолдик қисми ювилиб кетади. Бу жараён синиш вақти деб номланади.

Үғитни инексияга үхшаб сингиши вақтида эритма ернинг энг чуқур қатламигача сингиб боради, шунинг учун үғитларни суғориш билан бериш ўсимликлар илдизи атрофидаги зонада үғит билан таъминланишига имкон беради.

Үғитли инексия омадли ва биринчи навбатли усуллардан бири бўлиб кичик фермер хўжаликлари учун жуда мос келиб бунда томчилатиб суғориш усулинни қўллаш мумкин.

Бу ускуна үғитни сувда эритиб керакли босим билан тармоқ орқали узатади.

Бу жуда оддий проект бўлиб кўчмас қисмларга эга, қийин эмас, осон созланади ва эксплотация қилинади. Асосий қисми талаб қилинади, гап үғитли инекцияни аралаштириб керакли босимда тармоқлар орқали натижаси бошқарилади (200 Крадан юқори босим). Натижада тармоқдан кўп холларда томчилатиб суғориш босим ортганда қаердаги босим катта бўлса буларни орасидаги фарқни бошқариш мумкин.

### **Үғитлаш бўйича таклифлар**

- Томчилатиб суғориш тармоғидан берадиган үғитлар яхши эриган бўлиб, яхши филтрланиши ва тиқилиб қолмаслиги керак.
- Бу усулда суғорганда үғитдан юқори даражада фойдаланиш мумкинлигини ҳисобга олиб үғитни минимумда бериш жуда муҳим.
- Ҳафталик озуқани миқдорини томчилатиш орқали ҳафтасига 2 ёки 3 марта бериш мақсадга мувофиқ. Агар ишни аниқ бажариш керак бўлса автоматик равища бажариш яхши натижада беради.
- Томчилатиб суғорилганда шу захоти ерга шимилади суғорилганидан кейин сингиш даврида текшириш ўтказиш мумкин.
- Энг минимум инексия вақтида энг кўп озуқа элиментларини шимилишига ва ўсимликларни кўп олишига имкон беради
- Бир томонлама бўлиши ўтказувчанлиги яхши бўлиши керак ва шуни айтиш керакки бунда кимёвий захарланиш бўлмаслиги керак.

### **Турли элеметларни ўзаро алоқаси**

- Үғитларни бакда биргаликда аралаштирилганда уларни ўзаро таъсири бўйича муаммога дуч келиш мумкин. Калцийлик үғитларни сульфатли ва фосфатли үғитлар билан аралаштириб бўлмайди. Чунки бунда чўкма ҳосил бўлиб турубага тиқилиб қолиши мумкин.
- Бромли үғитларни ўзини инструкцияси бўйича қўллаш керак, унинг ўсуви хусусиятини ҳисобга олган ҳолда

- Умимий қоидага биноан озуқа элементларини алохидада берган (инексия қилған) яхши. Агар сиз фойдаланаётган озуқа элементларини ўзартысирини текшириб күрмоқчи бўлсангиз қишлоқ хўжалик ўғитлари билан таъминлаш идораси билан маслаҳатлашинг.

- Томчилатиб суғориша қувурларда сув ўтларини ўсишига йўл қўйманг. Улар тармоққа тиқилиб қолиб иш сифатини бузади ва баъзан умуман сувни томчилаб тушмаслигига олиб келади. Айниқса тармоқ орқали озуқа элементларини бериш сув ўтларини янада авж олиб ўсишига сабаб бўлади. Кам фоиздаги натрийгидрохлорид (ош содаси) уларни нобуд бўлишига олиб келади ва тармоқни тоза сақлашимизга ёрдам беради.

Ўғитли инексияни ҳисоблаш ўсимлик тури ва майдонга қараб ҳисобланади. Масалан, қовун ёки қовоқ каби ўсимликлар тез ўсади ва майдон юзасини барг билан қоплади.

Турғун озуқа моддалари яъни фосфор, рух, магний, темир ва мис ривожланмаётган илдизларга осон киради, умумий асосий ишлов беришда ўғитларнзуқлантиришга кириши ёки суғориладиган сувда тупроқ сувда кам бўлгани учун улар қаеирга қўйилган бўлса шу эрда қолади, шунинг учун суғориладиган сувда эритилса, фақат илдиз худуди суғорилиши мухим аҳамиятга эга.

Азот, калий ва олтингугурт тупроқ сувида нисбатан ҳаракатланувчандир ва бу озуқа моддаларига эҳтиёж эрта кучли ўсишда жуда ҳам баланд. Асосий вазифа ўсимликка тез ўсиш даврида озуқа моддаларини вақтида етказиб бериш талаб этилади.

Азот ишлатишни камайтириш керак бўлади, чунки меванинг ривожланиши даври бошланади агар ўсимликнинг кечки ўсуви даврида азот миқдори юқори даражада кўп бўлса бу меванинг ривожланишига ва хосилнинг сифатига заарлидир, вегетатив қисми ўсиш ҳаддан ташқари тез ўсади ва мева кимёвий таркиби сифати пасаяди.

Хосил тўплпш ва кўпайиш даврида энг мухим озуқа моддалари бу калций, бор ва кам миқдорда ўсимликнинг турғун озуқа моддаларининг самарали, масалан: калций ва борнинг битта кўп миқдорда қўллашдан кўра бир неча бор.

Энг мухим сабаблардан бири бу бошланғич ўсиш жараёнида туғри суғоришдан иборат.

Агар ҳаддан ташқари кўп суғорилса озуқа моддалари навқирон ўсаётган илдизлардан ювилиб кетади. Ўсимликлар ривожланганда уларнинг илдизлари ҳам бақватлашади, улар ишқорланган озуқа моддалари (айниқса азот)га етиши мумкин, у эса кейин зичланишга олиб келади, бу меванинг сифатини пасайишига сабаб бўлади.

Хосили қисқа даврда йиғиладиган экинлар учун масалан: канталуйда 70-80% умумий керак бўлган азотни 2 дан 6 хафта ичида қўллаш керак бўлади.

Кўп гулли катта ўсимликларни тез ўстириш эвазига эришиш мумкин бўларди.

### **Микроэлементлар.**

Микроэлементлар ўсимликнинг нормал функционал модда алмашинуви (метаболизм) учун жуда мухим. Микроэлементларни ўсимликларни бутун хаёти давомида бир неча бор суғориладиган сувга солиш керак чунки у ҳар қандай дефицитни олдини олади бу қишлоқ хўжалик экинларидаги етишмовчииликларини топишини кутгандан кўра яхшироқ айниқса тупроқда бу элементлар кам бўлса.

Боғланиш билан муаммолар пайдо бўлади. Микроэлементларнинг қоришмасини таркиби ортирилган бўлиши мумкин битта барабанда барчаси суюқ формада барча элементлар бор бўлиши мумкин бу қўлай ва самарали. Кўшимча бор ва калций мевани ривожланиш даврида керак бўлиши мумкин, лекин ҳаддан ташқари ошириб юбормаслик керак, чунки қўп қишлоқ хўжалик экинлари барча таъсирchan ва захарланиш содир бўлиш мумкин . куруқ кул бўлган барг ҳоҳлаган микроэлементининг айбини топадиган аниқлашда энг зўр усулдир.<sup>29</sup>

**Сабзавот экинларини йил давомида 2-3 марта экиб хосил олиш ва ердан унумли фойдаланишда экиш муддатлари ва усулларига эътиборни қаратиш зарур. Чунки экиш муддатини тўғри белгилаш ердан тўғри фойдалани ва унумли фойда олиш гарови.**

Сабзавот экинларни экиш муддатлари қўйидагича:

1. Эрта бахорда (феврал охири-март ойида).
2. Бахорда (апрел-май ойларида).
3. Ёзги муддатда (июн-июл ойларида).
4. Кузги муддатда (август-сентябр ойларида).
5. Қиши олдидан ёки “тўқсонности” муддатида (ноябр охири-декабр бошланишида).

**Сабзавот экинларини етиштиришда минерал ўғитлар қўллашни миқдорини камайтириш** хам ресурстежамкор технологиялардан хисобланади. Бунда картошка етиштиришда минерал ўғитларни қўллаш миқдори гектарига азот -100 кг, фосфор -150 кг, калий 100 кг ни ташкил қиласди. Ўғитларни қўллаш муддати:

- Фосфор ва калийнинг 50 фоизи экин экишдан олдин;

<sup>29</sup> Vegetable Growing Manual –Published March 2012 by the northern Temitory Derfrtment of Resources

- Фосфор ва калийнинг қолган 50 фоизи ҳамда азотнинг 50 фоизи ялпи униб чиққандан сўнг биринчи озиқлантиришда;
- азотнинг қолган 50 фоизи ўсимликлар ялпи гуллаганда иккинчи озиқлантириш даврида берилади.

### **Жадвал – 26.**

#### **Республикамиз иқлим шароитида сабзавотларни экиш муддатлари, кўчат ўтқазиш ҳамда уруғ сарфи тўрисида маълумот**

Сабзавотлар	Минтақалар			Уруғ сарфи, кг	Кўчат сарфи, минг дона
	шимолий	марказий	жанубий		
Помидор эртаги кечки	5-10/V	20-28/IV	5-15/III	0,3	24-35
	5-10/VI	5-10/V	5-15/IV	0,3	24-35
Карам эртаги кечки	15-30/III	25/II-10/III	10-15/II	-	42-48
	25/V-10/VI	15/VI-10/VII	1-15/VIII	-	40-42
Пиёз	5-25/III	20/II-5/III	10-20/II	10-12	-
Сабзи эртаги кечки	17-25/III	5-14/III	15-20/III	6	-
	10-20/VI	10/VI-10/VII	5-15/VIII	6	-
Турп	1-10/VII	25/VII-5/VIII	10-20/VIII	5-6	-
Бодринг	5-10/V	20-28/IV	20/II-10/III	4-5	-

**Ресурстежовчи технологияда** минерал ўғитлар қуидаги миқдорда ишлатилади: Азот -100 кг, фосфор -75 кг, калий 50 кг + картошка уруғлик туганагини фосфор тўпловчи фаол бактериялар тўпламида ивitiш + бир хужайрали сув ўти билан ўсимликка пуркаш. Шу билан бирга картошка ўстиришда биогумусдан фойдаланиш.

Ўғитларни қўллаш муддати:

- Фосфор ва калийнинг ҳаммаси экин экишдан олдин берилади. Уруғлик картошка экишдан олдин фосфор тўпловчи фаол бактериялар тўпламида ивitiлади;
- Ўсимликлар ялпи униб чиққандан сўнг ва ялпи гуллаган даврида 300 л/га хисобида сув ўти билан пуркалади. Кўлланиб келинаётган технологияга нисбатан ҳосилдорлик гектарига 11,5 фоизга ошади.
- Бигумус картошка туганакларини бир текис униб чикиши ва ҳосилдорлигини ортишга сабаб бўлади.

Бодринг етиштиришда минерал ўғитлар қўллаш миқдорини камайтиришда ўғитларни қўллаш муддати:

- фосфор ва калийнинг 50 фоизи экин экишдан олдин;
- фосфор ва калийнинг қолган 50 фоизи ҳамда азотнинг 50 фоизи ўсимлик 2-3 та чин барг чиқарганда биринчи озиқлантиришда;
- азотнинг қолган 50 фоизи ўсимликлар ялпи гуллаган ва мева туга бошлагандаги иккинчи озиқлантириш даврида берилади.

### **Жадвал –27.**

**Сабзавот экинларнинг ҳосили билан тупроқдан олиб кетадиган минерал моддалар миқдори**

Сабзавотлар турлари	Ҳосил, т/га	Ҳосили таркибида, кг			Ц ҳосил таркибида, г		
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
Карам	500	205	70	245	2,7	0,9	3,3
Помидор	400	132	46	181	2,2	0,8	3,0
Ош лавлаги	400	108	61	171	2,3	1,3	3,6
Сабзи	300	69	31	114	1,9	0,9	3,2
Пиёз	250	111	29	53	4,4	1,2	2,1
Бодринг	300	51	41	78	1,7	1,4	2,6
Редиска	100	50	14	54	16,7	4,7	18,7

Бодринг етиштиришда минерал ўғитлар қўллаш миқдорини камайтириш қўйидагича:

- 25 кг/га органик микробиологик ўғит (ФМКГ)+ 4л/га “Ер малхами”+ фосфор-50 кг, калий-30 кг нисбатда. Бунда азотли минерал ўғитлар солинмайди, фосфор ва калий ўғитлар сарфи 2 марта камайтирилади.
- Фосфор ва калийнинг ҳаммаси экин экишдан олдин. Ўсимлик 3-4 та чин барг чиқарган даврда эгат ораларига 25 кг/га органик микробиологик ўғит, суғориш суви билан 2 л/га биоазот биринчи озиқлантиришда.
- Ўсимликнинг ялпи гуллаган даврида 2 л/га биоазот суғориш суви билан берилади. Бунда ҳосилдорлик гектарига амалдаги технологияга нисбатан 10,9 фоизга ошади. Тупроқ таркибидаги чиринди миқдори 0,976 т/га кўпаяди.

Бодринг ўсимлиги азотли ўғитларни ёқтиради, аммо мевнинг таркибидаги нитратлар миқдорини ортиб кетишига йўл қўймаслик керак. Махсулотни сифатли бўлиши ва харидоргир бўлиши унинг таркиби, мазаси ва эколгик тоза махсулот эканлиги билан боғлиқ. Шунинг учун сабзавот

Экинларини етиштиришда минерал озиқ моддаларни қўллаш тартибига амал қилиш тавсия этилади.

### Жадвал-28.

Сабзавот, полиз экинлари учун тавсия қилинган минерал ва органик ўғитлар солиш микдорлари

Экин тури	Хосил-дорлик, т/га	Маҳаллий органик ўғит т/га	Минерал ўғит, кг/га		
			N	P	K
Помидор	40	20	200	135	100
Карам	40	32	160	140	80
Бодринг	25	13	190	125	75
Сабзи	30	30	180	120	60
Пиёз	40	40	340	340	120
Полиз	35	35	105	105	85
Картошка	40	30	320	255	172,5

Сабзавот экинлари етиштиришда ресуртежамкор технологиялардан яна бири бу **-пиёзни такрорий экин сифатида кўчатидан етиштириш технологияси**. Пиёз одатдаги усулда уруғидан сепиб экилади. Аммо кейинги пайтларда пиёзни кўчатидан экиш эрта хосил олиш, уруғ сарфини камайтириш ва ердан самарали фойдаланиш усулидир.

Пиёз кўчати очик майдонда етиштирилиб, 2,5-3 кг уруғ март ойида очик майдонга  $70\text{-}80 \text{ м}^2$  ерга  $4\times 1$  см. схемада сепилади. Июн ойида 50-60 кунлик кўчат тайёр бўлади. Кўчатлар бошоқлилар ҳамда эртаги картошка, карам каби сабзавот экинларидан бўшаган ерга уч қаторлик лентасимон экиш усулида ( $10+15+15\times 7,5$  см.) экилади, бунда гектарига 580 минг туп ниҳол жойлашади ва ҳосилдорлиги 28-32 т/га ни ташкил этади. Афзалиги, уруғ 60-70 % ни, суғоришлилар сони 4-5 бароборга қисқаради, мавсум мобайнида бир ердан икки марта ҳосил олинади.

## **Назорат саволлари**

1. Ресурс тежамкор технологияларнинг турларини келтиринг?
2. Ресурс тежамкор технологиялар асосида бодринг қандай етиширилади?
3. Сувни тежашда қандай ресурстежамкор технологиялар қўлланилади?

## **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Прививка растений. «Все о даче и для дачи». 2009. <http://blogdachnika.ru>.
2. Vegetable growing manual. Published March. 2012 by the Northern Territory Department of Resources. Plant Industries, Primary Industry Division Department of Resources.
3. Прививкаовощей. Способы прививкиовощей. «Урожайная грядка» сайт профессиональных советов для овощеводов, растениеводов, цветоводов плодоводов. 2009. [http://urozhayna-gryadka.narod.ru/privivka\\_ovoshey.htm](http://urozhayna-gryadka.narod.ru/privivka_ovoshey.htm).
4. В.И.Зуев., Т.Э.Останакулов., О.Кодирхўжаев., С.Нарзиева. Сабзавотчилик. Тошкент. 2010. 28 б.т

## **5-мавзу: Замонавий иссиқхоналарни турлари, тузулиши уларда асосий сабзавотларни етиштириш усуллари.**

### **Режа**

- 1.Замонавий иссиқхона турлари, тузилиши ва афзалликлари.
- 2.Сабзавотларни иссиқхоналарда етиштиришда микроиқлим шароитлари.
- 3.Сабзавотларни кичик ҳажмли гидропоникада етиштириш.

**Таянч иборалар:**Химояланган ер иншоотлари, иссиқхоналар, микроиқлим, гидропоника, субстартлар, кўчат, нав, дурагай, кузги қишики, қишики-баҳорги; ўтувчан мавсум, экинларни навбатлаб экиш, озиқа эритмалари, етиштириши технологияси.

1.Химояланган ер иншоотлари тузилишининг муркаблигига ва ўсимликлар учун қулай шароитлар яратиш услубларига кўра илитилган ер ва экин ўстириладиган иншоотларга (парник ва иссиқхона) бўлинади.

Иссиқхоналар – йил мобайнида ёки баҳор, ёз, куз ва қиши фаслида ишлатирадиган ён тўсиқлари ва нур ўтказадиган қопламаси бўлган катта ҳажмли экин ўстириладиган иншоотлардир. Иссиқхоналарни парниклардан асосий фарқи ер юзидан то қопламасигача бўлган масофасининг катта эканлиги ҳамда машина ва хизматчиларнинг ишлаш даврида қурилма ичида бўлишилигидир.

Иссиқхоналар – бу экин ўстириладиган биноларнинг энг такомиллашган тури бўлиб, уларда замонавий муҳандислик воситалари ёрдамида ўсимликларни ўстир-иш учун мақбул шароитларни яратиб бериш мумкин. Иссиқхоналарнинг вазифаси мавсумдан ташқари вақтларда маҳсулот етиштириш ва шунингдек, химояланган ҳамда очик ер учун кўчат етиштириб беришдан иборат. Иссиқхоналарнинг фундаменти, синчлари, ён томонлари деворлари ва ёпқичи уларнинг асосий конструктив элементлари хисобланади.

Ўзбекистонда иссиқхоналар қуришда Жанубий Кореянинг компания ва фирмалари ҳам катта ишларни амалга ошироқдалар. Жанубий Кореянинг «Bookyng Qreenhouses LTD» фирмаси МЧЖ «Навоий ИЭС»нинг ёрдамчи хўжалигига 2 та майдони 7 гектар бўлган иссиқхона қурган. Жанубий Кореянинг ҳалқаро ҳамкор-лик ташкилоти (KOICA) ва «Erae CS Limited» компанияси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ёрдамчи хўжалигига майдони 0,15 га бўлган ва 60 т сифимили томчилаб суғориладиган замонавий плёнкали кўчат-сабзавот етиштириш-га мўлжаланган иссиқхона қурилишини амалга оширган. Иссиқхона 50×30 м ўлчамда бўлиб, тарновгача бўлган баладлиги 4 м, энг юқори нуқтасигача эса – 5,3 м (9-расм).

2. Сабзавотларни иссиқхоналарда етиштиришда микроиқлим

шароитлари.

Иссиқсевар экинларни ҳосилга кириш даврида тунги ҳароратни бироз күтариш зарур (қуёшли кунга нисбатан 6-8°C га пастроқ), чунки кечасидаги соатларда органик моддалар барглардан меваларга тезроқ силжий бошлайды, бу жараён 20-22°C ҳароратда яхшироқ ўтади.

Илдиз учун тунги мақбул ҳарорат, ўсимликларни ер устки қисмидагига қара-ганда 2-3°C юқорироқ, қундузи эса у 2-3°C паст бўлади.

Ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши сезиларли даражада илдиз жойлашган муҳитдаги ҳароратга ҳам боғлиқ. У ургуни униб чиқиши тезлигига, илдиз тизимини ўсиши ва ривожланиши ва уни фаолиятига таъсир этади. Тупроқ ҳарорати 12°C дан 14°C гача оширилганда P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> сингиши 50%, 16°C гача оширилганда яна 50% кўпайганлиги аниқланган. Субстрат ҳарорати кўтарилиганда баргларда азот, фосфор, калий, магний миқдори ошади ва кальций миқдори камаяди.

Химояланган ерларда етиштирилади-ган сабзавот экинлари орасида кўкатлар ва бодринг тупроқ аралашмасини намли-гига энг талабчандир. Айниқса барча экинларни кўчати тупроқ намлигини юқори бўлишини (90±5%) ҳохлайди. Бодринг учун кўчат даврида тупроқ аралашмасини намлиги 80% ЭПН (энг паст намлик)дан кам бўлмаслиги, ҳосилга кирганда – 85-90%, помидор, қалампир ва бақлажон учун кўчат давридаги намлик – 70-75%, барглари катталашаётган даврда – 70-80% ва ҳосилга кирганда – 80-85%, кўкат экинлар учун – 80-90% ЭПН ташкил қилиши керак.

### 3. Сабзавотларни кичик ҳажмли гидропоникада етиштириш.

Кичик ҳажмли экин – бу гидропоникани бир тури, бунда экинларни етиштириш кичик (5-15 л) ҳажмли органик ёки минерал субстратларда амалга оширилади.

Бу усулда сабзавот экинларини етиштириш дунёда кенг тарқалган. У 100 минг га ошиқ иссиқхона майдонини эгаллайди ва доимо кенгайиб бормоқда. Скандинавия мамлакатларида, Белорусда бу усул билан сабзавотлар 80% ортиқроқ, Нидерландияда – 60% ортироқ иссиқхоналарда етиштирилади. Болгария, Латвия, Украина, Россия Федерацияси кичик ҳажмли экинларга мўлжаллан-ган иссиқхона майдонларини кўпайтирмоқдалар. Латвиядаги «Рига» иссиқхона комбинатида 14 га иссиқхона кичик ҳажмли гидропоника билан банд. Бу технология билан сабзавот етиштирувчи катта майдонли иссиқхона «Киев сабзавотчилик фабрикасида», Москвадаги «Марфино» хужалигига ва «Нива» акционерлик уюшмасида мавжуд. Тропик ва субтропик мамлакатларда кичик ҳажмли гидропоника эски услубларни борган сари сиқиб чиқармоқда. У бизда Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалиб бормоқда.

Кичик ҳажмли гидропоникани қўллаш иссиқхоналарни, қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз ерларда куриш имконини беради, бу ҳозирда тез суратлар билан унумдор тупроқларга талаб ошиб бораётганда жуда долизарбдир.

Кичик ҳажмли гидропоника усули сувни парланиб сарфланишини камайтиради, бегона ўтларни, касаллик ва нематодани тарқалишига имкон бермайди; у сув ва ўғитларни иқтисод қилишни таъминлайди ва атроф мұхитни камроқ ифлослайди.

Кичик ҳажмли гидропоника тупроқ аралашмасидаги экинларга нисбатан ўсимликларни ўсишини тезлаштиради ва уларни ҳосилдорлигини 3-5 марта оширади, чунки бунда етиштириш шароитлари ва ўсимликларни озиқланиши максимал тенглашади ва ўсимликларда физиологик жараёнлар жадалроқ ўтади. Помидор ўсимликлари экилгандан сўнг 75 кун ўтгач 3 м баландликка етади, бу тупроқ-ли экинга нисбатан 4-5 маротаба кўпdir.

Кичик ҳажмли технологияда катта ҳажмдаги тупроқ аралашмасини тайёрлашга, ташишга ва тарқатишга, тупроқقا ишлов бериш, ҳар йили парлаш ёки ўсув даврида тупроқ аралашмасида тўпланадиган зааркунанда ва касаллиklärغا қарши кимёвий ишловларни олиб бориш зарурияти қолмайди. Бунда қўрса-тилган ишлаб чиқариш операцияларини бажариш учун зарур техника, ускуна ва жиҳозларни, пестицид ва бошқа материалларни олишга сарфланадиган харажатлар қисқаради.

Санитария чораларига қаътий риоя қилинганда кичик ҳажмли гидропоника меҳнат ва касаллик ва зааркунандаларга қарши курашиш учун пестицидларга сарфланадиган харажатларни қисқартиришга имкон беради, бу етиштириладиган сабзавот маҳсулотларини экологик тозалигини оширади.

Кичик ҳажмли гидропоникадан фойдаланиш ўсимликларни парваришлишни енгиллаштиради ва уларни бирмунча ўсишини тезлаштиради, чунки эритмани узатиш компьютер назоратида бўлади. Бу ҳосиллар орасидаги узулишларни қисқар-тиришга ёрдам беради, чунки ўсимликларни ўшиш даврига кўра турли субстратларга қайта ўтказиш йўли билан етиштириш жараёнини бирнечча босқичларга бўлиниши (кўчатни етиштириш, ўстириб олиш, асосий ҳажмдаги субстратга қайта ўтказиш) рўй беради.

Кичик ҳажмли гидропоника тупроқли экинларга қараганда қуйидаги авзаликларга эга:

- иссиқхоналарни қуришда ва қайта тиклашда капитал маблағларини кам кетиши;
- мұхитни кичик ҳажмлилиги ва микро жараёнли техника қўлланиши туфайли,

- илдиз жойлашган мұхит шароитларини тезроқ созланиши;
- субстрат ҳажмини кичиклиги ва парланишни истисно бўлиши туфайли иситиш учун иссиқлик энергиясидан унумлироқ фойдаланиш;
  - субстрат ҳажмини 15-30 марта камайиши;
  - томчилаб сугориш субстрат ҳамда ўғитларни (40% гача) плёнка билан ўралганлиги туфайли сувни кўпроқ иқтисод қилиниши;
  - экинларни алмашлаш заруриятини йўқлилиги;
  - стандарт меваларни чиқиши ва уни сифатини яхшиланиши;
  - ташкилий-технологик даражани ва меҳнат унумдорлигини ошиши;
  - одатдаги тупроқли экинларда тупроқларни нордонлиги ва агрокимёвий таркибида кўпинча намоён бўладиган муаммо вужудга келмайди.

Ҳосилдорликни ошиши, меҳнат харажатларини қисқариши ресурсларни (манбаларни) иқтисод қилиниши туфайли кичик ҳажмли гидропоника юқори иқтисодий самара олишни таъминлайди.

Кичик ҳажмли гидропоникада қўлланиладигансубстратлар тавсифи Кичик ҳажмли гидропоника учун субстрат сифатида парчаланиш даражаси 15% дан ортиқ бўлмаган сфагнали юқори торф, турли типдаги минерал пахта, перлит, верmekулит, цеолит хизмат қиласди. Охирги йилларда кокосли субстрат ва уни перлит билан аралашмаси кенг тарқалиб бормоқда.

Кичик ҳажмли гидропоникадаги субстратларни тупроқ аралашмасидан фарқи шундаки, улар сувни кам ушлаб туриш қобилиятига эга бўлади ва осон қурийди, шу боис кам микдордаги сув билан узоқ вақт сугоришни талаб қиласди. Улар жуда паст буферликка эга, бу минерал ўғитларни тез-тез солишини талаб қиласди. Кичик ҳажмли гидропоника учун фойдаланиладиган субстратлар қўйидаги қўллаш хоссалари ва хусусиятлари билан тавсифланади.

Юқори торф сфангали боткоқликларни юқори кисмидан тайёрланади, у паст даражали парчаланишга ва кам кулликга эга. Ташқи қўриниши бўйича у оқиши, толали, қуруқ масса ҳисобига углевод ва гумин кислоталаридан иборат 50% га яқин органик моддалардан таркиб топган. Таркибида азот микдори юқори (20-30%), аммофосфор (0,5%) ва калий (0,15%) паст. У сувни яхши сингдириш ва ҳавони ўт-казиш хусусиятига, сувни кўпроқ шимиш қобилиятига ва юқори буферликка эга.

## ГИДРОНОН ИССИҚХОНАЛАРДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН САБЗАВОТЛАРНИ

### ТАХМИНИЙ ХУЖАЙРА ТАРКИБИ

Элементлар	Помидор	Бодринг
K	5-8%	8-15%
Ca	2-3%	1-3%
Mg	0.4-1.0%	0.3-0.7%
NO <sub>3</sub> -N	14.000-20.000 ppm	10,000-20,000 ppm
PO <sub>4</sub> .P	6.000-8.000 ppm	8,000-10,000 ppm
Fe	40-100 ppm	90-120 ppm
Zn	15-25 ppm	40-50 ppm
Cu	4-6 ppm	5-10 ppm
Mn	25-50ppm	50-150 ppm
Mo	1-3 ppm	1-3 ppm
B	26-60 ppm	40-60 ppm

---

<sup>30</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc. ISBN: 978-0-471-73828-2

**АЛОХИДА ИССИҚХОНА ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ҚУРИТИЛГАН  
БУТУН БАРГИНИНГ ЕТАРЛИ ОЗУҚА БИРЛИГИ ДИАПОЗОНИ**

Хосил бериш муддатини бошланиши		Хосилни йифиб олишдан аввал	
Элементлар	Помидор	Бодринг	Салат
N	3.5-4.0	2.5-5.0	2.1-5.6
P	0.4-0.6	0.5-1.0	0.5-0.9
K	2.8-4.0	3.0-6.0	4.0-8.0
Ca	0.5-2.0	0.8-6.0	0.9-2.0
Mg	0.4-1.0	0.4-0.8	0.4-0.8
S	0.4-0.8	0.4-0.8	0.2-0.5
Мимиондан бир қисми			
B	35-60	40-100	25-65
Cu	8-20	4-10	5-18
Fe	50.-200	90-150	50-200
Mn	50-125	50-300	25-200
Mo	1-5	1-3	0.5-3.0
Zn	25-60	50-150	30-200

Юқори торфни турли маркали тойлар ва қуруқ прессланган плиталар кўрин-ишида қўллайдилар, уларни қўллаш, субстратни етказиб келишга сарфланадиган харажатларни камайтиради. МЮТ (мохли юқори торф) маркали ва «Новобалт» торфи 50 кг вазнли тойларда келтирилади, улар намлангандан сўнг 250-300 кг гача катталашади. Белоруссиядаги «Седа» ва «Двина» корхоналари СТП-1 ва СТП-2 (тўйимли торфли субстрат) маркали торфни ҳам той кўринишида чиқаради, аммо улар нейтраллаштирилган, ўғитлар ва шу жумладан микроэлементлар билан ҳам бойитилган. Торфни қўлашни энг рационал усули – контейнерли экин ва лотокларда етишириш.

Ўзбекистонда торфни йўқлиги, уни бошқа давлатлардан келтириш қийинлиги ва қимматлилиги туфайли кичик ҳажмли экинда юқори торфдан субстрат сифатида деярли фойдаланилмайди.

<sup>31</sup>Knott's Handbook for Vegetable growers Fifth Edition.D.N.Maynard and G.J.Hochmuth 2007 John Wiley & Sons, Inc. ISBN: 978-0-471-73828-2

Минерал пахта. Минерал пахта 80 йилларда Данияда пайдо бўлган. Биринчи марта ундан Дания «Гродания AG» фирмаси фойдалана бошлади. Уни харакатлари туфайли минерал плиталар синовдан ўтказилди ва бутун Европада минерал пахтани субстрат сифатида қабул қила бошладилар. У осон намланади ва қурийди, ҳамда илдиз атрофида ҳаво ва сувни мақбул нисбатини таъминлайди.

Плиталарни ишлаб чиқариш бўйича тажрибалар муваффақиятли олиб борган сари уларни ишлаб чиқариш такомиллашиб борган. Бошида вертикал толали плиталар пайдо бўлди, сўнг анча тежамкор, ҳаво ва сув нисбати сал камроқ зичлиги пастроқ, аммо фойдаланиш даври анча қисқароқ бўлган плиталар чиқарила бошланди. Яқинда айрим экинлар талабини қондириш учун турли зичликдаги, буюртма орқали плита чуқурлигига сувни тарқалишига, уни оқиб ва тўйинишига имкон берувчи плиталар пайдо бўлди.

Минерал пахтани, яна тошли пахта деб ҳам атайдилар, уни базалти тоғ жинсларидан ёки унга ўхшаш диабазлардан ишлаб чиқарадилар. Майдаланган тоғ жинслари кокс билан аралаштириб 1600°С ҳароратда эриш нуқтасигача қиздирилади. Сўнг эриган материалга оз-оздан охактошлар, фенол асосида тайёрланган намлаштирувчи агент, плиталарни ишлаб чиқариш учун толаларни бирга бирлаштирувчи органик полимер қўшиб толалар қилинади.

Минераллашган пахта плиталар узлуксиз экин экилганда ўзига хос структурани 4 йил давомида ва ҳар бир янги экин олдидан буғ билан стерилизация қилиниб бир йиллик экинлар учун такроран фойдаланилганда 3 йил давомида сақлаб туради.

«Гродан» минерал пахтани чиқарувчи Qradaniya AG Дания компанияси сув ва озиқ моддаларни айрим олинган тўшакларни турли жойларида ва турли тўшакларни иссиқхоналарда ҳам бир меъёрда тақсимланишини таъминлайдиган Qrotop Master ва Qrotop Expert минерал субстратларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириди. Корелияда (Россия) «Гравилен» минерал пахтаси чиқарилмоқда.

Минерал пахтани асосий авзаллиги – уни тозалиги ва суғориш жадаллигини тегишли равишда созлаш ва илдиз жойлашган мухитда ҳаво ва сув нисбатини таъ-минлаб бериш қобилиятидадир.

Минерал пахтани мухим хусусияти уни структурада сув ва ҳаво ўртасидаги мувозанатни созлаб ушлаб туриш қобилитидир. Минерал пахтали экин (ўсимлик) ҳеч қачон на қуриб қолишдан, на кўлланиб кетишидан, на кислород етишмаслигидан қийналмайди. Минерал пахта торфга қараганда қўйидаги авзалликларга эга:

- юқори ғоваклиликка ва ҳаво ҳамда сув нисбатларини яхши сақлаб турыш қобилиятига;
- кимёвий инерт;
- структуралы барқарор ва ўзгармас сифатига;
- уни пар ва кимёвий усулларда стрелизация қилиш ҳамда такроран бир неча айланишларда фойдаланиш мүмкін.

Минерал пахтани камчилиги күп маротаба, айниқса ёзда суғорилганды, уларни сони кун давомида 20-25 етади, бу томчилаб суғориш тизимиға юкни оширади.

**Вермикулитли субстратлар.** Вермикулит – бу табиий минерал бўлиб, слюдани (шаффоф минерални) ўзгарган маҳсулоти ҳисобланади. У оловга чидамли, заррачаларини катталиги 1-3 мм, зичлиги  $0,19 \text{ г/см}^3$  ва нам сифими 64%.

Ҳозирги вақтда вермикулитли субстратлар сабзавотчиликда, саноатлашган боғдорчилик ва гулчиликда, уруғларни ғўлалашда, меваларни, сабзавотларни, пиёзларни, қаламчаларни ва бошқа ўсимлик материалларини сақлашда ҳамда ташишда, шунингдек техноген-бузилган худудларни биорекультивация қилишда кенг қўлланилади.

Иссиқхона сабзавотларини гиропон усулда етиштиришда вермикулитни ўзи-дан фойдаланилмай, вермикулит куйдирилгандан сўнг ҳосил бўлган вермикулитли субстратдан фойдаланилади .

Вермикулитли субстратлар жуда универсал. Уларни гиропон усулда хоҳлаган экинларни етиштиришда ва тупроқ аралашмаларини тайёрлашда кўшимча компонент сифатида қўллайдилар.

Катта ғоваклилик туфайли озиқ эритма билан намлангандан сўнг вермикулит гранулалари юзида сувли парда ҳосил бўлади ва мақбул сув-ҳаво тартиботи яратилади. Бу шароитда ўсимликлар тўхтовсиз етарли микдорда сув, кислород, озиқ моддалар билан таъминланади.

Перлитни вулқонни алюмосиликатли тоғ жинсларидан ишлаб чиқарадилар, уларни олдин майдалайдилар, сўнг  $1000^\circ\text{C}$  яқин ҳароратгача



**8 расм.** Вермикулитли субстрат

грануллари – слюдали (шаффоф минерали)  
«гормончалар»

қиздирадилар. Қиздирилганда тоғ жинсига киравчи сув, газли ҳолатта үтади ва заррачаларни кенгайтиради ва жуда енгил, ҳаво билан түйинган, катталиги чангсимондан то 6-7 мм гача бўлган, нотекис, дағал оқ грануллар ҳосил бўлади. 60-йилардан буён перлит тувакчалар учун содда аралашма компоненти ҳисобланади, одатда уни торф ёки вермикулит билан бирга кўшиб олиб борадилар.

Перлит жуда енгил, уни зичлиги  $100 \text{ кг}/\text{м}^3$  яқин. Иссикхона сабзавотчилигига фойдаланиладиган перлит гранулаларининг катталиги 2-5 мм бўлиб, кириши мумкин бўлган сув, гранулаларни нотекис юзалари орасида ва уларни ичида сақланади. Перлит ҳар бирига учта ўсимлик тўғри келадиган, узунлиги – 90-100 см 20-30 литрли қопларни тўлдириш учун фойдаланилади.

Цеолит – бу сувли алюмосиликатлар гурӯҳига киравчи ишқорли ва ишқор тупроқли элементлардан иборат табиий тоғ минерали. Майдаланган цеолит туфлари (ғовак тошлар) яхши ғоваклилик, ионалмашувлик ва адсорбционлик, ҳаво ва сувни ўтказувчаник қобилиятларига эга бўлиб, таркибида калий, магний ва кальций миқдори юқори. Агрономия нуқтаи назаридан олганда, циолитли субстратлар: бир неча ҳосил олишда ўсимликларни нормал озиқланишини таъминлайдиган озиқали минерал элементларни катта потенциалига эга эканлиги; ўсимликларни кучли илдиз тизимни ва ер устки қисмини шаклланишини таъминлайдиган яхши физик хусусиятларга, катта ҳаво сигимиға эга бўлишлиги ўсимликларни тез ривожланишига ва анча эрта ҳосилга киришига имкон беради; фойдаланиш муддатини узунлиги; бегона ўтларни йўқлиги; тоза ва яхши эстетик кўриниши билан фарқланади.

Циолитларда етиштирилганда ўсимлик маҳсулотлари яхши таъм сифатлари билан ажralиб туради. Лаборатория тадқиқотлари шуни кўрсатдики, уларни кимёвий таркиби ҳалқаро стандартларга жавоб беради ва унда нитратлар ва нитритлар топилмаган.

Кокосли субстрат. Охирги йилларда иссиқхона ишлаб чиқаришида органик хом-ашё толаларидан иборат кокос палмаси мевалари устини қоплайдиган янги субстратдан жуда кенг фойдаланилмоқда. У технологик хусусиятларини юқори ва кўпга чидамлилиги билан тавсияланади. Ундан АҚШ, Канада ва Мексикада, Африка қитъасидаги мамлакатларда, ўртаденгиз соҳилидаги мамлакатлардан: Испания, Португалия, Италия, Греция, Франция, Голландияда ва бошқа Европа давлатларида кенг фойдаланилади. У Россия ва Украина иссиқхона хўжаликларига ҳам жорий этилмоқда. Бизда Ўзбекистонда ҳам уни қўллаш бошланган.

Кокосли субстратни ишлаб чиқариш маркази Шри-Ланка, Ҳиндистон,

Филиппин, Индонезия, Марказий Америка ҳисобланади. Энг таниқли кокосли субстратни етказиб берувчилар «Pelemix Industries» (Исроил), «Dutch Plantin» (Голландия) фирмалари ва айрим бошқа ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.

Турли экинларни етиштириш учун механик таркиби фарқ қилувчи турли хилдаги кокосли субстратлардан фойдаланилади. Одатда катталиги йирик фракцияли заррачалар ажратилади, қолгани – бу майда компостиранган заррачалардир.

Иссиқхона сабзавотларини кокосда етиштиришни кичик ҳажмли экинлардаги бошқа субстратларга нисбатан авзаллиги капиляр сувни баланд (кулай 17-20 см гача) кўтарилиши ва сув-ҳаво нисбатларини энг юқорилиги.

Кокосли субстратлар экин ва маҳсулот турига қараб ҳам соф ҳолда ҳам бошқалар билан аралаштирилган ҳолда фойдаланилади.

Шри-Ланкада кокосли субстратни қўйидаги маҳсулотлар кўринишида ишлаб чиқарилади.

1) Катталиги  $30 \times 30 \times 15$  см, оғирлиги 5 кг, ҳажми 13,5 л. прессланган брикетлар шаклида бўлиб, намлангандан сўнг улар 60 л яқин ҳажмни эгаллаб 4,4-5,2 марта кенгаяди. Унда 6,3-18,9 мм узунликдаги толалар 70% куруқ модда ҳажмини эгалайди.

2) Катталиги  $35 \times 35 \times 12$  см, оғирлиги 5 кг, ҳажми 15,9 л прессланган брикетлар. Намлангандан сўнг улар 60-65 л ҳажмни эгаллаб 3,8-4,1 марта кенгаяди. 70% яқин куруқ модда ҳажмини 12,5 мм ёки 18,9 мм узунликдаги толалар эгаллайди. Бу брикетлардан узоқ муддат фойдаланиш жараёнида улар юқори ҳаво ўтказув-чанлигини (8 ва ундан ортиқ йил) сақлайди ҳамда узоқ муддат етиштириладиган экинларда кўлланабошланаяпти.

Озуқали эритмалар. Иссиқхона экинларини озиқалаштиришни оптималлаштириш томондан тегишли нисбатда макро- ва микроэлементлар, ЕС, pH даражалари билан балансланган, етиштириш даврлари бўйича стандартли эритмалардан фойдаланиш ва иккинчи томондан зарур микроиқлим шароитларини сақлашdir.

Етиштириш жараёнида доимо турли холатлар рўй беради, озиқалантиришни оптималлашда уларни ҳисобга олиш зуур. Бу озиқали элементларни субстратли эритмадаги айрим элементларни ҳақиқий концентрацияси билан боғлиқ антагонизми (қарама-қаршилиги), бунинг натижасида балансланган озиқали эритмалардан фойдаланилганлигига қарамасдан, айрим озиқали элементларни ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши бузилади. Шу билан бир қаторда ўсимликларни нормал ўсиши ва ривожланишу учун зарур элементларни етишмовчилиги ёки ошиб кетиши туфайли озиқаланишини бузилиши рўй беради.

Бу айниқса оз ҳажмли илдизга эга бўлган кичик ҳажмли экинлар шароитида намоён бўлади. Шу боис бу ерда ўсимликларни озиқалантириш бўйича тавсияларга қаътий риоя қилиш ва ишчи озиқали эритмаларни балансланганлигига асосий эътибор берилиши керак. Кичик ҳажмли гидропоникада экинлар ва ўсиш даври бўйича дифференциацияланган турли эритмалардан фойдаланилади.

### Жадвал-31

Турли субстратлардаги бодринг ва помидор учун озиқ эритмаларнинг таркиби, мг/л

Кўрсаткич	Бодринг						Помидор					
	торфда			минерал пахтада			торфда			минерал пахтада		
	min	opt	max	min	opt	max	min	opt	max	min	opt	max
N- NO <sub>3</sub>	120	150	200	120	160	200	120	140	180	100	150	180
N – NH <sub>4</sub>	–	7	20		7	20		14	20		7	20
P	20	30	40	30	40	50	20	30	40	30	40	50
K	180	200	250	190	230	270	200	250	320	200	270	350
Ca	80	100	250	120	140	300	80	100	250	120	150	300
Mg	20	25	60	150	20	60	20	25	60	20	25	60
S	30	40	60	25	35	60	40	60	80	60	80	100
Fe	0,4	0,6	2,0	0,4	0,6	2,0	0,4	0,6	2,0	0,4	0,6	2,0
Mn	0,3	0,6	1,0	0,3	0,6	1,0	0,3	0,6	1,0	0,3	0,6	1,0
Zn	0,1	0,3	1,0	0,1	0,3	1,0	0,1	0,3	1,0	0,1	0,3	1,0
B	0,1	0,2	0,5	0,1	0,2	0,5	0,1	0,2	0,5	0,1	0,2	0,5
Cu	0,02	0,03	0,06	0,02	0,03	0,06	0,02	0,03	0,06	0,02	0,03	0,06
Mo	0,03	0,05	0,08	0,03	0,05	0,08	0,03	0,05	0,08	0,03	0,05	0,08
pH	5,0	5,5	6,0	5,0	5,5	6,0	5,0	5,5	6,0	5,0	5,5	6,0
ЭП, mCм/см	1,5	2,0	2,5	1,5	2,0	2,5	1,5	2,1	2,5	1,5	2,2	2,5

Ишчи эритмалар оналик асосида эритма тузилиб, уларни 1 : 50-200 нисбатда сув билан аралаштириш йўли билан тайёрланади. Тўғри ҳисоблаб чиқилган ва тайёрланган оналик эритма, эритма узели нуқсонсиз ишлашини таъминлайди. Оналик ва ишчи эритмалар 1,5-2 м<sup>3</sup> ҳажмли идишларда тайёрланади. Оналик эритмаларни А (азотли ўғитлар учун), В (комплекс ўғитлар учун), С (калийлилар учун) каби харфлар билан белгиланади. Улар ишчи эритмалар тайёрлаш учун сув билан аралаштириладиган идишларга бир вақтда берилади.

Кичик ҳажмли гидропоника учун жуда кўп, турли хил озиқ

эритмаларнинг таркиби тавсия этилган. Улар турли экинлар, субстрат турлари, етиштириш миңта-қалари учун ва бошқа омилларни ҳисобга олиб ишлаб чиқарилган. Уларни излаш ва такомиллаштириш давом этмоқда. Озиқ эритмаларни тузишни асосий принципларини ўзлаштириш учун қуидада бодринг ва помидор учун уларни айримлари келтирилади.

Химояланган ер экинлари бўйича илмий-тадқиқот маркази (Нидерландия) бодринг учун қуидаги таркибдаги озиқ эритмани таклиф этадилар (26-жадвал).

### Жадвал-32

#### Бодринг учун тайёр ва оналик эритмаларда асосий элементларни таркиби

Макроэлементлар				Микроэлементлар			
ўғитлар	стандартл и таркиб, мМ/л	тайёр эритма, мг/л	оналик эритма, кг/м <sup>3</sup>	ўғитлар	стандартл и таркиб, мМ/л	тайёр эритма, мг/л	оналик эритма, кг/м <sup>3</sup>
NH <sub>4</sub> NO <sub>3</sub>	0,5	40	4,0	Fe – DETPA 6%	10 Fe	9,32	932
KH <sub>2</sub> PO <sub>4</sub>	1,25	170	17,0	MnSO <sub>4</sub>	10 Mn	1,69	169
Ca(NO <sub>3</sub> ) <sub>2</sub>	3,5	700	70,0	ZnSO <sub>4</sub>	4 Zn	1,15	115
KNO <sub>3</sub>	4,25	430	43,0	Na <sub>2</sub> B <sub>4</sub> O <sub>7</sub> × 10H <sub>2</sub> O	20 B	1,91	191
MgSO <sub>4</sub> × 7H <sub>2</sub> O	1,0	246	24,6	CuSO <sub>4</sub>	2,5 Cu	0,12	12
				Na <sub>2</sub> MoO <sub>4</sub> × 2H <sub>2</sub> O	0,5 Mo	0,12	12

Помидор экини учун бу марказ қуидаги макроэлементларнинг стандарт озиқ эритмасини тавсия этади . Кичик ҳажмли гидропоника ўсимликларни ривожланишиш фазаларини ҳисобга олиб минерал озиқлантиришни дифференциация қилиш имконини беради. Масалан, Дания фирмаси «Гродан» минерал пахтали помидор экини учун ривожланиш фазалари: ўтказилгандан то биринчи шингилгача ва даврлар бўйича ҳосил бўлган ҳар бир кейинги 2-3 шингиллар бўйича озиқ эритмаларни кенг рўйхатли макро ва микроэлементлардан иборат стандарт таркибини ишлаб чиқган<sup>32</sup>[

<sup>32</sup>[C.R. Adams, K.M. Bamford and M.P. Early. Principles of Horticulture.Fifth edition.Chapter 22.Alternatives to growing in the soil. P. 383. ISBN: 978-0-7506-8694-5. Typeset by Charon Tec Ltd, A Macmillan Company].

### Жадвал-33

#### Сув ионларини ҳисобга олиб помидор учун озиқ эритмани ҳисоблаш

Стандарт таркиби, мМ/л									
Үйитлар, мМ/л		NO <sub>3</sub> <sup>-</sup> 10,5	H <sub>2</sub> PO <sub>4</sub> <sup>-</sup> 1,5	SO <sub>4</sub> <sup>-</sup> 2,5	H <sub>3</sub> O <sup>+</sup>	NH <sub>4</sub> <sup>+</sup> 0,5	K <sup>+</sup> 7,0	Ca <sup>++</sup> 3,75	Mg <sup>++</sup> 1,0
Коррекция					+3,0			-1,0	-0,5
Хисоблаш учун таркиби		10,5	1,5	2,5	3,0	0,5	7,0	2,75	0,5
H <sub>3</sub> PO <sub>4</sub>	1,5		1,5		1,5				
HNO <sub>3</sub>	1,5	1/5			1,5				
NH <sub>4</sub> NO <sub>3</sub>	0,5	0/5				0,5			
Ca(NO <sub>3</sub> ) <sub>2</sub>	2,75	5,5						2,75	
KNO <sub>3</sub>	3,0	3,0					3,0		
K <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	2,0			2,0			4,0		
MgSO <sub>4</sub>	0/5			0,5					0,5

Бу озиқ эритмадан фойдаланишда уни нордонлигини pH – 5,5 яқин даражада ва электр ўтказувчанлик – 2,4-3,0 мС/см да сақланади.

«Кемира» Финландия фирмаси помидорни торфли субстратда ва минерал пахтада етиштиришда уларни ривожланиш фазалари бўйича дифференциацияланадиган озиқ эритмаларни таркиби бўйича ўзини тавсияномаларини ишлаб чиқди.(34-жадвал).

### Жадвал-34

#### Помидорни турли даврларда етиштириш учун озиқ эритмаларнинг таркиби (мг/л),Grodan фирмасини ишчи эритмалари (Дания минерал пахтали экин учун)

Эритма	A	B	C	D	E	F	G	H	I	J	см
EC	2,44	2,38	2,57	2,54	2,55	2,56	2,59	3,03	2,00	3,50	mS
pH	5,5	5,3	5,5	5,5	5,5	5,5	5,5	5,5	5,7	5,7	
NO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	220	200	230	220	220	220	220	280	200	300	PPM
NH <sub>4</sub> <sup>+</sup>	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	PPM
P <sup>-</sup>	40	40	50	50	50	50	50	50	50	50	PPM
K <sup>+</sup>	340	240	330	370	400	380	420	480	230	320	PPM
Ca <sup>++</sup>	210	280	240	210	190	210	170	210	180	400	PPM
Mg <sup>++</sup>	60	80	70	70	70	70	60	70	70	110	PPM
SO <sub>4</sub> <sup>--</sup>	80	80	80	80	80	80	60	90	50	150	PPM
Fe	2,5	2,5	2,5	2,5	2,5	2,5	2,5	2,5	2,0	2,0	PPM
Mn	0,80	0,80	0,80	0,80	0,80	0,80	0,80	0,80	0,55	1,00	PPM


Zn	0,33	0,33	0,33	0,33	0,33	0,33	0,33	0,33	0,27	0,50	PPM
B	0,33	0,33	6,33		0,33	0,33	0,33	0,33	67	65	PPM
Cu	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,05	0,10	PPM
Mo	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05	PPM
Эритмадаги макроэлементларни нисбати											
K : N	1,42	1,09	1,32	1,54	1,67	1,58	1,75	1,60	1,05	1,00	
K : Ca	1,62	0,86	1,38	1,76	2,11	1,81	2,47	2,29	1,28	0,80	
K : Mg	5,67	3,00	4,71	5,29	5,71	5,43	7,00	6,86	3,29	2,91	
Ca : Mg	3,50	6,50	3,43	3,00	2,71	3,00	2,83	3,00	2,57	3,64	
% NH <sub>4</sub>	8,33	9,09	8,00	8,33	8,33	8,33	8,33	6,67	9,09	6,25	

Бунда A – ўтқазилгандан то 1-чи шингилгача ва 12-чи шингилдән то ўсув даври охиригача, стандарт; B – түшакларни түйинтириши; C – биринчидан то бешинчи шингилгача; D – 10-чи дан то 5-чи шингилгача; E – 5-чи дан то 10-чи шингилгача; F – 10-чи дан то 12-чи шингилгача; G – ялти ҳосилга кириши даври; H – кучайтирилган эритма; I – құчат; J – түшакдагы эритма.

Помидор учун бу ерда қуйидаги 7 та фазалар бүйіча озиқ эритмаларни дифференциацияланған таркиби тавсия этилади: 1) субстратни түйинтириш; 2) құчатни әкишдан то гулга киргунча; 3) 1-3 шингилларни гуллаши; 4) 3-5 шингилларни гуллаши; 5) 5-10 шиниглларни гуллаши; 6) меваларни ялписига ийғишида; 7) ўсув даври охиригача.

Кичик ҳажмли  
гидропоникада илдиз  
тизими жойлашган  
минтақаның түрли  
